


66-3/501  
1991



МУСТАҚИЛЛИКНИНГ  
ЕТТИ  
НАВРЎЗИ-  
ИСТИҚЛОЛНИНГ  
ОЙДИН  
ЙЎЛИ

66-3/59/

1491




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

# МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ЕТТИ НАВРЎЗИ — ИСТИҚБОЛНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

## МАЪРУЗАЛАР ТЎПЛАМИ

(Республика ўқув юртлари талаба-ўқувчилари  
ва аспирантларининг Ўзбекистон мустақиллигининг  
7 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуманида  
қилган маърузалари — 1998 йил март)



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ  
БОШ ТАХРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 1999

**Конференция материалларини нашрга тавсия  
этиш ҳайъати**

<b>Холмуродов Р. И.</b>	—	Вазирнинг биринчи уринбосари
<b>Ғаниев Д. Н.</b>	—	Бошқарма бошлиги
<b>Ниматов Р. Қ.</b>	—	Бошқарма бошлиги
<b>Тураев П. Т.</b>	—	Бошқарма бошлиги уринбосари
<b>Ҳалилов Н. А.</b>	—	ЎАЖБНТМ директори
<b>Обломуродов Н.</b>	—	ТМИ биринчи проректори
<b>Усмонов Қ.</b>	—	ТМИ кафедра мудири
<b>Ҳукумов А.</b>	—	ТДИУ доценти
<b>Ёқубов А.</b>	—	ТошДУ ўқитувчиси

Нашрга тайёрловчи ва махсус муҳаррир: **Пулат Тураев.**

## СЎЗ БОШИ

Наврўз мустақиллик йилларида Ўзбекистон халқининг нуфузли тарихий қадриятларидан ва улуғ айёмларидан бирига айланиб бормоқда. Бу айём Ўзбекистонда ҳар йили энг улуғ байрам сифатида тантанали нишонланади. У ҳар қандай мафкурадан, сиёсатдан холи бўлиб, аҳолининг руҳини кўтаришида ва мустаҳкамлашда, уни истиқболдаги буюк мақсадлар сари сафарбар этишида, мамлакатимизда кечаётган ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш учун йўналтиришида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Талаба-ёшларга мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида, Республика Президентининг асарларида, рисолаларида, нутқ ва маърузаларида илгари сурилган гоялар, кўтарилган масалалар ва муаммолар, уларнинг ечимлари, белгиланган тadbирлар, курсатмалар ва топшириқлар тўғрисида ҳар томонлама кенг ва чуқур билимлар бериш ҳамда уларнинг бу соҳаларда орттирган билим ва тажрибаларини аниқлаш, уқув юртлиридаги иқтидорли, ижодкор ва истеъдодли ешларни излаб топиш, уларга ёрдам сифатида тегишли таълим-тарбиявий дастурлар ва йул-йуриқлар ишлаб чиқиш мақсадида Вазирлик 1998 йилнинг март ойида «Мустақилликнинг етти Наврузи — истиқболнинг ойдин нули» мавзусида талаба-уқувчилар ва аспирантларнинг Республика илмий-амалий конференциясини утказди. Анжуман ишида Республика олий ва урта махсус уқув юртлирида шу мавзуда утказилган кўрик-танлов голиблари бўлган талаба-уқувчилар, аспирантлар уз маърузалари билан иштирок едилар.

Конференция шартига мувофиқ қатнашчиларнинг маърузалари Вазирликда ташкил етилган махсус ҳайъат томонидан нухта кўриб чиқилди ва голиблар белгиланди.

Муҳтарам китобхон! Сизнинг эътиборингизга ҳавола қилинаётган ушбу тўплам анжуман иштирокчиларининг маърузалари орасидан танлаб олинди. Улар умумий ва муштарак бир мавзу тўғрисида бўлса ҳам, мазмунан ҳар

қайсиси ўзига хос, услуги ранг-баранг ва сержило асарлардир. Уларнинг ҳар бирида жуда кўп нарса ва ҳодисаларни билишга, идрок этишга, мушоҳада ва таҳлил қилишга, улардан муайян хулосалар чиқаришга интилаётган ёш қалбнинг тинимсиз ва тизгинсиз шижоатини ҳис этиш мумкин.

Маърузачилар, мавзу бўйича, шубҳасиз, кўплаб адабиётларни куриб чиққанлар, устозларидан тегишли маслаҳатлар ва маълумотлар олганлар ҳамда уларни мустақил баён қилишга интилганлар. Уларнинг мавзу атрофидаги фикру-мулоҳазалари мамлакатимизда содир бўлаётган туб ўзгаришлар, ислоҳотлар руҳини ўзида акс эттиради. Шунингдек, талаба-ёшларнинг бу ислоҳотларда бевосита иштирок этиш истак ва иштиёқлари устуворлигини ҳам кўрсатади. Буни бир қатор маърузаларда талаба-ёшларнинг ўзлари бевосита гувоҳ бўлган ёки иштирок этаётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларидан ва баёнларидан ҳам билиш мумкин.

Айрим маърузаларда мавзу билан боғлиқ маълумотномалар, шарҳлар, фикр-мулоҳазалар билангина чегараланиб қолиш ҳоллари кўзга ташланса, бошқаларида Наврўз билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни, фактларни мустақил Ўзбекистоннинг ўтмиши, бугунги ҳаёти, келажаги билан боғлаб таҳлил этиш ҳоллари устунлик қилади. Уларда маърузачиларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан, халқимизнинг тинч ва осойишта турмушидан, Жаҳон ҳамжамиятида мустақил Ўзбекистоннинг юқори нуфузи ва обрўсидан мамнуният туйғулари сезилади. Буюк аجدодларимиз ишини давом эттиришга лойиқ фарзандлар бўлиб етишиш истаги, Ўзбекистонда демократик, адолатли ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини қуришда фаол иштирок қилиш, унга ўзининг шахсий ҳиссасини қўшиш иштиёқи кўзга ташланади.

Мазкур тупламдаги маърузалар талаба ва аспирантларнинг дастлабки илмий-иҷодий ишларидан бўлганлиги учун, ҳали айрим камчиликлардан ҳоли эмас. Бироқ, уларнинг ҳар бирида китобхонларда ёш иҷодкорга нисбатан ишонч ва умид ҳосил қилиш учун етарли асослар бор.

Тупламни ўқиб чиқиб, бунга тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси олий  
ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

## **Ўзбекистон ва Жаҳон ҳамжамияти**

**Ш. АБДУРАИМОВА** — Тошкент молия институти талабаси  
Илмий раҳбар — Қ. УСМОНОВ, тарих фанлари доктори,  
профессор

XXI аср бусағасида она Ватанимиз тарихида янги давр — мустақил тараққиёт даври бошланди. 1991 йил 31 августда Республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида мустақил Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлиги эълон қилинди. 1 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни бўлиб қолди. Дунё харитасида яна битта мустақил, суверен давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

Ўзбекистон халқи мана 7 йилдирки, узининг муборак Наврўз байрамини зўр тантана билан нишонлаб келмоқда. Ўтган 7 йил — тарих учун кўз очиб-юмгунча қисқа бир давр. Аммо халқимиз мустақиллик йилларида демократик ислохотларни амалга ошириш, миллий давлатчилик ва демократик жамият қурилишида, бозор муносабатларини шакллантириш, миллий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш борасида улкан ютуқларни қўлга киритди.

Мустақил Ўзбекистонни дунёдаги нуфузли давлатлар қан олди, улар билан дипломатик, иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатилди. Шу йилларда Ўзбекистон Жаҳон ҳамжамиятига қўшилди, унинг халқаро майдондаги нуфузи тобора ортиб бормоқда.

## **Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)**

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлардан оқ Жаҳон ҳамжамиятига қўшилди, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш йўлини танлади ва оғишмай шу йўлдан бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг узининг хоҳиш продаси ва таклифига кўра 1992 йил 2 мартда энг нуфузли халқаро ташкилот Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) га қабул қилинди. Ўзбекистон БМТга кирар экан, бу билан унинг халқаро ҳуқуқий меъёрларини, давлат-

лараро муомала қоидаларини, шунингдек БМТ таркибига кирувчи халқаро ташкилотларнинг талабларига риоя қилишини ҳам билдирди. Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг тўла, тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди.

Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йилда бўлган 48-сессиясида иштирок этиши ва унда қилган маърузаси Ўзбекистонни жаҳонга кўҳна ва ёш, навқирон, мустақил давлат сифатида намоён этди. «22 миллион аҳолиси бўлган Ўзбекистон, — деди Ислоҳ Каримов ўз маърузасида, — жугрофия жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам Марказий Осиёнинг ўзагини ташкил қилади. Дунёдаги энг қадимий цивилизациялардан бири шу минтақада пайдо бўлган. Қадим замонлардан Буюк Ипак йули шу ердан утган...

Мустақилликни эълон қилиб, Ўзбекистон ўзининг маънавий қадриятларини ва ақлий салоҳиятини қайта тиклаш даврига, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳаларда туб ўзгаришлар даврига қадам қўйди». Президентимиз Ўзбекистон Республикаси номидан Марказий Осиёда ҳавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТнинг Тошкентдаги доимий ишловчи семинарини чақириш, наркобизнесга қарши курашни кучайтириш, Орол муаммосини ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича бир қатор таклифларни илгари сурди.<sup>1</sup>

1993 йил февралда Тошкентда БМТнинг ваколатхонаси очилди ва у иш бошлади. Мазкур ваколатхона Ўзбекистон Республикаси ва БМТ раҳбарларининг сайъ-ҳаракатлари натижасида БМТнинг Тараққиёт дастури, қочоқлар иши бўйича олий кўмита комиссари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Аҳоли жойлашиш жамғармаси, гиёҳвандлик моддаларни назорат қилиш дастури, Саноат тараққиёти дастури, Болалар жамғармаси сингари ихтисослашган муассасаларни ўз таркибига бирлаштиришга муваффақ бўлди. 1993—1997 йилларда БМТ ваколатхонасига бошчилик қилган Холид Маликнинг фаол иштирокида Ўзбекистонда кўплаб халқаро тадбирлар утказилди. Чунончи, Тошкентдаги БМТнинг қочоқлар иши бўйича олий кўмитаси комиссарининг вакили тожик қочоқларини юртига қайтариш, уларга БМТнинг инсонпарварлик ёрдамини етказиш бўйича катта тадбирларни амалга оширди. 1994 йил октябрнинг бошларида БМТ ваколатхонасининг ёрдами ва иштирокида Тошкентда бўлган жаҳон сайёҳлик таш-

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Ёшларнинг оқиб ва обод ватан қолсин. 4-том. Т.: 1996, 47—57 бетлар

килотининг «Ипак йули» халқаро йиғилиши жаҳон сайёҳлик ва тижорат ишларида Ўзбекистоннинг мавқеини янада қўтарди.

1995 йил 20 январда Тошкентда БМТ ваколатхонаси билан ҳамкорликда семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон тараққиётининг стратегик муаммолари, ўзаро ҳамкорликни янада чуқурлаштириш муаммолари муҳокама этилади. Ўзбекистон ўзининг БМТ ишидаги иштирокини Марказий Осиё минтақасида тинчлик, ҳавфсизликни таъминлашнинг кескин муаммоларига жаҳон жамоатчилигининг эътиборини қаратиш имконияти деб билади.

Ўзбекистоннинг ташаббуси билан ва БМТ раҳнамолигида 1995 йил 15—16 сентябрь кунлари Тошкентда Марказий Осиёда ҳавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди. Семинарда 20 та халқаро ташкилот ва жаҳоннинг 31 мамлакати, жумладан АҚШ, Франция, Германия, Англия, Буюк Британия, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Эрон давлатларининг расмий вакиллари фаол қатнашдилар. Улар минтақа ҳавфсизлигини мустақкамлаш, можароларнинг олдини олиш, интеграция жараёнларини чуқурлаштиришнинг ишончли тизимини барпо этиш масалалари юзасидан ўз фикрларини, таклифларини айтдилар. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов семинарда нутқ сўзлаб, анжуманнинг мақсадини қуйидагича таърифлаб берди: «Биз Тошкент учрашуви мақсадларини жуда қисқа — бор-йўғи уч сўзда ифодалашга ҳаракат қилдик. Бу: Тинчлик, Барқарорлик, Ҳамкорлик сўзлари, ҳеч кимда эътироз уйғотмас керак...»

Ишончим комилки, Тошкент кенгаш-семинари БМТ «Тинчлик кун тартибига киритган масалаларни ҳал қилишда муносиб ҳисса бўлиб қўшилади. Шу йўл билан Марказий Осиё сайёрамизда тинчлик ва ҳавфсизликка эришишга қаратилган инсоният аҳиллиги ва биргаликдаги саъйи ҳаракатлар майдонини кенгайтиради».<sup>2</sup> Семинарда Баёнот деб номланган муҳим ҳужжат қабул қилинди. Баёнот жаҳон халқларини, хусусан Марказий Осиё халқларини, турли сиёсий кучларни минтақавий ҳавфсизликни мустақкамлашга, иқтисодий ва экологик ҳамкорлик тизимларини барпо этишга чақиради. Шунингдек, минтақадаги можароларни бартараф этиш, барқарорлик ва ҳамкорликни таъминлаш жаҳон ҳамжа-

<sup>2</sup> И. А. Каримов. Бунёдкорлик йулидан, 4-том. Т., 1996, 31—38-бетлар.

миятининг ҳам вазифаси эканлиги таъкидланади. Негаки, минтақалар ҳавфсизлиги жаҳон ҳавфсизлигининг гаровидир.

Ўзбекистон БМТнинг 50 йиллигига бағишланган тантаналарда фаол қатнашди. Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 1995 йил октябрь-ноябрь ойларида бўлган юбилей сессиясида қатнашиб ва нутқ сўзлаб бу нуфузли халқаро ташкилот фаолиятини яхшилашга доир таклифларни баён этди. Минтақавий ҳавфсизликни таъминлаш йули билангина жаҳон ҳавфсизлигини таъминлаш мумкинлиги алоҳида таъкидланди. Афғонистондаги урушга барҳам бериш учун унга ташқи кучларнинг аралашувини бартараф этиш, ташқаридан қурол олиб киришни тақиқлаш таклифлари илгари сурилди. Президент Ислом Каримов жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини оммавий қиргин қуролларини тарқатмаслик, қурол савдосини чеклаш масаласига қаратди. Шунингдек, Орол денгизининг қуриб бориши билан боғлиқ экологик муаммони ҳал этишга халқаро молия тузилмаларини ва ривожланган мамлакатларни жалб қилиш, БМТнинг ташкилотчилик ишини фаоллаштириш тўғрисида бир қатор таклифлар илгари сурилди.<sup>3</sup> Халқаро ташкилотлар ва нуфузли давлатлар бу таклифларни маъқулладилар ва муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашмоқдалар.

Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлигининг ёрқин саҳифаларидан яна бири Марказий Осиё минтақасини ядро қуролидан холи зонага айлантириш масаласида ўз ифодасини топди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессияси минбаридан туриб сўзлаган нутқида Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зонага айлантириш гоёсини илгари сурган эди. Ўзбекистоннинг бу ташаббуси халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 1997 йил февралда Алматида бўлган учрашувида минтақани ядро қуролидан холи зонага айлантиришга аҳдлашилди ва бу аҳднома махсус учрашувда қабул қилинган Алмати декларациясида ўз ифодасини топди. «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона» шиори остида халқаро конференция ўтказилиш таклифи илгари сурилди. 1997 йил 23 июлда Бишкекда Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлари кенгашининг мажлиси

<sup>3</sup> И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг нуридан, 4-том. Т., 1996, 56—59-бетлар

булиб, унда «Тегишли минтақа давлатлари ўртасида ихтиёрий равишда имзоланган ахдлашув асосида ядро қуролидан холи зона ташкил этиш» номли ҳужжатни тайёрлаш, уни БМТ ва хорижий ваколатхоналарга тарқатиш масалалари муҳокама қилинди. Марказий Осиё давлатлари халқаро конференцияни, унинг ҳужжатларини тайёрлашда фаол қатнашдилар. Тошкентда Норвегия, Россия, АҚШ экспертлари билан мазкур масалани ҳал қилиш борасида ишчи маслаҳатлари утказилди.

1997 йил 15—16 сентябрь кунлари Тошкентда «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унинг ишида 56 давлат ва 16 халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этди. Ушбу масала юзасидан Марказий Осиё мамлакатлари ташқи ишлар вазирликларининг Баёноти имзоланди. Марказий Осиё минтақасининг ядро қуролидан холи зонага айланиши мазкур минтақа ҳавфсизлигини мустаҳкамлайди.

Баёнотда БМТ ҳавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари, барча давлатларни Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш ташаббусини қўллаб-қувватлашга ва уни барпо этишга кўмаклашишга чақирилди. БМТнинг махсус органларидан Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш гуғрисида шартномани тайёрлаш ва амалга ошириш шакллари кўриб чиқиш илтимос қилинди.

## **Ўзбекистон: ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар**

Ўзбекистоннинг Жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувида халқаро ихтисослашган ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаши муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистоннинг БМТ ҳомийлигида таълим, фан ва маданият билан шугулланувчи халқаро ташкилот — ЮНЕСКО билан алоқалари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. 183 давлат аъзо бўлган ЮНЕСКОнинг бош мақсади — барча халқлар келажагининг умумийлиги асосларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш, ҳозирги замон муаммоларини янада чуқурроқ ўрганишга кўмаклашишдир. ЮНЕСКО ҳар йили ўз фаолияти доирасида жаҳонда 150—200 йирик тадбир ўтказди. ЮНЕСКО ҳар бир давлатдаги илгор тажрибаларни ўрганувчи ва бошқаларга тарқатувчи «Ғоялар лабораторияси» роли-

ни бажармоқда.<sup>4</sup> 1993 йил 29 октябрда ЮНЕСКОнинг қароргоҳи Парижда Ўзбекистонни ЮНЕСКОга аъзоликка қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Ўша кун юртдошимиз Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш ЮНЕСКО дастурига киритилди. 1994 йил октябрда Парижда Улуғбек ҳафталиги тантана билан ўтди. Хива ва Бухоро ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий қадриятлари рўйхатига киритилди. Бу рўйхатда 411 та объект бор. Самарқанд, Бухоро, Хиванинг меъморий мажмуаларини қайта тиклаш ишларига ЮНЕСКО эксперти — қайта тикловчи меъмор Жованни Боккарди Ўзбекистонда ишлаб ёрдамлашмоқда.

1994 йил декабрда республикамизда ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси ташкил этилди, у идоралараро орган бўлиб, таркибида таълим, фан, маданият ва ахборот, соҳасидаги вазирликлар ва идоралардан 49 киши аъзо бўлди.<sup>5</sup> ЮНЕСКО Марказий Осиё тараққиётини ўрганиш, тиклаш ва оммалаштиришга аҳамият бермоқда. «Ипак йўли — мулоқот йўли» деб номланган тадқиқотда Марказий Осиёга биринчи даражали аҳамият берилди. Олти жилдлик Марказий Осиё маърифати тарихи тайёрланмоқда ва нашр этилмоқда. 1992 ва 1994 йилларда унинг икки жилди нашр этилди. Минтақа мамлакатлари мутахассислари унда қатнашмоқда. ЮНЕСКО қарорига биноан Самарқандда Марказий Осиёни тадқиқ қилиш халқаро институти ташкил этилди. ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майорнинг Ўзбекистондаги расмий ташрифи чоғида институт тантанали равишда очилди. ЮНЕСКО бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини халқаро миқёсида нишонлашга қарор қилди ва 1996 йил октябрда Парижда Амир Темурга бағишланган халқаро ҳафталик анжуман бўлиб ўтди.

1997 йилда жаҳон маданиятининг дурдоналаридан ҳисобланган Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик муборак саналари Парижда кенг нишонланди, халқаро анжуман ва кўргазмалар ташкил этилди. Бу Ўзбекистон билан БМТнинг нуфузли халқаро ташкилоти ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. 1997 йил 19—20 октябрь кунлари Ватанимизга Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги муносабати

<sup>4</sup> Ж. Усмонов ва бошқалар. «Ўзбекистон қарамлик ва мустақиллик йилларида». Т., 1996. 104—105-бетлар

<sup>5</sup> Ўша китоб, 105-бет

билан бўлиб утган улкан тантаналарда БМТ, ЮНЕСКО ва бошқа кўплаб халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатларнинг элчилари ва вакиллари, бир қатор меҳмонлар иштирок этдилар.

Ўзбекистон БМТ доирасидаги ихтисослашган муассасалар — Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти, БМТнинг болалар фонди, Электр алоқаси бўйича халқаро иттифоқ, Жаҳон метеорология ташкилоти, Халқаро Олимпиада қўмитаси, Халқаро автомобилчилар иттифоқи ва бошқа ташкилотларнинг аъзоси, улар билан ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, Жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувига халқаро молиявий, иқтисодий ташкилотлар — Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳам кумаклашмоқда. Халқаро савдо маркази (ЮНКТАД), тарифлар ва савдо бош битими (ГАТТ) билан ҳамкорлик қилинмоқда.

Ўзбекистон 1992 фил февраль ойида дунёда тинчликни мустақамлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича катта тадбирларни амалга ошираётган нуфузли халқаро ташкилот — Европа ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ЕХХТ га аъзо бўлиб кирди. Президент И. А. Каримовнинг 1992 йил 9—10 июлда бўлган Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг мажлисида иштирок этиши, унда нутқ сўзлаши ва Кеңашнинг 10 июлда бўлган мажлисига раислик қилиши Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаётганлигининг далилидир. И. Каримов ўз нутқида у ёки бу минтақада тинчлик ва барқарорликнинг бузилиши мумкин бўлган можаролар яқинлашувининг олдини олиш, можароларга йўл қўймаслик муаммолари билан шугулланувчи механизмни вужудга келтириш, ташкилот қабул қилаётган ҳужжатларнинг таъсирчанлигини ошириш, можароларнинг олдини олиш, йўл қўймаслик руҳида бўлишини таъминлаш таклифларини илгари сурди. 1994 йил сентябрь ойининг охирида Тошкентда ЕХХТнинг умумий масалаларига бағишланган халқаро анжумани бўлиб, унда ташкилот фаолиятининг барча қирраларига оид масалалар кўриб чиқилди. ЕХХТ Тошкентда ва Урганчда атроф-муҳитни қайта тиклаш бўйича семинарлар ўтказди. Орол муаммосини ҳал қилишга кумаклашмоқда. 1995 йил июлда Тошкентда ЕХХТнинг

алоқалари бўйича минтақавий бюроси очилди ва фаолият кўрсатмоқда.

ЕХХТнинг 1996 йил декабрда Лиссабонда бўлган саммитида XXI аср арафасида ялпи ҳавфсизлик модулини яратиш хусусида мунозара бўлди. Можаролар юз бериб турган ҳудудларга яширинча қурол-яроқ етказиб беришни тўхтатиш, ЕХХТнинг Марказий Осиёдаги фаолиятини кучайтириш соҳасида Ўзбекистоннинг таклифлари маъқулланди ва Лиссабон декларациясида ҳужжатлаштирилди.

Ўзбекистон ташаббуси билан 1996 йилда Тошкентда ЕХХТ демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюроси (ДИИХБ) — нинг «Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар» мавзусидаги халқаро семинар кенгаши бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиё, Европа, Америкадаги 21 мамлакат экспертларининг, шунингдек 29 халқаро ва ноҳукумат ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар. Семинар-кенгашда Марказий ва Шарқий Европада Омбудсман институти, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини ривожлантириш, қонунчилик тизимини такомиллаштириш, халқ таълими ва оммавий ахборот воситаларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги роли масаласи кўриб чиқилди».<sup>6</sup>

Бу тадбирлар, Ўзбекистоннинг тинчлик ўрнатувчи ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи нуфузли ташкилот — ЕХХТ билан яқиндан ва самарали алоқалар ўрнатганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон кўпгина минтақавий ташкилотлар, чунончи, Европа иттифоқи, НАТО, ЭКО, Ислом Конференцияси ташкилоти, қўшилмаслик ҳаракати ва бошқалар билан ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда.

1996 йил февраль ойида Ўзбекистон Европа иттифоқи билан ҳамкорлик ўрнатиш бўйича музокаралар бошлади. Шу йил июль ойида Флоренция шаҳрида Европа иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасида шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Бу ҳужжат, Европа иттифоқи ва унга аъзо бўлган мамлакатлар, жумладан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий негизи бўлиб, сиёсий-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий алоқилар учун кенг имкониятлар очди. Европа иттифоқи билан ҳамкорлик Ўзбекистоннинг

---

<sup>6</sup> И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бунясида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кўрсаткичлари. Т., 1997. 306-бет.

ҳавфсизлик ва тараққиётини таъминловчи муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Шимолий Атлантика мамлакатлари ташкилоти НАТО ўртасида ўзаро тушуниш ва ҳамкорлик мавжуд. 1995 йил июль ойида Ўзбекистон НАТО нинг «тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига қўшилди. Ўзбекистон бу дастурдаги иштирокига ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ҳозирги замон ҳарбий техникавий ютуқлардан баҳраманд бўлиш, ҳарбий кадрлар тайёрлашда имкониятларини кенгайтириш нуқтаи назаридан қарайди. «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури томонидан 1995 йилда АҚШда, 1997 йил Қозоғистон ва Ўзбекистонда ўтказилган ҳарбий машқларда Ўзбекистон ҳарбий қисмлари иштирок этди.

Биз мамнуният билан қайд қиламизки, НАТО раҳбариятининг қарашлари Ўзбекистоннинг бутун дунё миқёсидаги ва Марказий Осиё минтақасидаги ҳавфсизлик муаммолари борасидаги қарашларига мос бўлиб тушмоқда. НАТО Бош қотиби Х. Солана ва АҚШнинг НАТОдаги доимий вакили Р. Хаппернинг Ўзбекистонга ташрифи буни жаҳонга яна бир бор намоиш қилди.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида сайёрамиз азон қатламини муҳофаза қилиш буйича Вена Конвенциясига, азон қатламини камайтирадиган моддалар ҳақидаги Монреал Протоколига, атроф-муҳитга таъсир этувчи воситаларни ҳарбий ёки бошқа душманлик мақсадида таъқиқловчи конвенцияга, ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартномага қўшилган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон тарихан қисқа бир даврда жаҳон ҳамжамиятига қўшилди, халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал қилишда, умумий ва минтақавий ҳавфсизликни мустаҳкамлашда фаол қатнашаётган нуфузли давлат даражасига кўтарилди. «Бугунги кунда, — деб ёзади Ислон Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бусағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида, — Ўзбекистон тула ҳуқуқли асосда энг обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотлар таркибига кирган бўлиб, барча қитъалардаги унлаб мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириб бормоқда».<sup>7</sup> Дарҳақиқат, ҳозир Ўзбекистонни 165 давлат тан олган, дунёдаги 120 дан ортиқ мамлакат билан расмий дипломатия муноса-

<sup>7</sup> И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари, Т., 1997, 296-бет.

батлари урнатилган. Ўзбекистонда 88 та чет давлат ваколатхоналари рўйхатдан ўтган, 24 та ҳукуматлараро ташкилот ва 13 та ноҳукумат ташкилоти фаолият кўрсатмоқда.<sup>8</sup>

## Истиқлол ва Наврўз

Умурзоқ АЛИБЕКОВ — Гулистон Давлат университети аспиранти

Мустақиллик миллий қадриятларимизни тиклашга, миллий-маънавий онглиликни оширишга катта имконият яратади. Маънавий ва моддий маданият бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, бир-бирига ўз таъсирини кўрсатади. Маънавий маданият моддий маданиятнинг битмас-туганмас манбаидир. Маънавий қадриятларимизнинг сараси бўлмиш Наврўз сайлининг жумҳуриятимиз мустақиллиги туфайли тикланиши халқимизга қувонч ва руҳий мадад бахш этади.

Ривоят қилишларича, Наврўз куни Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом: «Кошки биз учун ҳар куни Наврўз бўлса эди»,<sup>1</sup> — деган эканлар. Истиқлол ва истиқболга бўлган халқимизнинг ишончи, ижодий фидокорона меҳнатга сабаб булди. Жумҳуриятимизнинг тараққиётида, мустақилликнинг еттинчи Наврўзи арафасида улкан ютуқлар қўлга киритилди.

«Ўтган йили ялпи ички маҳсулот 5,2 фоиз ўсди. Биринчи марта ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқиш ҳажми аҳоли сони ўсиш даражасидан ошди. Бу ялпи ички маҳсулот ҳажмини аҳоли жон бошига 3,2 фоиз кўпайтириш имконини беради».<sup>2</sup> Жумҳуриятимизнинг иқтисодий тараққиётидаги ютуқлар, барқарорлик ва юртимизнинг тинчлиги 1998 йилни «Оила йили» деб эълон қилинишига имконият яратди.

Олд Осиё ва Урта Осиё халқларида узоқ ўтмишдан

<sup>8</sup> Уша китоб, 296-бет.

<sup>1</sup> *Беруний*. Қадимги халқлардан қолган елдорликлар. Танланган асарлар, 1-том. Т., 1968, 250-бет.

<sup>2</sup> *И. А. Каримов*. Барқарор тараққиётга эришиш — устувор вазифа. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йуклари ҳамда Ўзбекистон иқтисодистини 1998 йилда ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисаги маърузаси. «Маърифат», 1998 йил 28 февраль № 15 (7012).

нишонлаб келинаётган сайиллар сараси — удумий Наврӯз тантанаси мангулик машъалидир.

Наврӯз сайли шаклланиши илк деҳқончиликнинг вужудга келиши билан боғланади. Деҳқончилик эса жуда қадимда, Оналар жамоаси (Матриархат)нинг тинимсиз меҳнати натижасида, милоддан аввалги 10 минг йилликлардан бошлаб таркиб топди.

Милоддан аввалги 10 минг йилликдан ибтидоий кишилар озиқ-овқат топишнинг янги тури — деҳқончилик ва чорвачиликни ўргана бошлаган бўлсалар, 8—7 минг йилликларга келиб инсоният ҳаётида минг йилликлар тараққиёти Шарқда «аграр инқилоб»га йўл очди, деҳқончилик маданияти вужудга келди. Буни биз Исрихон (Фаластин), Чатал — Хююк Хожилар (Кичик Осиё) ҳамда Шанидар ёдгорликларининг археологик ўрганилишида кўрамыз.

Чатал — Хююк ёдгорлиги далолатида, бу ердаги деҳқонлар 14 турдаги ўсимликларни етиштирганлар, уларнинг ичида буғдой, арпа ва нўхат каби донли экинлар асосий ўрин тутган. Чорвачиликда — қўйлар ва эчкилар боқилган, шунингдек, йирик туёқли ҳайвонлар қўлга ўргатила бошланган. Буни Исрихон, Хожилар ва Шанидар ёдгорликлари ҳам тасдиқлайди.

Худди шу давр анъаналари ҳақида тўхталиб К. Жигулский «Қишлоқ хўжалигидаги мавсумий танаффуслар натижасида деҳқонлар иккита байрамни: мажбурий дам олишнинг бошланишини (кузда — У. А.) ва охирини (баҳорда — У. А.) байрам қиладиган бўлишди... Кейинчалик эса аниқ астрономик вақтларда тенгкунликда нишонланадиган бўлди», — дейди.<sup>3</sup>

Чата — Хююк аҳолиси йил ҳисобини баҳордан бошлаган. Буни уларнинг дафн маросими тасдиқлайди, барча мурдалар йил охирида кўмилган. Йил бошида ўлганларнинг танаси қузғунларга ташланган ва сўнг суяклар бошчаноғи билан бирга остодон (Оссуарий)ларга солиниб уйга қўйилган. Йил охирида ўлганларни эса уйда ётадиган ўринлари тагига дафн этишган. Бурхард Брентъеснинг таъкидлашича, «Уларни (Уйга қўйилган остодонларни — У. А.) бутун уй билан бирга вақти-вақти билан бўёқ беришган ва таъмирлашган... бу ишлар бир йилда бир марта, аниқроғи баҳорда, янги йил арафасида амалга оширилган»...<sup>4</sup>

<sup>3</sup> Жигулский К., Праздник и культура. М., «Прогресс», 1985, с. 49.

<sup>4</sup> Бурхард Брентъес. От Шанидародо Аккада. М., «Наука», 1976, с. 73.

Милоддан олдинги 5—4 минг йилликларда ҳам Қадимги Шарқ деҳқончилик маданиятининг маркази бўлиб қолди. Шумерликлар (ҳозирги жанубий Ироқ ҳудудида истиқомат қилишган) деҳқончилик маданиятини ижодий ривожлантириб катта ютуқларга эришишди. Шу даврда Марказий Осиёда Копетдоғ тоғ ён бағрларида, Мурғоб воҳасида (Жайхун) Амударёнинг қуйи оқимида (Қалтаминор), кейинчалик Зарафшоннинг қуйи оқимида (Замонбобо), Сурхондарёда (Сополлитепа) илк деҳқончилик маданияти шакллана бошлади.

Милоддан аввалги 4 минг йилликнинг охирида қадимги Шумернинг ҳар бир жамоасида яратувчи ҳосилдорлик худоси бор эди, Эредуда — Энки, Ниппурда — Энлил, Адабеда — она худо нинхурсанг, барча худо ва инсонларни, дунёни яратувчи ҳисобланади. Демак, вази-фалари бир хил бўлган худолар кўп бўлган. Манбалардан маълумки, яратувчи худолар булар билан тугамайди. Масалан: Бадда — Тибире, Кулбадда — Думу — зид — ана ёки Думузи (кейинроқ Таммуз), Умида — Шара, Урукда — она худо Инана ёки Иннин ва бошқа худолар жамоаларнинг бош худоси ҳисобланган. Бош худолар кўплаб ҳолатларда ўлдирилган, лекин қайта дунёга келган, моҳиятига кўра улар ҳам яратувчи ҳосилдорлик худолари ҳисобланган.

Купхудочилик (политеизм)нинг сўнгги даврида, барча худолар ичида Она — худонинг яратувчилиги — ҳосилдорлик тимсоли бош ўринга чиқади. Зардуштийларнинг муқаддас «Авесто» китобига кўра Ахурамазда, Апас-Ана, Митра, Воукураша, тиштрия каби худолар улуғланиб, уларнинг ичида она худолар кўпчилиги ташкил этган ва асосий ҳаётий воқеаларни ҳал этишган.

Кейинги даврда Марказий Осиёда Она худо Онақути (Анахита) барча худолар ичида улуғланиб ҳосилдорлик ҳомийси ҳисобланган. У бугун табиатнинг, тирикликнинг манбаи бўлиб, усимликларнинг униши, ҳайвонларнинг қунайиши унинг шарофати, инсоният наслининг сақланиб қолиши унинг меҳр-муруввати деб тушунилган.

Деҳқончилик маданияти давомчилари бўлган шумерликларнинг милоддан 5 минг йил аввал вужудга келган эзма ёлгорликлари (миххат)да Наврўз сайли билан боғлаш мумкин бўлган, қимматли афсоналар мавжуд бўлиб, уларнинг шаклланиш тарихи бевосита илк деҳқончилик вужудга келиши билан боғланиб, бугунги кундаги илм-фан ютуқлари билан мос тушади.

«Мол ва дон» афсонасига кўра, дастлаб ер юзид а одам ҳам, усимликлар ҳам бўлмаган, фақат худолар бўлиб, улар анча ёввойи эдилар.

Нонни емади улар (аннумакиллар),  
Кийим билан ёпинмадилар  
Кўйлар каби еди ўтларни  
Ва ичдилар кўлмакдан сувни.<sup>5</sup>

Мазкур уринда 50—40 минг йил аввал ер шаридаги тош асридаги ибтидоий одамлар худолар тасвирида берилган, бу илк одамнинг вужудга келиши ҳақидаги афсонадир.

Афсонанинг давомини кўрадиган бўлсак, худоларнинг бундай яшашлари жонга теккач Дуку (мажлислар зали)га йиғилдилар ва дон худоси (Она худо — Ашнан) ҳамда мол худоси (Она худо — Лакар)ни яратишга қарор қилдилар:

Лакар ва Ашнан Дукдан тушдилар  
Лакар учун қўрғон қурдилар.  
Унга кўп усимлик ва ўтлар совга қилдилар,  
Ашнан учун улар уй ҳам қуришди,  
Унга омов ва туқим совга қилишди.  
Такар ўзининг кўрасида —  
Бу чўпон мул-кўллик кўрасида.  
Ашнан ўзининг экиши билан —  
Бу қиз одобли ва саҳий.<sup>6</sup>


Мазкур парчадан биз ҳали эркаклар чорвачилик билан шугулланишганда, деҳқончилик дастлаб аёллар зиммасида бўлганлигини билиб оламиз. В. И. Сариниди ёзганидек: «Худолар инсонларга деҳқончилик ва чорвачилик сирларини берганидан бошлаб, ерда ҳақиқий тартибот ва тараққиёт асослари йиғила борди».<sup>7</sup>

Яна бир афсонага кўра Она худо Инана, гарчанд қайтиб келмаслигини билсада, ер ости подшолиги (у дунё)га саёҳатга кетади. Гуёки худо Энкининг шакллари келишиб Инанани туғаётган ҳолатда учратадилар ва унга «Ҳаёт суви ва ҳаёт ўтини» беришади. Қайта жон олган Инана ер ости дунёсини тарк этмоқчи бўлганда, аунлар (ер ости худолари) Инананинг «боши» унинг «бош» талаб

<sup>5</sup> Крамер С. Н. История начинается в Шумере. М., «Наука», 1965, с. 135.

<sup>6</sup> Уша асар, уша бет.

<sup>7</sup> Сариниди В. И. Тайны исчезнувшего искусства каракумов. М., «Наука», 1967, с. 9.



қиладилар. Инана учун тўлов олишга, уни ерга Она худо Эршегилгалланинг ёвуз девлари бошлаб чиқишади. Ердаги барча ибодатхоналарнинг эркак худолари Инанага бош эгишади. Фақатгина унинг турмуш ўртоғи, йўқлигида ўрнини эгаллаб олган чўпон Думузи бош эгмайди. Шу сабабли у Инананинг «боши» учун «бош» тўлов сифатида ер ости дунёсига олиб кетилади.

Афсонада ҳар қанчалик оддий бўлмасин, деҳқончилик ҳаёт зарурати эканлиги, шунингдек ҳар бир мавсумий ишларнинг бошланиши байрам қилинганлиги кўринадди. Баҳор байрами ёки бугунги Наврўз сайли, деҳқончилик ижодкорлари аёллар, ҳосилдорлик тимсоли, Она худолар байрам қилинганлигини хулоса қилишга имкон беради.

Кейинги даврда қадимги шумерликлар ҳар йилнинг фаслларга бўлиниб, ўзгариб туриши сабабларини тушуниб олишга уриниб табиат худоси Тамузнинг ўлиши ва қайта тирилиши тўғрисидаги афсонани яратган. Гўёки Таммуз ўлгандан кейин унинг рафиқаси мабуда Иштар нариги дунёга тушиб, уни тирилтириб янгидан ҳаётга қайтараркан. Табиатнинг ўлувчи ва қайта тирилувчи худосининг шарафига байрам қилинган:

Таммуз тирик кунларда ложувард найни чалинглар,  
Қизил ақиқ халқаларни жингиллатинглар,  
Чалинглар Таммуз билан, эй, аза тутган йиғловчилар,  
Токи исирик, ҳидига қониб, ўликлар тирилсин.<sup>8</sup>

Мазкур афсонадаги маълумотлар кейинги даврда деҳқончилик эркакларнинг асосий машғулоти бўлиб, аёллар эса кўмакчилар бўлганлигининг далолатидир. Таммузнинг ўлими, Она худо Иштар ёрдамида дунёга қайтиши, бу табиатнинг қайтадан уйғониши ва баҳор келиши, деҳқончилик ишларининг бошланиши, бир сўз билан айтганда Наврўз сайли тантанасидир. Зеро бизнинг давримизга қадар Наврўз тантанасида, Таммуз — Бобо деҳқон, Иштар — Баҳорхоним қиёфасида кириб келадилар.

Худди шу ўринда Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида берилган бир маълумот уринли.<sup>9</sup> Муаррих ҳабарига кўра Бухорода бир бозор, яъни «Бозори мох рўз» йилига бир йилда бир бор буглар сотилган. Ҳайкалчаларни дурадгор, наққошлар, у йилдан бу йилгача йўниб

<sup>8</sup> Андиса В. И. Қадимги Шарқ тарихи, 1964, 138-бет.

<sup>9</sup> Қаринг. «Меъраж» туркуми, 1991, 102-бет.

ясаганлар, белгиланган кунда (Наврузда) шу бозорга келтириб сотилган.

Қадимшунослик фани тадқиқотларидан маълумки, ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтиш даврида Олд Осиё ва Марказий Осиё ёдгорликларидаги муқаддас саждагоҳлар ва турар жойлардан кўплаб ҳайвон ва одам ҳайкаллари гопилади. Чекка-чекка ўринларда синдирилган ҳайкалчалар учрайди. Мазкур ҳайкалчалар йил бошидан оиланинг хомийси булган, йил охирида эса синдирилиб, янгиси олинган. Бу далолатлар қадимдан йил ҳисоби булганлиги, янги йил тантана қилинганлигидан далолат беради.

Халқимизда «Ёзга чиққан жон — улмас» мақоли бежиз дунёга келган эмас. Ногоҳ қари боболаримиз ёки онахонларимиздан неча ёшга кирганликларини сураб қолсак, улар «Болам, 80 баҳорни кўрдим», дея жавоб берганликларининг гувоҳи буламиз.

Демак, инсоният тарихи ибтидосида, кўҳна замонларда Навруз айёми кенг нишонланган. Юқоридаги фикрларга хулоса қилиб айтиш мумкинки, Наврузнинг ўтиш тарихи деҳқончилик маданияти билан узвий боғлиқ бўлиб 10—12 минг йилга тенгдир.

Табиат энг одил ҳакамдир... Президентимиз И. А. Каримов «Табиат ва инсон узаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда булади»<sup>10</sup> дея таъкидлайдилар. Ўн минг йиллар тараққийси давомида доно шарқ халқлари томонидан, профессор У. Қорабоев айтганидек, «Навруз коинот ва табиат қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда жорий этилган».<sup>11</sup>

Одил табиат қонунларига кўра инсон меҳнат фаолиятига асосланган Навруз сайли 1985 йилга келиб диний байрам деган таънага қолди.<sup>12</sup> Фақатгина 1989 йилга келиб, кенг жамоатчилик фикрига кўра, Навруз — жумҳурият расмий байрамига айланди.<sup>13</sup> Навруз сайли ўз урнида мамлакатимизнинг мустақиллиги элчиси, тинчлиги — тараққийси рамзи бўлиб қолди.

Миллий гурур ҳар бир миллатга хос хусусиятдир. Наврузнинг жумҳурият байрамига айлантирилиши мил-

<sup>10</sup> И. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бугунга: ҳақиқатликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари Т., 1997, 112-бет.

<sup>11</sup> У. Қорабоев. Табиат байрамлари. Т., 1988, 15-бет.

<sup>12</sup> У. Қорабоев. Ҳар тунунг қадр улубон, ҳар кунинг улсун Навруз», «Мулоқот», 1991, № 3, 31-бет.

<sup>13</sup> Правда Востока. В идеологической комиссии Компартии, 1989, 28 февраль, № 49.

лий ўзликни англашда катта аҳамият касб этди. «Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки у ота-оналардан мерос қилиб олинган ва бола ота-онасига, бутун дунёга айтган биринчи сўзида ифолаланади».<sup>14</sup> Наврўз сайлининг ўзига хос ажойиб хислати шундаки, унинг очилиш маросимини кўриш мумкин-у, яқунланишини сезиш амри маҳол, чунки у ишлаб чиқариш корхоналарида, ўқув юртларида, деҳқон даласида, маҳаллалар, кўчалар ва оилаларда давом қилади. Бизнинг фикримизча Наврўз: Бойчечак чиққандан Лола сайлига қадар давом этади. Баҳорги тенгкунлик шарафига қилинадиган барча маросим-анъаналар деҳқон-чорвадорларнинг хўжалик ҳаёти оила рўзғорида кундалик ташвишлари кўпайган пайтга тўғри келади. Наврўз сайлида шу нарса кўринадик, азалдан халқимиз меҳнат машаққатларини ҳамкорликда, кутаринки кайфиятда турли тантаналар билан енгиб келишган.

Элшунослик ва унга ёндош булмиш фалсафа, ахлоқшунослик, дин тарихи, фольклоршунослик каби фан йўналишларида бугунги кунга қадар мавжуд илмий ишларда байрам, маросим, урф-одат ва расм-русум каби атамалар моҳияти тўлақонли очилган. Лекин халқ сайли — сайиллар атамаси деярли ишланмаган.

Сайил асли арабча сайр атамасининг ўзлаштирилган кўриниши. Сайр сўзининг лугавий маъноси — хордиқ чиқариш, томоша қилиш учун бирор жойда айланиш, кезиш деган маъноларни беради. Сайилгоҳ — сайргоҳ сўзлари эса форсча — гоҳ, қўшимчаси қўшилиши билан ясаиб сайр қилиб, хордиқ чиқариш учун мос жой, халқ сайиллари ўтказиладиган жойни англатади.<sup>15</sup> Наврўз бир кунда ўтиб кетадиган байрам булмасдан, балки бир неча кун давом этадиган қатор анъана-маросим ҳамда байрамлар мажмуасидир. Чунончи Наврўз сайли деганимизда — Бойчечак базми, Лой тутиш, Шох мойлар (Кўш чиқариш, Кўшчи оши, Кўшмой), Сумалак сайли, Лола сайли (Гул базми), ёйинки обу ҳавонинг келишига қараб Дарвишона, Сушт хотин каби тантана маросимларнинг удумий нишонланиши кўз олдимиздан ўтади.

Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб

<sup>14</sup> И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўзгаришлари ва тараққиёт йўли Т., 1992, 77-бет.

<sup>15</sup> Ўзбек тилининг илмий луғати. 3. М. Маъруфов таҳрири остида. М., 1981, 2-том.

бормоқла.<sup>16</sup> Истиқлол туфайли Наврўз сайлининг аслияти тикланди.

Удумга кўра Наврўз арафасида жойларда халқ оқсоқолларининг махсус йигинлари бўлиб, уларда Наврўз ўтказиш ташкилий қўмиталари тузилаётганлиги, тантаналар, томошалар ҳамда турли маросимлар ўтказиш тартиби ҳақида сўз борган.

Наврўз сайли анъанага кўра оммавий покланиш удумларидан бошланган.<sup>17</sup> инсонлар ўртасида гина-кудуратлар унутилган, урушлар тўхтатилган; ҳовли, хонадон анжомлари тозалаб тартибга келтирилган; оламдан ўтган кишилар хотираси ёдга олиниб қабристонлар тозаланган ва ҳоказо. Мазкур соҳада кўриқ Сирдарё вилоятида ҳам анчагина ишлар қилинмоқда. Февраль ойи ўрталаридан мевали ва манзаралари дарахтлар, терак ниҳоллари ўтқазилмоқда. Биргина Боёвут туманидаги «Фаллакор» пайчилар уюшмасидаги теракзорлар 50 гектарни ташкил этади.

Бир неча минг гектардаги ариқ-зовурлар, қабристонлар тозалаб тартибга келтирилади.

Баҳор сайли удумига кўра қадимдан, меҳр-шафқат ишлари амалга оширилиб, етим-есирларга, майиб-мажруҳ кишиларга ва ночор оилаларга қурби етадиган кишилар, маҳаллалар жамоаси баҳоли қудрат ёрдам берганлар. Наврўз сайлининг мазкур руҳияти давлатимизнинг кучли ижтимоий сиёсатида акс этмоқда... Шунингдек «Наврўз», «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун» каби жамғармалар бу соҳада катта ишларни амалга оширмоқда. Айрим бир фирма, фермер хўжаликлари ишлари ҳам таҳсинга лойиқ. Боёвут туманидаги Бердимуратов Рузиқул бошлиқ «Алибек» фирмаси ҳар йили шу тумандаги 21-ўрта мактабда ўқийдиган, ночор оилаларнинг фарзандларига ҳайру эҳсонлар бериб келаяпти.

Элшунослик маълумотларига кўра қадим-қадимдан Наврўз сайли тантанаси учун махсус жойлар танланган. Бундай ўрин бугунги кунда Тошкентда «Навоий» боғи бўладиган бўлса, Гулистон шаҳрида стадион ва унинг яқинидаги «Дўстлик» богидир. Шунингдек Сирдарё вилояти аҳли учун Зомин тоғларидаги сайил тантаналари ҳам қадри. Бу ерда Сирдарё, Жиззах вилоятлари ва қўшни Тожикистон Республикаси Хўжанд вилоятлари

<sup>16</sup> И. А. Каримов Ўзбекистон XXI аср бусағасида: ханфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари Т., 1997, 140-бет.

<sup>17</sup> У. Алибеков Қатъа қаримас. «Фан ва турмуш», 1995 № 1.

халқларининг вакиллари анъанага кура тантана қиладилар. Улар утган йил натижалари, янги йил режалари билан уртоқлашиб баҳор сайлида мириқиб дам оладилар, «улоқ чопадилар».

Маълумки, Навруз тантанасининг иштирокчилари баҳорий неъматлардан узига хос тукин дастурхонни уртага безайдилар. Гулистон шаҳри Олим Хўжаев номли театр майдонида катта қозонларда сумалак пиширилиб, сумалак сайли бўлади.

Бугунги кунда Наврузга тайёргарлик ишлари авж олди. 1997 йилда вилоятимиздаги энг катта зафарлардан бири Тошкент — Ховос автомобиль йулининг, шаҳар қисмида икки томонлама йўлакнинг барпо қилиниши бўлганди. Бу йил эса «Навруз» байрами шарафига 50 та объект фойдаланишга топширилди. Гулистон шаҳрида эса «Болалар бокс саройи», «Теннис саройи», 2 та куп квартирали уйлар ҳам фойдаланишга топширилади.

Буюк мутафаккир бобомиз Беруний «Куёш ва Ой фалакнинг икки кузи, булганидек, Навруз ва Меҳржон замоннинг икки кўзидир»,<sup>18</sup> деган эдилар. Меҳржон<sup>19</sup> ва Навруз сайлларининг тикланиши, бу — мустақиллигимиз шарофати. Мустақилликдан кейинги тинчлик, барқарорлик жумҳуриятимизнинг ривожланиши, иқтисодиётдаги ютуқларимизда, маънавий камолот, оммавий кутаринки кайфиятларимизда Навруз сайли руҳияти, Меҳржон сайлининг шукуҳи сабабчидир.

Хулоса қилиб айтганда, Навруз байрамининг тикланиши бу миллий қадриятларимизнинг тикланишидир. Навруз байрами маънавиятимизнинг бойишига, онг-шуримизнинг ошишига ёрдам беради.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Наврузга багишлаб анжуман ташкил этиб жуда яхши, савобли иш қилганлар.

<sup>18</sup> Беруний. Қадимги халқлардан қолган елгорликлар. Танланган асарлар. 1-том. Т., «Фан» 1968, 252-бет.

<sup>19</sup> Т., Омонжудов, У. Алибқов. Заминдай қадимий Меҳржон!. «Гулистон», 1994., № 4.

## Оила, маҳалла ва Наврӯз

Дилбар ҲАЙИТОВА — Бухоро Давлат университети  
талабаси

Наврӯз — халқимизнинг энг қадимий, энг сеvimли, миллий байрами. Уни ҳар бир инсон, ҳар бир оила, ҳар маҳалла орзиқиб кутади. Президентимиз таъбири билан айтганда, мамлакатимизда байрамлар кўп. Лекин Наврӯзнинг таровати, шукуҳи ўзгача. У аввало, табиатнинг уйғониш байрамидир.

Наврӯзнинг иккинчи хусусияти, у бизнинг миллий байрамимиздир. Ота-боболаримиз минг йиллардан бери амал қилиб келаётган, миллатимизга хос ва табиатимизга мос байрамдир.

Табиат уйғонса, одамзод яшаради. Унинг кайфияти кутарилиб дунёқараши ўзгаради. Негаки, у табиатдан куч олади.

Наврӯз ёшариш, орзу-умидлар байрамидир. Баҳор бошланиши билан деҳқон ерга уруғ сочади, боғбон кучат экиб, боғ барпо этади.

Наврӯз — меҳр-мурувват айёми. Одамзод табиат қуйнида покланади, унда олижаноблик, меҳрибонлик ҳислатлари пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам Наврӯзда кексалар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш халқимизнинг азалий одатига айланган. Бу ишда савобталаб, саховатпеша мулкдорлар ибрат кўрсатсалар яхши бўлади.

Наврӯзнинг яна бир жиҳати — мафкурадан, сиёсатдан холи умумхалқ байрам эканлигидир.

Тарихий манбаларнинг ёзишича, Наврӯз байрамининг шаклланганлигига бир неча минг йиллар бўлган. Лекин характерли томони шундаки, бу байрам мустақиллигимизнинг 7 йили Наврӯзи ҳисобланади. Маълумки, 7 рақами шарқ халқларида муқаддас саналади. Энг жозибали ранг — Камалак ҳам етти хил рангдан ташкил топган. Ният қиламизки, шоду-хуррамлик билан ўтказилаётган бу йилги Наврӯзимиз Республикаимизнинг довруғини етти иқлимга ёйиб обрўйига-обрў қўшади. Наврӯз дастлаб оиладан ва маҳалладан бошланади. Байрам арафасида ҳовли-жойларни, кўчаларни, маҳаллаларни тозалаш, ободонлаштириш, қишлоқ шаҳарларимизга ўзгача файз бағишлайди. Дарвоқе, оила, маҳалла деганимиз нима?

Оила эр-хотин, уларнинг бола-чақалари ва энг яқин туғишганларидан иборат, кишилар гуруҳи хонадонидир.

Оила аъзолари бир-бирлари билан умумий турмуш, узаро иқтисодий мулки, ҳуқуқий, ахлоқий, алоқалар билан боғланади. «Оила муқаддас ва даҳлсиз ҳисобланади. Рамзий қилиб айтсак, оила ўзига хос кичик бир мухтор давлатдир. Лекин оила осмондан тушмайди, оила жамият ташқарисида эмас, унинг таркибидадир» («Ватан туйғуси», Т., 1996, 82-бет).

Узоқ тарихга назар ташласак, қадимда мана-ман деган қудратли империялар, салтанатларнинг вужудга келиши ҳам, вақти соати келиб парчаланиши ҳам аслида оиладан бошланган. Оиладаги ношукурлик, ноиноқлик ҳайру-бараканинг кўтарилишига, охир-оқибат инқирозга юз тутишига олиб келган.

Дарҳақиқат, оила-жамиятнинг ўта нозик ва қимматли ҳалқаси. Президентимиз таъбири билан айтганда, ҳаётнинг абадийлиги, авлодлар давомийлиги, келажак наслларнинг қандай инсон бўлиб етишиши бевосита оилага боғлиқдир. Жамиятнинг диний-руҳий асослари, ер-сувни асраб-авайлаш, жамоа бўлиб яшаш, қариндошлик ришталари, қуда-андачилик одоби, меҳнат кўникмалари, сабр-бардош, диёнат, андиша сингари бебаҳо фазилатлар аслида оилада шаклланади. Ўзбек хонадонининг ўзига хос томони шундаки, «оилалар асосан кўп сонли бўлиб, уларда турли авлодлар вакиллари бирга яшашади, ҳўжалик ишларини бирга олиб боришади. Бу эса болаларни тарбиялаш, уларда миллий қадриятлардан баҳраманд бўлишга имконият яратади.<sup>1</sup>

Ўзбек оиласида болалар дастурхон атрофида катталарнинг: сувга тупурма, нон устига нарса қўйма, ёши улуғларнинг йўлини кесиб ўтма, ота-онанга қўполлик қилма, гариб-нотовонлар устидан кулма, одамларга орқангни ўгирма, ҳайвонларнинг бошига урма, буш бешикни тебратма, марҳумнинг уйдан чиқиб бировникига борма, қариндош-уруғларинг билан алоқани узма сингари одоб-ахлоқ меъёрларини болалигиданоқ қўлоғига сингдириб олади.

Маълумки, жамият тараққиётини таъминловчи бир қанча омиллар мавжуд бўлиб, унинг энг фаоли ва ҳаракатга келтирувчиси — бу инсон салоҳиятидир. Инсон эса оиладан дунёга келади ва камолга етади. Иқтисодчилар

---

<sup>1</sup> И. Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсатасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кифолатлари», 1997, 253-бет.

таъбири айтганда, оила мамлакатни доимо «инсон капитали» билан таъминлаб турувчи маскан. Демографларнинг ҳисоб-китобларига қараганда мамлакатимиз аҳолиси қарийб 24 миллион киши бўлиб, унинг каттагина қисмини 16 ёшгача бўлган болалар ташкил этаркан. Орадан кўп вақт ўтмай улар улғайиб, давлатимизнинг меҳнат салоҳиятини тўлдириб туради. Ҳозир Республикамизда 3,5 миллионга яқин оила бўлиб, уларнинг сони йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Ислоҳот туфайли мулк ўз эгасига қайтарилгач, оиланинг жамиятдаги ўрни янада ошди. Оилавий кичик корхоналар, оилавий пудрат, оилавий фермер, ижара пудрати сингари янгича мулк шакллари оилани ишлаб чиқаришга боғлаб боради. Ишлаб чиқаришнинг ривожини эса шубҳасиз, жамият тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади.

1996 йил Республикамиздаги оилавий мулкнинг турли шаклларида 60 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланиб, бозорга чиқарилгани юқоридаги фикримизнинг далилидир. Бухоро вилоятининг ўзида 1637 та деҳқон хўжаликлари бўлиб, 7554 тонна дон, 9240 тонна пахта, 565 тонна сабзавот, 429 тонна полиз маҳсулотлари, 1767 тонна узум, 4457 тонна сут, 1 млн., 361 минг дона тухум тайёрланган. Бу шубҳасиз, бир томондан, жамиятнинг иқтисодий потенциалини оширса, иккинчи томондан оиланинг бюджетини тўлдириб боради, учинчидан болаларни ёшлиқдан бошлаб меҳнат кўникмаларига ўргатиб боради, энг асосийси ота-она, фарзандлар ўртасида уйғунлик муносабатларини мустаҳкамлайди. Фақат мулк бошлиқларига бир оз инсоф бериб, ёлланма меҳнатни зулмга айлантирмасан бўлгани.

Оилада ҳамма ташвиш фарзанд туғилгандан кейин бошланади: бола тарбияси, унинг билим олиши, касб ўрганиши, кийиниши, саломатлигини асраш қанчадан-қанча сарф-харажатларни талаб қилади.

Юртимизда фаолият кўрсатаётган «Болалар», «Навруз», «Экосан», «Соғлом авлод учун» жамғармалари ҳам кўл қовуштириб ўтирмайдилар. Аммо барибир, оилаларда хилма-хил муаммолар бартараф этилган эмас. Масалан, оилавий дарз кетишларни олиб кўрайлик. Қайси-бир хонадонда оилавий фожиа содир бўлса, бутун жамият танаси зирқираб оғрийди.

Кейинги йилларда юртимизда «Аҳоли сифати» муаммоси келиб чиқди. Бу тушунча чуқур маънога эга бўлиб, у аҳоли саломатлиги, болалар ва оналар улими, ўртача

умр кўриш даври, касб-ҳунарга тайёргарлик даражаси сингари муҳим кўрсаткичларни ўз ичига олади. Аҳолининг табиий ўсиши бошқарилмаётганлиги сабабли мамлакатимизда ҳар бир ишловчига ўртача 2,7 ишламай-диган боқиманда туғри келади. Қишлоқ жойларида эса бу кўрсаткич 3,6 кишини ташкил этади (Янги аср бўсағасида ўйлар. «Савдогар», 1998 йил 20 январь). Ўз вақтида соҳибқирон бобомиз одамлар сонининг шунчаки кўпайиши эвазига эмас, балки соғлом, билимдон жангчилар тайёрлаш йўли билан қудратли давлат тузумига эришган. Унинг «мингта нимжон одамдан битта соғлом, ақлли аскар афзал», — деган шиори ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Хуллас, оила жамиятнинг бугуни, эртаси, келажаги, мамлакат тараққиётининг таянчи. Шунинг учун давлат оилани ўз ҳимоясига олади, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унинг эҳтиёж ва заруриятини таъминлаш социал сиёсатнинг узвий қисми деб ҳисоблайди. 1998 йилнинг «Оила йили» деб эълон қилинишининг мантиқий маъноси ҳам шунда.

Кишиларнинг тарихий ривожланган бир неча оилалардан ташкил топган бирлиги — маҳалладир. Шароит бўйича ҳар бир оила учун ўнг, сўл, орқа ва олд томондаги қирқтадан хонадон, жами бир юз олтмиш хонадон қушни мақомидадир. Мусулмон буладими ёки ғайридин буладими, маҳалладошликда бунинг аҳамияти йўқ.

Оилаларнинг тинч-тотув, пиру-бадавлат, ували-жували бўлиб юришида, болаларнинг, айниқса қизларнинг ҳаёли ва иболи бўлиб тарбия топишида тарбиянинг ўрни беҳад каттадир.

Маҳалла деганда, Ватан ичра Ватан бўлган муқаддас бир маскан кўз олдимизга келади. Шу маскан замирида бизнинг узоқ йиллик ўтмишимиз, ўзлимиз намоён бўлади.

Маҳалла фуқароларнинг ташаббуси билан ташкил этилган тарихий жамоадир. Тарихчи олим Наршахий «Бухоро тарихи» асарида 1100 йил илгари ҳам маҳаллалар бўлганлигини қайд этиб ўтган. Демак, маҳалла бундан минг йиллар илгари мавжуд бўлиб, ўзига хос ички тартиби, қоидалари, ёзилган ва ёзилмаган қоида-қонунлари бўлган экан. Унинг ички тартиблари, муносабатлари, ижтимоий қадриятлари шунчаки одат тусига кириб одамлар онги, шуурига маънавий-руҳий таъсир кўрсатганки, амалдаги қонунларга нисбатан кучлироқ самара берган.

Маҳалланинг ўзига хос мулки бўлиб,

кукаламзорлаштирилган жамоа маркази (гузар дейилган), масжиди, чойхонаси, туй-маърака маросимларида ишлатиладиган қозон-товоқлари қарамогида бўлган. Ҳар бир маҳалла аҳли шу ҳудуддан оқиб ўтадиган ариқлар, ҳовуз, қудуқ, куча, дарахтларни тоза — озода сақлаш, авайлаб-асраш мажбуриятини олган. Маҳалланинг таъсирчан кучи шундаки, бу ерда ҳамжиҳатлик гоёси, жамоатчилик фикрининг устуворлиги, адолат билан иш тутиш, бева-бечора, етим-есирлар бошини силаб, бағрига олиш сингари инсоний фазилатлар юқори туради. Хуллас, маҳалла инсофу диёнатдан, меҳру оқибатдан, иймон-эътиқоддан сабоқ берувчи, лозим бўлса, тергаб тартибга чақирувчи маскан ҳисобланади. Биргина «тобуткашмиз» деган сўз ҳар қандай қайсар кишини ҳам жаҳолатдан, қаҳру ғазабдан, ёмон хатти-ҳаракатидан қайтарган, заррача бўлсада, кўнглига меҳр-оқибат туйғусини олиб кирган. Маҳалланинг ички тартиб-қоидалари гарчи ёзилмаган бўлсада, лекин ҳамма учун бирдек қонуни бўлган. Миллий ва диний байрамлар, шунингдек бошқа тадбирларни ўтказишда маҳалла аҳли бир тан, бир жон бўлиб хизмат қилган. Оилаларнинг мусибатли кунлари ҳам, туйлари ва бошқа қувончли кунлари ҳам биргаликда баҳам курилган. Хуллас, халқимизда «Маҳалла бор, нима ғамим бор», деган тушунча бежиз келиб чиқмаган. Мустақиллик йилларида маҳалланинг моҳияти янада кенгайиб, янгича мазмун касб этади.

Республикамиз «Маҳалла» ҳайрия жамгармаси фаолият кўрсатмоқда.

Маҳалла эндиликда ўз ҳудудида ишлаб чиқаришни ташкил этилиши, кичик корхоналар очиши, ўзининг ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотиши, унинг бир қисмини муҳтожларга бериши, аҳолини иш билан таъминташ билан ҳам бевосита шуғулланиш қафолатига эга бўлди. Шунингдек, уй-жой қуриш, таъмирлаш ишларини олиб бориш, маданий-маиший хизмат, савдо шаҳобчаларини ташкил этиш ҳам маҳалланинг розилиги билан амалга ошириладиган бўлди. Маҳалланинг тарбиявий аҳамияти яна шундаки, унда миллатчилик ва маҳаллийчилик аломатлари сезилмайди. Маҳалла — аҳиллик оиласи деган сўзнинг мазмуни ва моҳияти мана шунда. Маҳалладек одамларни бирлаштирувчи урф-одаттаримиз, миллий қадриятларимиз, иймон эътиқодли кишилар тарбиялайдиган таъсирчан маскан бўлмаса керак. Оиладаги яхши одатлар, муомала маданияти, ота-онага илоат, кичикларга меҳрибонлик, саранжом-саришталик,

меҳмоннавозлик, узаро ёрдам, ҳашар сингари фазилатлар, қадриятлар асосан маҳалла муҳитида шаклланыпти. Тарбиявий таъсирчанлик булмаган маҳаллада текинхўрлик, ишёқмаслик, сатанглик, башанглик, лоқайдлик, жиноятга қул уриш сингари нохуш иллатлар юзага келади.

Маҳалла — тарбия учоги. Маҳалла оқсоқолларининг насиҳати, тергашларини ҳеч қандай дарс билан алмаштириб булмайди.

Маҳалла оқсоқоллари ёшларнинг эҳтиёжларини аниқлашда, буш вақтларини уюштириш каби тadbирларини амалга оширади. Маҳаллаларда ёшларни иш билан банд қилиш учун кичик қорхоналар ташкил этилмоқда, шунингдек экология ва соғлиқни сақлаш борасида бир қатор тadbирлар олиб борилмоқда. Жумладан Наврўз кунлари маҳалла оқсоқоллари туман, шаҳар ҳокимлари бошчилигида ҳовли-жойларни, кўчаларни, маҳаллаларни тозалаш, ободонлаштириш ҳафталиклари ўтказилади. «Энг яхши оила», «Намунали маҳалла» кўрик-танловлари ва шунга ўхшаш қатор тadbирлар ўтказилиб, ғолиблар тақдирланмоқда. Наврўз бир кунлик байрам эмас, уйғониш, яшариш, орзу-умидлар рамзи сифатида маҳаллаларда баҳор бўйи давом этади. Наврўз бизнинг яқинда 2500 йиллик байрами нишонланган Бухорода Регистон майдонидан бошланди. Байрам кунлари Баҳоуддин Нақшбанд, Улуғбек, Файзулла Хўжаев маҳаллаларида, боғ ва ҳиёбонларда Наврўз шодиёналари бўлиб ўтди. Лаби-Ҳовуз, Фитрат, Навоий шоҳ кўчасида, «Бухоро» стадиони атрофида савдо кўرғазмалари ташкил этилиб, сумалак ва ҳалим пиширилди. Маҳаллаларда яшовчи киши жамиятда тутган мавқеи бой ёки камбағаллигидан қатъи назар кексайган сари бир нарсадан кўнгли тўқ бўла боради — кун-соати битгач, хотиржам оёқ узатиб, кетади, уни ҳам маҳалладошлари иззат-ҳурмати билан сўнгги йўлга кузатиб қўядилар, инсонлик шарафини ўрнига қўядилар. Шунинг учун бўлса керак, америкалик, канадалик, жанубий корейлик мутахассислар бизнинг маҳалла тартибимизга ҳавас билан қарамоқдалар ва уни ўз юртларида синаб кўриш ниятида эканликларини айтиб тараддуд кўрмоқдалар. «Маҳалланинг яхши томони шундай эканки, — дейди АҚШдан келиб Бухоро давлат университетида ўқитувчилик қилаётган Сккат Смит, — инсон дунёда яқка ёлғиз қолмас экан. Менга айниқса маҳалланинг ҳашар анъанаси жуда ёқди». «Кўпчилик, АҚШда ҳамма нарса яхши, деб уйлайди, ундай эмас, бизда тарбия яхши эмас.

Сизлардаги маҳалла тартибидан фойдаланилса фойдаси тегар деб уйлайман», — фикрини давом эттиради Жейм хоним. Мана ҳиндистонлик Наидини Меҳтахоним маҳалламиз тadbирларига ҳавас билан қараб шундай ёзади: «Бу ернинг тўйларини куриб ҳайратда қоласан киши. Бутун маҳалла тўй қилаётган ҳовлига чиқади. Тўй маҳаллани бириктириб ҳамкорликда амалга ошириладиган тантанали тadbир базмда маҳалланинг идиш-товоқлари, уриндиқлари, 500 ва ундан ортиқ одамлар учун ош дамланадиган улкан қозондан фойдаланилади. Бу жуда жозибали, бошқаларда учрамайдиган ажойиб одат».

Хуллас ҳуррият маҳаллага ўз-ўзини бошқариш органига айланиб бориши учун кенг имкониятлар яратиб бермоқда.

## **Наврўз — табиат сирларини намойиш этувчи байрам**

### **3. АБДУЛЛАЕВА — Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти талабаси. Илмий раҳбар — Н. НАВРЎЗОВА, доцент**

Бугун ҳар бир тилда калом: Салом, Наврўз, Салом, Наврўз,  
Бугун ҳар бир дилда ором: Салом, Наврўз, Салом, Наврўз.

«Наврўз» сўзи форс тилидан олинган бўлиб, «нав» — янги, «рўз» — кун, яъни «янги кун» деб аталади.

Наврўз байрами кеча билан кундузнинг тенглашган пайти, баҳор фаслининг 21—22 март кунларидан бошлаб бир ҳафта, 10 кун давомида ўтказилган. Бу байрам, аввало табиатнинг жонланиши, янгиланиши, янги йил билан юртимизга гузал баҳор фаслининг кириб келиб, келинчакдек ўз яшил сепини кенг ёйиши билан бошланган. Наврўзи Олам минг йиллардан буён инсоният қалбини ўзига ром этиб келмоқда. Утмишда ота-боболаримиз Наврўзни байрам қилишдан олдин у билан боғлиқ булган табиат ҳодисаларини кузатганлар. Бу кузатувларни қўлёзма ҳамда босма китобларда ёзиб қолдирганлар. Наврўзнинг жуда қадимий эканлиги ҳақида урта аср ғалломалари асарларида кўплаб ишончли маълумотлар келтирилган.

Бизгача етиб келган қатор манбалар Наврўзнинг тари-

хий айём эканлигини кўрсатиб турибди. Жумладан, Шарқнинг буюк донишманди Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнама», Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Маҳмуд Кошгарийнинг «Девону луғотит-турк» асарларида бу шодиёна ҳақида ёзиб қолдирилган. Навоийнинг устози, шоирларнинг маликул каломи — Лутфий «Гул ва Наврўз» дostonини яратганки, бу асар ҳамон адабиётимиз хазинасини безаб келмоқда. Наврўз ҳақидаги тадқиқ этилмаган манбалардан Хожа Али Термизийнинг «Наврўзнама»си, яна «Солнома», яъни йил ҳақидаги рисоласини китоб шаклида тузган муаллифлар Маҳмуд Ҳасаний ва Ғолиба Жўраевалардир.

Хожа али Термизийнинг тўлиқ номи Хожа Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ал-Ҳасан ибн Бишр ал-Ҳаким ат-Термизийдир. У халқ орасида Ҳаким Термизий номи билан машҳур бўлган. 859 йили туғилиб, 932 йилда вафот этган. У кишининг руҳлари Ҳазрат Нақшбандга таълим берган. Ҳаким Термизийнинг тарих, фалсафа, фикр ва тасаввуф илmlарига оид 80 та асари бизгача етиб келган. «Наврўзнама» рисоласи ҳам Ҳаким Термизий қаламига мансуб бўлиб, у аслида араб тилида ёзилган. Рисола турли қўлёзмалар орқали бизгача етиб келган. Рисолага муқаддима ёзилган бўлиб, унда Ҳаким Али Термизийнинг барча фанларни эгаллаган катта уламолардан эканлиги, табиатни кузатиб, унинг барча сир-асрорларидан воқиф бўлганлиги, уша даврдаги подшоҳ ва леҳқонлар ҳам бу соҳада у билан маслаҳатлашиб иш тутганликлари ҳақида ёзилади. Маълум бўлишича, подшоҳ ундан «Наврўзнама» ёзиб беришни илтимос қилади. Ҳаким Термизийнинг уз тилидан «Наврўзнама»даги кўрсатмалар ҳеч қачон узгармайди ва рисола уз қиммати ни абадий сақлаб қолади, дейди. Мазкур рисолада айтилган нарсалар ҳақиқат булса керакки, у асрлардан буён китоб ва қўлёзма сифатида утиб келмоқда. «Наврўзнама» рисоласида Наврўзи Олам ҳафтанинг қайси куни кирса табиатда ва одамларнинг ҳаётида қандай воқеалар юз бериши, дала ва боғлардаги ҳосиллар қандай бўлиши баён қилинади.

«Солнома»да эса Наврўзи Олам қайси мучал йили кирса, қандай ҳодисалар рўй бериши баён қилинган. Ҳар битта йил биттадан ҳайвон номи билан аталган. Улар қуйидагилар: Сичқон, ситир, йўлбарс, қуён, балиқ, илон, от, қуй, маймун, товуқ, ит, тунгиз.

Мучал йили, яъни мазкур 12 та ҳайвон номи билан

аталадиган йил ҳам 21 март — Наврузи Оламдан бошланади.

«Айтишларича, — деб ёзади Абу Райҳон Беруний узининг «Осор ул боқия» асарида, — шу кун Оллоҳ, унга ҳамду санолар бўлсин, Ўзи яратган, бироқ ҳаракатсиз коинотни айланадиган қилди ҳамда қуёшни кашф этди, натижада илгари яширинган йилнинг фасллари, ойлари, кунлари маълум бўлди ва ҳисоблаш бошланди». Демак, Наврузнинг пайдо булиши Урта Шарқ ҳудудида одамзод пайдо бўлиб, унинг онгу дунёқараши ўсиб, оламни ва табиатни англай бошлаши даврига бориб тақалади. Айтишларича, йил ҳисоби — ундаги фасллар, ойлар, кунларни билиш, янги йилнинг бошланишини идрок этиш Наврўз байрамининг яратилишида катта аҳамият касб этган.

Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида Наврўз ҳақида аниқ маълумотлар ёзиб қолдирилган: «Абусамад ибн Алидан ривоят қилишича, у бобоси Абдулло ибн Аббосга олиб бориб тақайди, Наврўз куни пайгамбар алайҳиссаломга ҳолва солинган кумуш жом ҳадя қилинган. Пайгамбар: «Наврўз нима?» — деб сўраганлар. «Эронликларнинг улуғ ҳайити» — деганлар. Кейин пайгамбар ҳолвани еб, жомни синдириб, суҳбатдошларига тақдим этган: «Кошки биз учун ҳар кун Наврўз бўлса эди», — деган.

Шарқ дунёсининг энг буюк файласуфларидан бўлмиш улуғ аллома Умар Ҳайём «Наврўзнома» асарининг муқаддимасида шундай ёзади. «Наврўзнинг жорий қилиниш сабабини айтсак, у шундан иборатки, офтобнинг икки айланиши мавжуд. Уларнинг бири қуйидагича: «офтоб ҳар 365 кечаю-куннинг 4/1 да Ҳамал буржининг 1-дақиқасига чиқиб кетган пайтининг ўзига яна қайтиб келади. Жамшид бу кунни тушунганидан кейин Наврўз деб атади ва байрам қилишни одатга айлантирди». Бу асарда баён этилишича: «Наврўз байрамини ўтказишнинг турли тартиб-қоидалари тўғрисида сўз юритган. Унда айтилишича, уй-жойларни тозалаш, кўкат ва гуллар билан безаш, ота-она, яқин кишилар билан дийдорлашиб келини оддий халқ орасида ҳам одат тусига кириб қолган».

11-асрнинг улуғ тилшунос алломаси Маҳмуд Қошгарий «Девону луготит-турк» асарида 12 мучал йиллари, ойлар, ҳафта ва кунлар тўғрисида, Наврўз борасида турли маълумотлар бериб, баҳорги ва Наврўз байрамига бағишланган халқ қўшиқларидан намуналар келтиради.

Йиллар туғрисида суз юритилар экан, Маҳмуд Кошғарий қадимда одамларнинг ов қилиб, ҳайвонларни сув томон ҳайдаганларини, 12 жонзот сувдан утгач, 12 йил уша 12 ҳайвон номи билан аталганини, сувдан биринчи ўтган жонивор сичқон булгани учун, йил боши унинг номи билан белгиланганини нақл қилади ва ўша 12 йил руйхатини келтиради. Бу ақиданинг Наврўз байрамига бевосита даҳли булмасада, бунинг хулосаси, барибир бориб Наврўзга тақалади.

Қадимда Наврўз куни одамлар идишларга доннинг 7 хилидан экканлар ва доннинг униб чиқишига қараб, йилнинг қанчалик тукин-сочин булишини таҳмин қилганлар. Шундан булса керак, ҳозирга қадар Наврўз куни 7 хил дондан тайёрланган овқат дастурхонга тортилади. Наврўз кунлари анвойи лаззатли таомлардан: дулма, ҳалим, кўк чучвара, кўк сомса, сумалак ва бошқа баҳорий таомлар Наврўз дастурхонига тортиқ қилинади.

Сумалак — баҳорнинг энг муътабар, энг тансиқ ва шифобахш таоми ҳисобланади. Сумалакни, асосан аёллар тайёрлаб, қозон атрофида суҳбатлар қурганлар, чилдирма чалиб ўйин-кулги қилганлар, лапарлар ва эртақлар айтганлар. Давраларда турли чистонлар айтишлар, шеърхонлик, ҳазил-мутоиба, ўйин-кулги сумалак пишгунча давом этган. Дастлаб сумалакни арпа кукатидан тайёрлаганлар, ёзишларича, Муҳаммад алайҳиссалом арпа уни тансиқ таомдир. Танангизнинг қуввати қочганда уни купроқ тановул қилинг, — деб айтган эканлар. Сумалак ҳақида шоир шундай шеър битибди.

Баҳорнинг сен элчиси,  
Яхшилиқнинг белғиси,  
Наврўзнинг сен синглиси,  
Сумалакжон, Сумалак  
Сумалакка йиғишар,  
Катта-кичик, ҳамма ҳам.  
Пишиб чиқса тотисанг,  
Кунгиллар қувнар бирам,  
Сумалакжон, Сумалак.

Отқулоқ, довучча, ялпиз қушилган шурва, сомса, хоним ва бошқа таомлар истеъмол қилинади.

Наврўз ҳамиша шоирлар қалбини ром этиб, битмас-туганмас илҳом манбаи булиб келган. Шарқ мутафаккирларидан тортиб, эндигина шеър машқ қила бошлаган ҳаваскор шоиргача Наврўз талқини орқали гузаллик ва

нафосатни мадҳ этиб шеър битганлар. Улар шеърларида уз орзу-умидларини жамиятга, инсон ва инсониятга изҳор этганлар. Наврӯзни шоҳ Машраб гузал баҳор қиёфасида, Огаҳий, Муқимий, Фурқат, Нодира, Увайсий, Зебинисолар ҳам замондош мумтоз шоирларимиз ҳам боқийлигини, шавқу завқбахшлиги хусусига меҳру иҳлос билан қалам тебратганлар.

Наврӯз байрами баҳор фасли, халқ шодиёнаси ва тантаналари ҳамма даврларда шеърят аҳлига алоҳида мавқ ва илҳом бағишлагани шубҳасиз:

Муқимийнинг:

Навбаҳор очилди гуллар, сабза булди боғлар,  
Сухбат айлайлик келинлар, журалар уртоқлар

каби байтлари билан бошланадиган содда ва нафис оҳанглар ғазаллари ҳам Наврӯз кунлари гузал табиат қучоғида, шеърни нозик тушунувчи дўстлар даврасида шоирлар қалбининг покиза мавжидан туғилгандир.

Навоийнинг гузал бир сатри, ҳамиша оҳорли бир тилдаги беихтиёр ёдга тушаверади:

Ҳар тунинг Қадр улубон, ҳар кунинг ўлсун Наврӯз!

Огаҳийнинг тасвирилашича, байрамда яқин кишилар бир-бирини байрам билан табриклашади, эзгу-ниятлар билдиришади.

Эй ёр санга тангри таборак бўлсун,  
Наврӯз ила тоза йил муборак бўлсун,  
Аҳбоб боши манкуби балорак бўлсин.

Огаҳийнинг мана бу байтларида ҳар куннинг Наврӯз-ни хурсандчилик ва шоду ҳуррамлик бўлиши айтилади.

Илоҳи, ҳар кунинг Наврӯз бўлсун,  
Ҳамиша толеъинг феруз бўлсин.

Наврӯз яратганнинг тенгсиз заковатидан нишон, она-табиатдаги мунтаносибликнинг олий белгиси, содда келиб айтадиган бўлсак, заминда қиш салтанати ниҳоя юниши, оламда янги куннинг, янги фаслнинг бошланишидир.

Ёрқин иқболинга боқаман мамнун:  
Бахтинг бутун эрур, бўлмагай чорак.  
Элим, қутлуг сенга асал тотли кун,  
Бухором, Наврузинг бўлсин муборак!

## Анахита ва Наврӯз

**М. ОРТИҚОВА** — Тошкент Давлат иқтисодиёт университети аспиранти. Илмий раҳбар — **Т. К. КАРИМОВ**, фалсафа фанлари номзоди, доцент

Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Мустақиллик шарофати билан Наврӯз байрами тугрисида ҳам бор фикр-ўйларни айтиш имконияти туғилди. Наврӯз халқимиз тарихининг илк нуқталари тугрисида фикр юритишга имкон яратиб бермоқда. Бу улуг айём ҳақида ўйлаганимизда ватанимиз тарихий қатламлари узра саёҳат қилиб, унинг узоқ ўтмишини тасаввур қиламиз.

Ахир миллий ўзлигимизни жаҳонга кўз-кўз қилишга қодир бўлган бу гўзал айёмни 13 асрдан буён тақиқлашларига қарамасдан, ҳамон халқларимиз меҳр-муҳаббатини забт этаётганининг боиси нимада экан, деб ҳайратланасан киши.

Балки, бу узоқ ўтмиш аждодларимизнинг ўзлари яшаётган Она замин, ижтимоий муҳитни илоҳий тафаккур ёрдамида яратилган гўзал бадиий образлар орқали ифода этганлигидадир. Ўзлари яратган ва илоҳийлаштирган мазкур образларга руҳан қаттиқ боғланиб қолганлиги ҳам миллий ўзликни таъминлаб турувчи миллий онгни, миллий мафқурани келтириб чиқарувчи манба бўлиб хизмат қилаётганлигидадир. Балки, улар Она-табиатимизни илоҳий образлар тимсолида тасаввур қилиб, бу образларга сажда қилиш орқали Она-заминга бўлган меҳр-муҳаббатларини изҳор қилгандирлар. Нима бўлганда ҳам, И. А. Каримов таъкидлаганидек, «Ер, ҳаво, сув ва олов (Қуёш) Марказий Осиёда қадимдан эъзозланиб келинган».

Шу ўринда Наврӯз байрами билан боғлиқ гўзал афсона ва ривоятлар халқимиз орасида жуда кенг тарқалган

булиб, уларни туплаб, илмий асосда таҳлил қилиш миллий узлигимизни англаётган айна шу дамларда катта аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Хоразм воҳасида Навруз байрами уч ярим — тўрт минг йилдан буён нишонланаётганлиги маълум. Бу айём зардуштийлик (оташпарастлик)дан ҳам олдинги даврга хос бўлган мифологик дунёқарашлар билан чамбарчас боғлиқдир. Лекин, Зардушт таълимотида бу айёмга алоҳида эътибор берилиб, гузал ривоятлар билан асосланган Митра дини тасаввурларида оламни тенг иккига ажратиб, кечани-кундузга, ерни-осмонга қарама-қарши қўйилган. Бу қарама-қарши томонлар бири иккинчисисиз яшай олмайдилар. Улар Қуёшнинг, барча мавжудотларнинг, шу жумладан, ҳаётнинг ҳам манбаи деб тушунганлар. Ерни эса қуёш нурини қабул қилиб, ҳосил берувчи Аёл тимсолида тасаввур этганлар. Зардушт таълимотида бу тасаввурлар янада равшанлашиб Ер, Сув, ҳосилдорлик маъбудаси Анахита тимсолида тасаввур этила борган.

Муқаддас «Авесто» китобида Ормузд Зардуштга қаратади:

— Эй буюк Зардушт, сен мени улуғламоқчи бўлсанг, Ардасвур Анахитани мадҳ қилишинг лозим. Чунки у سخоватли, улуғвор ва шифобахшдир. Ёвуз девларга шафқатсиз, ўз эътиқодига содиқдир. Бутун жумлаи жаҳон уни мадҳ этажак. Чунки у эркак зотини вужудга келтириш учун барча аёлларни туғриққа тайёрлайди. Кўкрак сути ила гудакка ҳаёт бағишлайди — деб ҳитоб этилди.

Қудратли ва сахий Анахита дарёси Она тимсолида акс этади. Унинг ёвуз кучларга шафқатсиз дейилишидан кўз олдимизда Хоразм юртининг жасур, довжорак аёллари — афсонавий Анахут ёки Тумарислар гавдаланади.

Машҳур археолог олим С. П. Толстов раҳбарлигида 1938 йилдан то 80-йиллар бошларигача давом этган Хоразм археология-этнография илмий экспедицияси томонидан 1951 йил баҳорида Тўртқўл шаҳридан 22 км. шимоли-шарқ томонда жойлашган қум барҳанлари остида қолиб кетган «Қуй қирилган қалъа» ҳаробаларини қазини ишлари бошлаб юборилди. Шаҳарсозлик тажрибасида кам учрайдиган ҳодиса, қатъий белгиланган айлана шаклида қурилган шаҳар қолдиқлари илмий жамоатчиликда жуда катта қизиқиш уйғотган эди. Шу муносабат билан халқ орасида юрган афсона ва ривоятларга эътибор янада кучайди. Айтишларича, «Қуй қирилган қалъа»нинг марказий майдонида Амударё ва ҳосилдорлик маъбудаси

Анахитага 6,5 метр баландликда ҳайкал ўрнатилган. У диаметри 12 см келадиган биллур ушлаган қулини марказий оташкаданинг туйнуги устида тутиб турган экан. У қулини шундай ҳолатда тутган эканки, биллурга тушган Қуёш нури фақат 21 март кунигина туйнук ичкарасида қаланиб турган қуруқ утинни олов олдириган. Бу олов муқаддас ҳисобланиб, йил давомида учирилмаган. Шу кунни кишилар эзгулик ва поклик олиб келувчи янги кун сифатида нишонлашган ва орзиқиб кутишган. Агар тасодифан олов ўчиб қолса, энг катта бахтсизлик, фожиа деб ҳисобланган. Бир йил давомида ишлатилган оловдан охириги марта сумалак тайёрлашда фойдаланилган. Ҳозирда ҳам сумалак тайёрланадиган қозон тагига оловни бирон бир хонадон ўчоғида ёниб турган оловдан тутатгич олиб келиб ёндириш одатлари Хоразм воҳасининг қўпчилик жойларида сақланиб қолинган.

Ердаги ҳаётнинг бош манбаи булган Қуёш нуридан Анахита қулидаги биллур орқали ерга олов олиб борилишида ҳам жуда чуқур рамзий маъно бор. Чунки ҳар қандай олов ҳам муқаддас ҳисобланавермаган. Агар шаҳар ёки қишлоққа, урмонга йилдирим (чақмоқ чақиш) орқали ўт кетса, бу фалокат Қуёшдан эмас, балки Ормуздга қарши турган зулмат кучларига раҳномолик қилувчи маъбуд Ахримоннинг қора нияти амалга ошганлигидан дарак берувчи белги сифатида қаралган.

Дастлабки даврларда мурдани суякдан тозалашда ҳайвонлар, улаксахўр қушлардан фойдаланилган булса, шундай имконият йўқ ерда оловдан фойдаланиб суяклар тозаланган. Бундай удум баъзи даврларда оммавий тус олган.<sup>1</sup> Агар мурда тириклигида кишиларга озор берувчи шахс булган булса, у оддий оловда куйдирилган. Агар яхши одам булган булса, унинг мурдаси муқаддас оловда куйдирилган (яъни муқаддас оловдан тутатгич олиб мурдани куйдирилганлар). Кишилар оловда вафот этишни, ўз мурдаси янги оловда куйдирилишини узларига шарафли ўлим деб ҳисоблаганлар.

Умуман Ер, Амударё ва ҳосилдорлик маъбудаси образи Она-табиат, Она-ватан тимсолида мадҳ этилиши исломгача булган Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари халқлари орасида, кейинчалик Европа халқлари орасида кенг тарқалган. Масалан, Волгограддаги «Родина мать» ҳайкали Тошкент шаҳрининг Ҳадра майдонида ўрнатил-

<sup>1</sup> «Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции», V том, М. «Наука», 1967, 238-242-бетлар.

ган Она-ватан образини Аёл тимсолида ифода этувчи ҳайкални эслаш ўринлидир. Уларда чуқур миллийлик, тарихий илдизлар борлиги, шунингдек Анахита маъбудаси ва унинг образи билан боғлиқ эканлиги диққатга сазовордир.

Бизнинг миллий қадриятларимиз ва миллий ўзлигимиз Ислому унинг таълимотлари билангина чекланиб қолмайди. Шунинг учун ҳам миллий анъанага содиқ ҳолда узоқ ўтмиш аجدодларимиз томонидан амалга оширилган удумларга ҳурмат бажо келтириб, Наврўз тантаналари ўтказиладиган бош сайилгоҳга Она-Ватан тимсоли сифатида, пойида Мангу Олов ёниб турган рамзий ҳайкал ўрнатилиши ва Наврўз байрамини шу ерда бошлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Умуман, Наврўз асрлар давомида биз учун эзгулик, ҳурлик, озодлик тимсоли, инсон юрагида олижаноб ва сурғ орзу-умидлар куртак очадиган фасл бўлиб келган ва шундай бўлиб қолажак. Чунки у, биз кимларнинг авлоди эканлигимизни, қандай улуг ва бой мерос ворислари эканлигимизни жумлаи жаҳонга яққол намоён қиладиган маънавий бир кўзгудир.

## **Экология ва жамият хавфсизлиги**

**Наргиза САЛОМОВА — Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти талабаси**  
**Илмий раҳбар — Г. НАВРЎЗОВА, фалсафа фанлари номзоди, доцент**

Шу кунларда оламшумул муаммолардан бири — экология муаммосидир. Ҳуш, нега экологик муаммолар — жаҳоншумул, яъни глобал (умумбашарий) муаммолар саналади? Инсон табиат борлигидан алоҳида яшай олмайди. Табиат борлигидан инсон ўзининг табиий ва маънавий эҳтиёжларини қондиради. Кийим, озиқ-овқат, тоза ҳаво ва тоза сув, қўйингчи барча-барча зарурий эҳтиёжини табиат компонентлари бўлган: ҳаво, ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот олаmidан олади. Жамият меҳнатсиз яшай олмайди. Меҳнат эса табиий компонентларга у ёки бу даражада таъсир этишдир. Меҳнатнинг натижаси, баъзи инсоният кутмаган натижаларга олиб келади: табиат компонентларининг ишлаш фаолиятига путур етади: улар

орасидаги табиий боғланишлар узилади; экосистемаларнинг биомохулдорлиги пасаяди; ўрмонзорлар камаяди, бунинг оқибатида ердаги кислороднинг умумий миқдори — ўзининг табиий меъёридан пасаяди; фреонлар ошишидан осмонда озон туйнуги пайдо бўлиб, қуёшдан келадиган ультрабинафша нурлар бутун жонли — биотага зарар етказди ва ҳ.к. Бундай манфий ўзгаришлар биосферанинг ҳамма минтақасига тегишли бўлади, натижада бундай экологик муаммолар глобал — оламшумул характерга эга бўлади. «Маълумки табиатнинг ҳолати бирданига ва дарҳол ёмонлашиб қолмайди. Бу жараён узоқ вақт давом этади. Бошқача айтганда, экологик вазият аста-секин ёмонлаша боради».

Миқдор ўзгаришларнинг сифат ўзгаришларига утиш қонуни табиатда ҳам амал қилади. Кўз илғамас, баъзида арзимасдек туюлган миқдор ўзгаришлари охир-оқибатда нарса, ҳодиса, жараённинг сифат ўзгаришига олиб келади.

Инсон табиат ва унинг компонентларига, аниқроғи экологик компонентлар — сув, ҳаво, минераллар, ҳайвон ва ўсимлик олами, тупроқ ва ҳ.к.ларга таъсир этар экан, табиатнинг ҳолати яна ўз аслига кела олади, деган фикрда таъсир этаверади. Аслида эса, инсоннинг табиатга таъсир этишининг ҳам ўз меъёри, ўлчови, қўлами бор. Мана оддийгина бир мисол, «умумий экология»да шундай бир қоида бор. Агар муайян бир тур ов қилинаётган экан, ов қилиш миқдори мазкур турнинг 70%ини ташкил этмаслиги керак. Яъни ов қилинаётган тур 100 дона бўлса, ов қилиш шунинг 70% ини ташкил этмаслиги шарг. Шу сабабли бу қоида умумий экологияда «70%» қоидаси деб киритилади. Аммо шуни эътиборга олиш керакки, бу «70%» қоидаси баъзи турлар учун 40, баъзилари учун 25 ва ҳатто ундан ҳам кам фоизда бўлиши мумкин. Қачонлардир «анзур пиёзи» Ўзбекистонимизда сероб бўлиб, айнан шу юқоридаги табиат-экологик меъёрига риоя қилмаслик туфайли йўқолиб кетди.

Фреонлар энг «кўп умр» кўрадиган кимёвий бирикмалар бўлиб, хлорфторметанлар атмосферада юз йил, азот оксидлари эса икки юз «йил» умр кўрар эканлар. Агар бир атом хлорнинг 100 000 молекула азонни емиришини назарга олсак, атмосферада секин-аста рўй берадиган миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига, айнан манфий сифат ўзгаришларига олиб келишининг гувоҳи бўламиз. Бу манфий ўзгариш асло табиат компонентлари томонидан эмас, балки инсоният томонидан бўлаёт-

ганини ҳам биламиз. Ҳақиқатдан ҳам биосферадаги азот оксидлари бир йилда 30 млн. тоннани ташкил этади, яъни бу азот оксидининг табиий меъёридир. Аммо инсоннинг фаолияти натижасида бу кўрсаткич 35—40 млн. тоннани ташкил этади. Биосфера бу «табиий ҳаддан ортиқ» бўлган азот оксидларини «қайта ишлаш» имкониятига эгами ёки йўқми? Тажрибалар шуни тасдиқладики, биосферанинг имконият чегаралари чексиз эмас. Биосфера узоғи билан яна 10 ёки 20 млн. азот оксидларини ўзининг табиий айланиш жараёнига кирита олиши мумкин. Аммо ортиқча азот оксидлари бу кимёвий жараёнга кира олмайди. Натижада «Инсон ва табиат» тизими орасидаги уйғунликка путур этади.

Углерод оксидларининг табиий-экологик фони бир йилда 9 млрд. тоннани ташкил этади. Инсоният фаолияти орқали бу рақам 20 млрд. тоннага этади. Демак, карбонат ангидриднинг биосферада ўз меъёридан ошиши «буғли қобиқ»ни вужудга келтиради.

Хлорнинг табиий миқдори бир йилда 10 дан токи 100000 т. га этади, антропоген фаолият туфайли 850 000 т. хлор атмосферага юборилади. Эртами-кечми бу каби бир қарашда кўз илғамасдай бўлиб туюлган кичик-кичик миқдор ўзгаришлари йиғилиб, сифат ўзгаришларига сабаб бўлади. Биосферанинг сифат кўрсаткичлари, ҳаёт параметрлари издан чиқади. Бугунги кунда азоннинг 300 Добсон бирлигига тенг экологик меъёри бузилиб, камайиб 100 Добсон бирлигига тенг бўлгани туфайли ҳам «азон туйнуги» барчани ташвишга солиб қўйди. Атрофимизда бундай экологик компонентларнинг табиий меъёридан чиқишига инсониятнинг табиий қонуниятларни чуқур билмагани сабаб бўлмоқда.

«Ернинг чекланганлиги ва унинг сифат таркиби пастлиги билан боғлиқ хавф тўхтовсиз ортиб бормоқда... ерларнинг ниҳоят даражада шўрланганлиги Ўзбекистон учун улкан экологик муаммодир...» (И. А. Каримов).

«Табиат захираларимиз битмас-туганмас» деб жар солинган даврлар ортда қолди. Ҳақиқатда эса ҳар бир экологик компонент, хоҳ катта ёнки кичик миқдорда, хоҳ жонли ёки жонсиз бўлишидан қатъи назар экокомпонентларига эга. Улар эса чекланган миқдорда бўлади. Ўзбекистонда 4 млн. 200 минг гектар суғориладиган ерлар бор. Унинг ҳосилдорлигини асраб қолса бўладими ёки йўқми? Ер ўз табиий сифатини неча йилларга сақлаб қола олади?

Республикамызда ҳайдаладиган ерларнинг 60% га

яқини шурланган бўлиб, бу ерлар ўзининг экологик қийматини муайян даражада йуқотгандир.

Шурланган ердан олинган ҳосил унумдор ерлардан олинган ҳосилга қараганда учдан икки ҳисса кам бўлади. Ернинг унумдорлиги эрозия туфайли атиги 2,5 см га бузилса, уни тиклаш учун деҳқончилик туғри юритилганда 300 йил вақт керак, ердаги эрозия табиат томонидан содир булса, у тез вақтда тикланади. 18 см. ли ҳосилдор ер (гумус қобик) пайдо бўлиши учун табиат экономентлари 2000 йилдан 7000 йилгача «меҳнат» қилиб вақт сарфлайди. Демак, мутлақ кўрсаткичларда ифодаланмайдиган, ўлчаб бўлмайдиган, аммо бебаҳо ҳиосбланган ЭКОЛОГИК ҚИЙМАТ минг-минглаб йиллар самараси сифатида юзага келади. Инсоният нозик тугунни, яъни экономентнинг ҳосил бўлиш муддати билан уз эҳтиёжи ўртасидаги уйғунликнинг мезонини, кўрсаткичини билиб, ўшани амалиётда қўллай олсагина, экономентларнинг сифати, структураси (тузилиш) кўрсаткичларига зарар етказмаган бўлади.<sup>1</sup>

Данияда «кўк дафтарча»га эга кишиларгагина ер берилади. «Кўк дафтарча» эгалари эса ерга оид барча қонун-қоидаларни билишади. Ер ҳосилдорлигини сақлаш учун эса Либихнинг «минимум қонуни», Вильямсинг «қайтариш» қонунларига амал қилиш лозим.

Бир кишининг ҳаётий эҳтиёжларини тула қондириш учун ер юзидан ҳар бир кишига 17 500 квадрат метрли ернинг сифатли, унумдор қисми зарур. Шундагина кишининг кислородга, озиқ-овқатга, кийим-кечакка, яшаш жойига бўлган эҳтиёжи қондирилади. Демак, бир квадрат километрда 57 киши яшаши мумкинлиги назарга олинса, Ерда жами бўлиб 5,7 млрд. киши яшаши мумкин.<sup>2</sup>

Шу сабабли ҳам Рим клубининг Д. Медоуз бошлиқ олимлари «Ўсиш чегаралари» деб аталадиган лойиҳаларида ўсишни меъёрлаштириш зарурлиги ҳақида фикрларни ўртага ташладилар.

Айнан ер, сув, ҳаво ва бошқа экономентлар ўз сифатини сақлай олганидагина жамиятнинг эҳтиёжини қондира олади. Ернинг табиий-экологик меъёрлари бузилганда, ер ўзининг иқтисодий қийматини ҳам йуқотади, биомаҳсулдорлиги бузилади.

Президентимиз И. А. Каримов бундай ёзадилар:

<sup>1</sup> Х. Саломова. Экологик қиймат устунми ёки иқтисодий қиймат? // «Иқтисод ва ҳисобот», 1996, № 5 40—41-бетлар.

<sup>2</sup> Елисев А. Земля не держит // «Наука и жизнь», 1991, № 9, с. 53—58.

«Хаммамизга маълумки, бизнинг ерларимизнинг биомаҳсулдорлиги бошқа давлатлардагига қараганда бир неча баравар паст. Масалан, Кореяда сугориладиган ерлар 2 миллион гектарни ташкил этади, яъни бизлардаги сугориладиган ерлардан икки баравар кам, аммо бу ерлар на фақат ўзининг 42 миллион аҳолисини боқаяпти, балки қишлоқ хужалик маҳсулотларини экспорт қилаяпти. Қишлоқ хужалиги соҳасида меҳнатга лаёқатли аҳолининг атиги 5—7 проценти машгул».<sup>3</sup>

Хуш, нега биздаги тупроқларнинг ҳосилдорлиги пастайиб кетган, тупроқнинг асл, табиий сифатини сақлаш учун қандай тадбирларга риоя қилиш керак?

Тупроқ — жонли экомпонент. 1 г. тупроқда 3—3,5 млрд. алоҳида организмлар мавжуд булиб, бир вегетация даврида улар 18 мартадан 27 мартагача янгилашиб туради. Ёмғир чувалчангларининг миқдори 1 гектар тупроқда 5—6 миллионгача бўлади, бу жониворлар барча органик қолдик моддаларни қайта ишлашади, ҳаводаги эркин молекуляр азотни узлаштиришади, тупроқни кимёвий жиҳатдан бой озиқ манбага айлантирадилар.

Бу борада академик Гиляровнинг Бухоро вилоятининг Қорақул туманида ўтказган тажрибаларини — яъни тупроққа чувалчангларни келтириб, унинг гумус қобиғини яхшилаш, академик Муҳамеджанов ўғитларига амал қилиш яхши натижалар беради. Биз ўз еримизни узимиз буздик, демак, унинг беморлигини ҳам узимиз тuzатишимиз лозим. Республикамизда ер кадастрини бошқатдан, аниқ реал ҳолатини кўриб чиқиш мавриди келганлигини Президентимиз қайта-қайта таъкидлаб гапирмоқда.

Бухородаги ҳосилдор ерлар шурланган ерларга нисбатан уч баравар кўп ҳосил беради. Демак, тупроқнинг экологик қиймати сақланса, у иқтисодий кўпроқ фойда беради. Шу сабабли ҳам ўртача бир гектар Канада ерларидан 3000 долл., Англия — 5,5; Франция — 6,5; Японияда ерлардан 19,5 минг долларли даромад олинади. Бухоро вилоятининг умумий ҳудуди 39,4 минг кв. км. Бир йилда 37 кун чангли тузон кунлари, кўпгина қуруқлик экосистемалари ўта чекланган меъёрли, яъни биттагина тур озиқ занжирдан йўқолиб кетса, экосистеманинг биологик функциясига манфий таъсир этади. Ҳосилдор тупроқ ҳудуди билан чул-дашт экосистемалари

<sup>3</sup> Каримов И. А. Родина священна для каждого. Доклады. Речи. Интервью. Т., 1995, с. 93—99.

орасида, ҳамда қўллар билан миқдорий мутаносиблик сақлансагина «иккиламчи» экосистемалар катта иқтисодий фойда бера олади. Айнан мана шу экологик қоидалар Бухоро вилоятида бузилгани сабабли ер ҳосилдорлигига путур етмоқда.

Ер сифатининг бузилишига қуйидагилар сабаб бўлган:

1. Пахта монокультураси. Пахтанинг илмий тавсияларга қарамай экилиши шунга олиб келдики, ер таркибидаги гумус охирги ўн йилликда (яъни 1985—1995 йиллар) 30—40% камайиб кетди. 2. Ернинг кимёвий бирикмалар билан тўйинганлиги. 3. Оғир қишлоқ ҳўжалик технологиясидан фойдаланиш. Қишлоқ ҳўжалик машиналари ниҳоятда оғир бўлиб (уларнинг оғирлиги 8—12 т. гача булади), ернинг оптимал зичлигига (1,40 г/см куб) зарар етказди. Масалан, бир пахта мавсумида бу оғир тракторлар 100 мартагача «юритилади», Ҳар утганида тупроқни тобора зичлаштира боради. 4. Ҳосилдор ерларга чиқинди моддалар, аҳлатларни ташлаш Навоий электрокимё заводи ўзининг чиқиндисини Бухоро вилоятининг Қизилтепа туманидаги ўта унумдор, ҳосилдор бўлган 2815 гектарли ерларига келтириб тўкади. Бу ҳавза ҳозир которан, диносеб каби ўта хавfli кимёвий бирикмалар билан тўйиниб қолган. Энг экологик хавfli томони шундаки, ҳар бир суткада 100 т. заҳарли оқава ер қаърига шимилиб бормоқда. Кимёвий бирикмалар ҳам Қизилтепа ерларига тўғридан-тўғри кўмиб юборилган.

Яна бир мисол, Бухородаги «Учқир» СГҚИ (Саноат газини қайта ишлаб чиқариш) № 2 цехи 1979 йилдан бери ишламоқда. Мана 20 йилдирки, бу цех олтингугуртли заҳарли чиқиндисини атмосферага юбормоқда. Ҳаммага маълумки, олтингугурт бирикмалари атмосферанигина эмас, тупроқ биомахсулдорлигига ҳам манфий таъсир кўрсатади.

Ҳар йили республикада 100 млн. тоннадан ортиқ турли чиқиндилар ҳосил бўлади, уларнинг ҳажми бугунги кунда 2 млрд. тоннага яқин бўлиб, улар эгаллаган майдон тахминан 20 минг гектарга тенг.<sup>4</sup>

Республикада чиқиндилардан фойдаланиш даражаси жуда паст. Улар фақат ер қатлами, ер ости ва ер усти сувларини ифлослантириш манбаи бўлибгина қолмай, моддий манбаларнинг тўғридан-тўғри йўқолиши ҳамдир.

<sup>4</sup> М. Шарифхўжаев. Экологик мутаносибликни таъминлаш «Иқтисод ва ҳисобот» 1996, № 5. 16—18 бет.

Бухоро шаҳри ичидаги ТБЗ (темир-бетон заводи) ва К № 6 атрофидаги чанг — цемент-бетон бирикмаларининг чангидан қурилиш техникуми ва лицейи, атрофидаги аҳоли шу кунгача заҳарланиб келмоқда. У ердаги чанг миқдори рухсат этиладиган миқдордан 10 баробар ошиқ. Хуш, завод қурилган пайт адсорбентлар урнатилган экан, завод маъмурияти завод атрофларига мевали дарахтлар, ҳеч бўлмаган тақдирда мевасиз дарахтлар устириб ҳам чанг миқдорларини камайтиришса булар эдику, наҳотки шу соҳада ҳам улар ҳокимиятдагилар томонидан бериладиган буйруқларни қутишса, ёки табиат муҳофазаси қўмитасининг солигини тулаш билан қутилиб қолишни афзал қуришса?!

Бухоро гишт заводи атрофида ҳам, Когон ХРСУ — асфальт-бетон цехида, пахта тозалаш заводлари атрофида ҳам шундай ҳолларни кузатишимиз мумкин. Шаҳар ичидагина жойлашган 20 завод ва фабрикалар экологик асосланмаган технология билан ишламоқда. Шаҳар ҳавоси таркибида олтингугурт бирикмалар рухсат этиладиган миқдордан 1—0,4 бараваргача паст, фенол эса РЭМ дан 1,5 бараваргача кўп. Шаҳар автотранспорти, автобуслар ҳаракати туфайли ҳаводаги бензапирен миқдори РЭМ дан 2,5 баравар кўп. Бу борада шуни айтиш мумкинки, 1992 йил 5 июнь кунигача вилоят бўйича 12 000 дан зиёд автомашина текширилиб, кўриқдан ўтган. Аммо шаҳар автотранспортидаги аҳвол янада қаттиқроқ назоратни талаб этади. Автобус паркларининг тозалик комиссиялари «уйқудан уйғонишлари», автобус ва троллейбусларнинг тозалик ҳолатларини текширишлари лозим. 1989 йилда табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг бажарилиши устидан қаттиқ назорат урнатилди. Натижада 19 корхона ва ташкилотнинг заҳарли химикатлар сақланадиган омборхоналарининг бешдан бир қисмининг фаолияти тўхтатилди. Сув, тупроқ, ҳаводаги заҳарли моддалар миқдори доимо текширилиб турилди. 1992 йилда вилоятда чиқадиган заҳарли газларнинг 24,4 минг тоннаси, фозис ҳисобида 18,8% игина зарарсизлантирилиб, чанг тугичлар, адсорбентлар ёрдамида ушланиб қолинди, қолгани эса атмосферага юборилди. 1992 йилда атмосферага юборилган зарарли моддалар миқдори қуйидагича бўлган:

Қаттиқ чиқин- дилар	газ ва сууюқлик	Шулардан					
		олтин гугурт ангид- рид	азот оксид- лари	углерод оксид- лари	учувчан органик бирик- малар	СН	Жами
3,4	4,4	0,1	0,3	1,6	0,6	1,7	7,8

(рақамлар минг тонна ҳисобида берилган)<sup>5</sup>

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, Ўзбекистонда экологик жиҳатдан аҳволи танг вилоят ва шаҳарларга Навоий, Олмалиқ, Ангрен, Фарғона, Қарши киритилса ҳам, Бухоронинг аҳволи, айниқса «ажал ҳавзаси» тошиш чегарасида турган Қизилтепа ноҳиясининг аҳволи огирдир. Чунки вилоят тўрт томонлама экологик танглик гирдобига тортилмоқда, биринчидан, ер ости сувлар ифлосланмоқда, иккинчидан, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигидаги технологияларнинг экологик асосизлигидан, учинчидан, қўшни вилоятларнинг салбий экологик ҳолатининг таъсири (Навоийдаги ва Орол экосистемаларининг, Зарафшон дарёсининг сифат кўрсаткичларининг манфий томонга ўзгаришидан), тўртинчидан, вилоятдаги аҳолининг экологик билими орқада қолиб, экологик харита йўқлигидан.

Булар бари бир маҳраж остига йиғилса — антропоген тазйиқ этиш меъёрининг амалиётда қўлланилмаслигида, деган фикрга келади. Антропоген тазйиқ меъёри қўлланила бошланган пайт биосфера Вернадский ибораси билан айтилганда ноосферага ўтади.

«Ҳозир, ХХI аср бўсағасида, фан ва техника тараққиёти жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бундай шароитда инсон томонидан биосферага кўрсатилаётган таъсирни тартибга солиш, ижтимоий тараққиёт билан қулай табиий муҳитни сақлаб қолишнинг ўзаро таъсирини уйғунлаштириш, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида мувозанатга эришиш муаммолари борган сари долзарб бўлиб қолмоқда»...

<sup>5</sup> Народное хозяйство Республики Узбекистан в 1992 г. 1-том Статической ежегодник, Т., 1993.

## Мустақилликнинг етти Наврўзи

Барно ШОДИЕВА — Гулистон Давлат университети  
талабаси

Тонг отмоқда. Мармардай сержило, сут дарёсидай жимиллаган оппоқ уфқ чиқаётган қуёш нурида тобора зарҳаллиниб, одамни ажиб, антиқа уйларга чулгайди. Улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий ана шундай гўзал бир тонгни қаршилаб

Саҳар ҳовар шаҳри чарҳ узраким  
ҳайли ҳашам чекти,  
Шийи хат била кухсар уза олтун  
алам чекти, —

деб бошланувчи улмас газал битганлар. Мазкур газал бошдан охир отаётган тонгнинг дилбар ва бетакрор, нафис ва жозибали лавҳаларини адабийлаштиришга бағишланган.

Бугун Ўзбекистон Республикаси — жонажон Ватанимиз мустақиллигининг 7 йиллиги баҳор тонглари кувончу фахр билан қаршилар эканмиз, кунглимиз тоғдай юксалади. Ўтган 7 йил ичида юзага келган буюк ижтимоий ва маънавий ўзгаришларни ўйлаб, уларнинг қамрови, кўламини тасаввурга сиғдириб булмайди. Албатта, истиқлолимиз тарихи китобини варақлаб, жамийки юз берган воқеаларни, рўёбга чиққан ҳақиқатларни, амалга ошган орзу-армонларни, маънавий юксалишларимизнинг ҳаммасини бирма-бир санаб чиқишнинг узи ҳам амри маҳол. Дунёга кўксини очган Ўзбекистоннинг яхлит, ягона давлат тилига айланган ўзбек тилимиз, она еримиз ости-устидаги барча бойликларнинг ўзимизга буюргани, ўтмиш моддий ва маънавий қадриятларимиз кундалик ҳаётимизни беэҳтибор қилган, барқарор дину эътиқодимиз — булар ана шу катта галабанинг айрим қирралари. Етти йилнинг ҳар бири — асрларга тенг. Йўқ, бу шунчалик баландпарвоз гап эмас. Ҳақиқатнинг айни ўзи. Асрлар давомида яратилган барча эзгу амаллар, қадриятлар, хазиналар бугунги кунимиз хизматида — мустақиллигимизни мустаҳкамлашдек улуғ ишда қанот ва қувват бўлмоқда.

Мана, бир неча йилдирки, бугун элимиз Наврўз айёмини катта шодиёналар билан байрам қилмоқда.

Қишлоқлар ва шаҳарларимизда карнай-сурнайлар билан бошланган Наврӯз замзамаларига сайиллар, томошалар, санъаткорларимиз иштирокидаги концертлар, спорт ўйинлари уланиб кетади, маъракаларда адиблар ва шоирларимизнинг сўзлари янграйди. Наврӯз кунларида ният қилиб янги боғлар ва ҳиёбонларнинг ниҳоллари қадалади. Далаларда янги йилимизнинг барака уруғларини сепиш бошланади.

Наврӯз — Шарқ халқларининг энг қадимий, ўлмас, ҳамиша нурли, ҳамиша фараҳли байрамларидан биридир. Шу қадар қадимийки, хатто минг йиллардан бизга мерос қолган манбаларда ҳам унинг илк бор қачон, қаерда ва не сабабдан байрам қилинганлиги ҳақида аниқ маълумот йўқ. Шу билан бирга, ўша тарихий манбаларда ҳам Наврӯз қадимдан байрам қилиб келинаётгани айтилади. Шу табаррук айём билан боғлиқ янада қадимий афсоналар, ривоятлар қаламга олинади. Минг йиллар нарғидаги муаррихлар, донишмандлар бизга Наврӯзга оид афсоналарнигина қолдирган эканлар, шунинг ўзиёқ унинг афсонавий даражада қадимийлигидан далолатдир.

Наврӯз ҳақидаги ривоятлар бир муҳим ҳақиқатдан, яъни унинг Шарқ кишиларининг энг эзгу истак ва хоҳишларидан, ўйлари ва ҳаёт тажрибаларидан туғилганлигидан далолат беради. Масалан, қадимги давр эпосларидан бири — Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида афсонавий баҳодир, тенгсиз соҳибжамол, жасур ва нияти пок инсон Сиёвушнинг ўлими ва унинг хотирасига халқ эҳтироми Наврӯзга сабаб бўлганлиги айтилди:

Қайгаким тўкилмиш Сиёвуш хуни,  
Кукка буй чўзди бир дарахт шу кунни.  
Баргларда гуё унинг чеҳраси,  
Мушки атир гуё унинг чеҳраси.  
Дарахт кўм-кўк турар ҳатто қишда ҳам,  
Тагида подшога тутишар мотам...

Демак, Наврӯз халқ суйган қаҳрамонлар хотирасини эъзозлаш билан ҳам боғлиқ айёмдир. Биз ҳозир ҳар йили Наврӯз кунларида қалбларимизда азиз марҳумларнинг руҳини ёд этарканмиз, бевосита ривоятлар маъзига васиятдек сингдириб қолдирилган ўша қадимий инсоний анъаналарни давом эттирган бўламиз.

Афсонанинг яна бир нуқтасига эътибор берайлик: дostonда Сиёвуш — ҳазонларга бўй бермасдан қайта уйғонган табиат ҳаёт рамзидир. Шу сабабли ҳам унинг

улмас хотираси байрам қилинади. Бу байрамга эса Наврӯз деб ном берилган.

Абу Райҳон Берунийнинг қатор асарларида Умар Ҳайёмнинг «Наврӯзнама» рисоласида Наврӯзнинг байрам қилиниши қадимий Эрон шоҳларидан бири Жамшид тақдирига доир ривоятлар билан боғланади. Шу билан бирга, Беруний Наврӯз Жамшиддан олдин ҳам мавжуд бўлганини, лекин Жамшид уни расман байрам куни деб эълон қилганлигини таъкидлайди. Манбаларда бунинг сабаби ҳам келтирилади. Жумладан, Умар Ҳайём ўз рисоласида; «Жамшид шу кунни (фарвардин ойининг боши) Наврӯз аталсин деб, фармон берди ва одамларга ҳар йили фарвардиннинг киришини байрам қилишни, уни янги йилнинг бошланиши деб ҳисоблашни буюрди» — деб ёзади.

Юқорида келтирилган ривоятлар қандайдир даражада тарихий ҳақиқат — Наврӯз куни Шарқ халқларининг ҳаётий тажрибалари, астрономик ҳисоб-китоблари билан боғлиқ ҳолда дунёга келганлигига ишоратдир.

Наврӯз — табиатнинг уйғониш, яшариш фасли. Табиат уйғонар экан, инсон руҳи ҳам янгиланади. Шу билан бирга, инсон билагига куч, юрагига янги интилиш, ҳаётига янги умид ва орзулар кириши табиийдир.

Наврӯз яна бир хислати билан бизнинг миллий табиатимизга яқин. Наврӯз кунларида эски гина-қудуратларни, ҳар хил ёмонликларни эсдан чиқариш, меҳр-оқибатли, мурувватли бўлиш, бева-бечораларнинг ҳолидан хабардор бўлиш, етим-есирларнинг кўнглини олиш сингари, Оллоҳнинг ўзи эл-юртимизга ато этган, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган фазилатлар ҳам Наврӯзнинг моҳиятидир. Бундай табаррук, олийжаноб ниятлар билан узвий боғлиқ байрам одамзод томонидан чуқур эъзозланиши, асло унутилмаслиги ва доимо яшаб қолиши табиийдир. Ҳолбуки, яқин ўтмишда сохта маъмуриятчилик, енгилтаклик, сиёсатбозлик ва маънавий калтабинлик дастидан Наврӯз байрами бекор қилинишига сал қолган эди.

Шукурким, мустақиллик шарофати билан бу кун нуфузли қадриятга, диёримизда истиқомат қиладиган барча миллат вакиллариининг бетакрор умумхалқ байрамига айланди. У инсонлар ўртасидаги дўстлик, хайрихоҳлик ва меҳр-мурувват рамзи бўлиб қолди. Биз эндиликда дунёга бағри кенг очик, олам юртларига танилган, мустақилликнинг катта йўлида дадил бораётган, келажаги буюк Ватаннинг фарзандларимиз. Бу Ватан —

бизнинг қадимий ва навқирон тақдиримиз. Асрлар қаъридан келаётган, мунаввар тонларга кўкрак очган ўз диёримиз. Биз уни севамиз, ардоқлаймиз. Унинг қудрати, инсон-шуҳрати, эрку-фаровонлиги йўлида хизмат этиш билан бахтлимиз.

Шулар ҳақида ўйлар эканман, пойтахтимиз Тошкентнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида ўтказилган ҳар йилги Наврўз байрами тантаналарини — халқ сайли, нурафшон оқшомлар файзи, мушаклар юлдузистони, рақсу оҳанглар дунёсини кўз олдимга келтираман, Нақадар мислсиз афсонавий манзара! Бу — чинакам эрк намойиши, эркин фикр ва озод халқ байрами.

Биз бу кунларни узоқ кутдик. Орзу қилдик. Бу ҳақда, ҳатто ошкора ўйлаш, нимтатир сўзлашнинг ўзи мумкин эмас эди. Ҳақиқат қарор топди. Оллоҳ иродаси, халқимиз қалбида йўгрилиб ётган асрий армон, Президентимизнинг жасоратли фаолияти бу ишларни амалда намоён этди. Энди бу мустақилликни кунба-кун, ойма-ой, йилма-йил тобора мустаҳкамлаб бориш — ҳаммамизнинг жон, виждон ишимиз.

Байрам боис кўнгилда шундай ғурур уйғонади: Ҳа, давлатимиз раҳбари лутф этганидек, ҳақиқатан ҳам ўзбек дунёда ҳеч кимдан кам эмас. Қолаверса, инсоф ва адолатли, огир-вазмин, эътиқодли, меҳнатни олий ибодат деб биладиган, ҳеч кимга ёмонлиги йўқ халқгина шундай байрамларни ўтказишга қодир, нурли, саодатли онларга мушаррафдир.

Муқаддас Ватанимиз ҳамиша омон бўлсин!  
Урмимизнинг ҳар дақиқаси Наврўзга айлансин!

## Наврўз дастурхони

**Ф. БОЛГАЕВА** — Самарқанд Давлат университети талабаси  
**Илмий раҳбар — Б. У. БОЗОРОВ**, доцент

Наврўз — баҳорнинг боши, у этагида баҳор элчиси — қалдирғочлар билан бирга гулу чечакларни ҳам олиб келади. Кишиларнинг қишдан толиқиб чиққан асаблари боди-сабонинг майин уфорларидан юмшаб ором олади. Оламдаги барча жониворлар — парранда-ю, даррандалар-

дан тортиб, қурт-қумурсқаларгача жонланиб, уз забонида яратганга шукроналар айтади. Табиат уйғонади. Ана шу уйғониш Наврўзга — баҳорнинг биринчи кунига тўғри келади.

Наврўз тантаналарида барча ёшу қари қатнашади, унинг томошабини ҳам, иштирокчиси ҳам халқнинг ўзи бўлади.

Наврўз кунлари ота-онани, кексаларни улуғлаш ва улар хизматида бўлиш, беморларни бориб куриш ва кунгилларини кўтариш, марҳумларни ёд этиб, қабрларини зиёрат этиш ҳар бир инсоннинг бурчига айланади. Шу кунларда қариндош-уруғлар, дўст-биродарлар бир-бирларини йўқлайдилар. Оила-оила бўлиб ёки дўст-қариндошлар тўпланиб, Наврўз кунлари кўм-кўк қирларга, тоғларга сайилга чиқадиладар ва табиат гўзалликларидан баҳраманд бўлиб қайтадилар.

Наврўз кунлари кўча ва хиёбонларни обод этиш, дарахт ва гуллар ўтқозиш мақсадида маҳаллаларда, туман ва қишлоқларда халқ хашарлари уюштирилади.

Кўкламда киши қандай иш билан шуғулланмасин, дарров толиққанлигини ҳис қилади. Ота-боболаримиз «кўкламда илик узилади, илдизлар қувват олади» деб бежиз айтмаганлар. Мевалар таркибидаги А, В, С, РР витаминлар организмни бақувват этувчи табиий доридир. Шунинг учун ҳам олимлар витаминларни «ҳаёт асослари» деб аташган.

Лекин баҳорги дармонсизликнинг бошқа сабаблари ҳам бор. Маълумки, киши 10—15 марта чуқур нафас олса, боши айланиб кетади. Натижада нафас динамикаси қисман бузилади. Бу ҳол баданда ўзига яраша ноқулайлик тугдиради. Баҳор ҳавосида турли-туман уфори моддалар бўлгани учун баъзи кишилар организми бу моддаларга чидамли бўлмайди ва турли хасталикларга учрайди.

Одам қишга ҳам, кўкламга ҳам аста-секин кўникиб боради. Совуқ об-ҳаво организмнинг танобини тортувчи, ҳаракатга тортувчи омил бўлса, иссиқ об-ҳаво юрак фаолиятини сусайтирувчи омиллардан бири ҳисобланади. Юрак-қон томирлар бўшашдимми, одам ўзини лоҳас сезати. Баҳорда киши ўзини бардам сезиши учун қишдаёқ кўкатлар истеъмол қилишга аҳамият берилади. Огзи кўкка теккан сигир ва эчкининг сути сервитамин бўлиб, кишини баҳор шароитига тез мослайди.

Доно халқимиз азалданоқ баҳорда бушашмаслик тadbирини кўриб қўйган. Баҳорда сумалак айнаи шу мақсад

учун мўлжалланиб тайёрланади. Халим эса ўзининг мулоимлиги ва каллорияга бой эканлиги учун ҳам организмга яхши сингади, куч-қувват ато этади. Қон босими пасайиб кетган дармонсиз кишига эса халимдан яхши даво бўлмаса керак.

Отқулоқ, довучча, ялпиз қўшилган шурва, сомса, хоним ва бошқа таомлар истеъмол қилинса, лоҳаслик унча билинмайди. Ялпиз таркибидаги эфир мойи ва ментол моддаси овқатни хуштаъм қилади, иштаҳани очади.

Сумалак Наврўзнинг шоҳона таоми бўлиб, уни тайёрлаш эса катта санъатни талаб қилади. «Сумалак сайили»нинг халқ байрами сифатида қандай шаклланганлиги ҳақида ривоятлар кўп.

Сумалак сайили икки нарсадан таркиб топади: 1) сумалакни тайёрлаш; 2) сумалакхўрлик қилиш.

Сумалак, асосан аёллар томонидан тайёрланиб, уни пишириш жараёнида қозон атрофида суҳбатлар қуришган, ҳикоялар ва лапарлар айтишган, ўйин-кулги қилишган. Сумалак тайёр бўлгач, кеча қатнашчилари ва маҳалла аҳли сумалакхўрлик учун сумалак сайилига таклиф этилганлар. Сумалак сайилида доира чалиб, рақсга тушишган, қўшиқлар айтиб хурсандчилик қилишган. Сумалак сайили ҳозир ҳам ўзининг кўпгина анъаналарини сақлаб қолмоқда.

Сумалак сайили анъанавий маросим бўлиб, асрлар оша нишонланиб, мазмунан бойиб келаётган халқ байрамларидан биридир. У ҳозирги кунда ҳам кишиларни ўзаро ҳамкорлик, дўстлик ва биродарликка чорлайди. Сумалак сайили Наврўзнинг энг муҳим маросимларидан бўлиб, Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида у халқимизнинг бошқа қадриятлари сингари ардоқланиб нишонланмоқда.

## **Мустақиллик — маърифий-маънавий қадриятлар кўзгусида**

**Фароғат ХУДОЙҚУЛОВА — Тошкент Давлат университети  
талабаси**

Бир асрдан-да ортиқроқ қарамлик ва гафлат уйқусидан кейин кўнгилларимизни озодлик деган эзгулик нурлари шундай ёритдики, биз бу ёғдуда юз, минг йил-

лар ортидан бизга боқиб турган буюк аждодларимизнинг мунаввар қалблари билан учрашдик. Мустақиллигимизнинг 7 йили мобайнида эса тозарган, покланган тафаккуримиз меваларидан баҳраманд бўлдик, маънавиятимизнинг неча йиллардан бери очилмай қолган варақларига нур туширдик. Қалбимизда ҳали Ватан, Озодлик, Истиқлол, Миллат туйғулари сунмай турган экан. Мустақил меҳнатга бел боғладик, қулимизга қалам олиб ўзимизнинг борлигимизни дунёга билдирмоқ учун жар солишга чоғландик.

Азиз алломаларимиздан бири — Сулаймон Боқирғонийнинг «Маним хор бўлмишим — ўз гафлатимдан» деган сатрларига бир эътибор берайлик-а, бу сатр замирида Боқирғоний, инсон ўз миллати, маърифати, маданияти, қадриятлари олдида гафлатда экан, ул қалб ҳамиша хорликка муҳкумдир, деган бир умуминсоний тоъни илгари сурмаяптимикин?

Фасллар ўтмоқда. Озодлик, Эркинлик, Истиқбол баҳорлари кунглимизга ўз нашъу-намоларини улашиб ўтмоқда. Ўтган 6 йил ичида маданиятимиз, маънавий қадриятларимиз, азалий удумларимиз ўзига хос муқаддаслиги ва улугворлигини касб этмоқда. Улкамиз узра кен қанот ёзиб кириб келаётган мустақиллигимизнинг еттинчи баҳори ҳам, яна дарахтларга оппоқ гуллардан тибос кийдирмоқда, бутун оламини, қалбларимизни ҳам яшартирмоқда, қувончларга тўлдирмоқда, ўтмишимиз билан фахрланиш, порлоқ келажакимизга ишонч туйғуларини тобора жўштирмоқда.

Ғарбда маданият, маърифат кучли деган фикрларни эътигамиз, баъзида. Балки. Аммо шарқ маданият ва маърифатининг ўзига хос жозибаси, умуминсоний мазмуни ва сеҳрли мантиғи бор-ки, уни биз ҳар доим буюк аждодларимиз Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий ва Ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Маҳмуд Кошгарий, Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Абишар Навоий, Мирзо Бобур ва бошқалар ҳаёти, ижоди орқали ҳис этиб турамыз, улардан маънавий озиқ оламыз ва шунинг учун ҳам уни бошқа ҳеч қандай маданиятга, маънавийятга алмашмаймыз. Ғарбда фан, маданият кучинган бўлса, ўз вақтида улар Шарқдаги мутараққий илм-фан, маданият орқасидан кучайганлиги бугун ҳаммага аён бўлмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён ҳамма соҳаларда — маориф, санъат ва маданият, қишлоқ

хужалиги соҳаларида бир мунча ишлар қилиндики, бу ўзгаришлар бизнинг шу йиллардаги энг катта ютуқларимиз десак адашмаган буламиз. Холбуки, Ўзбекистон барча ривожланган мамлакатлар қаторида ўзининг табиий бойликлари, ҳосилдор ерлари, меҳнат ресурслари, илмий-техникавий, иқтисодий ва маънавий хазиналари билан оламга донг таратмоқда.

1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилиниши, Тошкентнинг қоқ марказида Амир Темур ҳайкалининг ўрнатилиши, Амир Темур музейининг очилиши ва бу жой Амир Темур хиёбони деб номланиши, соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги кенг миқёсида нишонланиши бизнинг ривожланиш йулида бошлаган энг эътиборга сазовор ишларимиздан бири бўлди.

1997 йил «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинган эди. Бу йилда ҳам аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш учун соғлиқни сақлаш, газлаштириш, сув таъминоти ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларида анча ишлар амалга оширилди. Бу йилда, шунингдек, санъат соҳасига бўлган эътибор 1997 йили 25 августдан 2 сентябргача бўлиб ўтган Халқаро кинофестивалнинг ўтказилиши билан аҳамиятлидир.

1 октябрь — Мураббийлар ва ўқитувчилар куни эса биринчи мартаба умумхалқ байрами сифатида нишонланиб, келажак авлодни тарбиялаш йулида тинмай изланишлар олиб бораётган мураббийлар, ўқитувчилар хизматига берилган юқори баҳо, катта эътибор бўлди.

Бундан ташқари биз бозор иқтисодиётга утиш даврининг энг қийин шартларини бошдан кечирмоқдамиз. Биз бу йилда бозор муносабатларига утишнинг 5 тамойилига асосландик ва бир қанча ижобий натижаларга эришмоқдамиз.

Биз фақат уз ютуқларимиздан фахрланибгина қолмасдан, мана шу йиллар ичида қилган ишларимизнинг камчиликларини тугатиш, халқ билан ҳамнафас, унинг дардидан, аҳволидан ташқари чиқмай, ҳар бир ишимизнинг ҳисоб-китобини қилиб бормоғимиз керак. Амалга оширилаётган режаларимиз амалда бошқа қоғозда бошқалигича қолиб кетмаслиги ва биз бундай қасалликнинг олдини олмас эканмиз, миллат сифатида ўзимизни жаҳон миқёсида таъминлашимиз тушлигича қолиб кетвериши мумкин.

Абу Лайс Самарқандий уз ҳикматларидан бирида «Эй, ўғил, ёшлигингда отанг илм олмоқ учун яратган шароитдан кўз юмма! Илм бир чироқдурким сени роҳат ва

фароғат салтанатига ҳеч бир заҳматсиз етказди» деган ёшанлар.

Аллома айтганларидек, бугун ёш авлоднинг илм олиши учун юртбошимиз барча шарт-шароитларни яратиб бермоқдалар. Юртбошимизнинг Олий Мажлис IX сессиясида сўзлаган «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» деб номланган нутқида: 1996—1997 йиллардан бошлаб мактабларда янги имлода дарс беришни бошлаш, янги ўқув дастурларини яратиш, ўқув қўлланмалари билан илм масканларини тўла таъминлаш, олий ўқув юртларидаги талабаларни чет тилларини ўрганишга жалб қилиш, олий ўқув юртларини ислохотлаштириш, бакалавр, магистратура ва аспирантура йўналишлари бўйича таълим бериш, мустақил жамиятимизни эркин, ҳур фикрлайдиган кадрлар билан таъминлаш, уларни мамлакатимиз равнақи учун ҳисса қўшадиган даражада қилиб тайёрлаш кераклиги ҳақидаги масалаларга кенг ўрин берилган эди.

Бундан ташқари янги авлодга таълим бериш соҳасида ҳеч қандай маблағларни аямасдан, меҳнат қилишни талаб қилиб, кадрлар тайёрлашнинг асосий тамойиллари ҳақида ҳам батафсил гапириб ўтилди.

«Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» каби Республика қонунлари қабул қилинди. Булар таълим тизимини ислох қилишда муҳим аҳамият касб этишига ишонамиз.

«Инсон яралибдики, ҳамиша яхши кунларга ташна бўлиб яшайди. Халқимиз эса, ўзининг азалий удумларини жон қадар севиб, уни дунёга кўз-кўз қилишни яхши кўради. Бизга шу Ватаннинг ҳар қарич ери қандай муқаддас бўлса, шу юртнинг урф-одатлари, байраму шодиёналари, миллий қадриятлари шундай азиз ва табаррукдир. Осмонимизни мусаффо айлаб, кўнгилларимизни хушнуд этиб ўлкамизга кириб келаётган «Истиқлолимизнинг еттинчи Наврўзи» мустақиллик шарофати билан халқ қалбига қайтарилиб, ўлкамиз ҳуснига ҳусн қўшмоқда, покдомон элимизни тараддулантирмоқда. Инсоннинг табиатга ва жамиятга бўлган муҳаббатини мустаҳкамловчи бундай удумларимизнинг тарихи тилларда дoston бўлиб келган:

Навбахор, очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,  
Сухбат айлайлик, келинлар, жўралар, ўртоқлар.

деб ёзган эди мумтоз шоиримиз Муқимий ўз вақтида.

Мустақиллик йилларидан бери янада мукамал

шаклланиб, ўз қадр-қимматини топиб, Урта Осиё халқларининг миллий байрами тусига қайта кирган Наврўз ўзининг икки минг йилдан ортиқ тарихига эга-дир.

Бугунги кунда қувончлари ичига сиғмасдан, учоқ бошларида ўтириб, сумалак, ҳалим пишираётган онахонларимиз, момоларимиз шундай озод кунларга етиб, ҳаётимизнинг фаровонлигини кўриб шу Ватанга бўлган қалб меҳрларини қўшиқ қилиб мадҳ этадилар ва уларнинг кўнгиллари осмон қадар юксалади.

Гўзаллик, мурувват, дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик, покланиш ва меҳр-муҳаббат шодиёнаси бўлган кўҳна, улуг ва муқаддас Наврўзи Олам билан барчангизни қутлайман.

Мана шундай тақрорланмас дамларда мен серилтифот халқимга шеърый табригимни шундай йўллайман:

Замин осмонинг бор, ҳурлар туташгай,  
Офтобу уфқингга қирлар туташгай,  
О, бугун йўлимга йўллар туташгай,  
Дилимнинг дардини билгин, Наврўзим,  
Баҳтимни етаклаб келган, Наврўзим!  
Отам даласидан ризқ-дон тилангай,  
Кетмонин қўярга имкон тилангай,  
Осмонга етгувчи хирмон тилангай,  
Отамнинг дардини билгин, Наврўзим,  
Ҳосилини олиб келгин, Наврўзим!  
Онам румолини шамол силкитган,  
Кўрган кунларини бурон беркитган,  
Минг йиллик азоби, ҳурликка етган,  
Онамнинг дардини билгин, Наврўзим,  
Насибасин олиб келгин, Наврўзим!  
Майсалар тошларда илҳақ яшагай,  
Дилда ҳамон имон, ҳам ҳақ яшагай,  
Ўзига бек бўлган бир халқ яшагай,  
Шу халқнинг дардини билгин, Наврўзим,  
Ризқини етаклаб келгин, Наврўзим!  
Сен энди қонимда жонимдадурсан,  
Озодлик қўшиғим, янграб наҳорим.  
Онамсан! Дард чексам, ёнимдадирсан,  
Ўзбекистон — менинг мангу баҳорим!

## Наврӯз ва ёшлик

Нигора ТОЖИБОЕВА — Наманган Давлат университети  
талабаси. Илмий раҳбар, доцент —  
М. МИРЗААБДУЛЛАЕВА

Республикамиз мустақилликка эришгандан буён иқтисодий-ижтимоий ривожланиш, маънавий уйғониш йулидан оғишмай бормоқда. Халқ ўзлигини англаётган бир пайтда унинг урф-одатлари, удумлари, анъаналари жамиятимизнинг янада жадал суръатларда ривожланишининг бош омили булмоқда. Хусусан, маънавий баркамол авлодни тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Инсонни маънавий гўзал этиб тарбиялашда миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, қадимий байрамларимиз асосий сабоқ вазифасини ўтайди. Шундай байрамларимиздан бири — Наврӯз ҳақида гапирмоқчиман. Ўз вақтида у тўғрида бобокалонларимиздан Насриддин Рабғузий шундай ёзган эканлар:

Кун ҳамалга кирди эрса, келди олам Наврӯзи,  
Кечди бахмал замҳари киш, қолмади қори, бузи.

Бугун гўзал, жозибали баҳор оғушидамиз. Ўзининг яшил поёндозини ёйган Баҳорой юрт кезаяпти, она заминни гўзалликка буркаяпти. Илиқ қуёшнинг майин нурлари тоғлардан эриб тушаётган зилол сувларнинг шилдираши, уйғонаётган дарахт куртакларининг муаттар ҳидию, адирдаги қўйчивон найининг садоси билан қалбларга қувонч улашаётган баҳор фасли ўзгача тароват касб этаётир. Юртимизга у келинчаклик либосига бурканган айём бўлиб келади. Биз уни Наврӯзи олам дея атаймиз. Наврӯз уйғониш яшариш, покланиш, янгиланиш рамзидир. Наврӯз асрлар давомида кишиларда Она — Ерга муҳаббат, табиатни асраб-авайлаш туйғусини уйғотишга хизмат қилиб келган.

У халқимизнинг миллий, энг қадимги, ва сеvimли байрамидир. Уни ҳар бир инсон, ҳар бир оила орзиқиб кугади, — деди мамлакатимиз Президенти И. Каримов Вазирлар Маҳкамасининг Наврӯз байрамига тайёргарлик куриш ва уни ўтказиш Тошкент қўмитасининг мажлиси (1998 йил 11 март)да. Наврӯз — меҳр-мурувват айёми. Инсон ҳамини табиатга ошиқади. Чунки одамзот табиат қўйнида покланади. Наврӯзнинг бошқа байрамларга ўхшамайдиган ўзига хос яна бир жиҳати мафкурадан,

сиёсатдан холи умумхалқ байрами эканлигидир. Байрамга тайёргарлик ҳам шунга яраша булиши лозим. Президентимиз, шунингдек, Наврӯз арафасида ҳовли-жойларни, кўчаларни, маҳаллаларни тозалаш, ободонлаштириш, қишлоғу шаҳарларимизга узгача файз бағишлашини, бу борада маҳалла, қишлоқ оқсоқоллари, туман ва шаҳар ҳокимлари бош-қош булиши, ҳашарга чиққанларга ҳар томонлама ёрдам бериш кераклигини айтиб ўтдилар. Шу ўринда бу муборак айёмни ажодларимиз қандай ва қачонлардан бошлаб тантанали нишонлаб келганликлари ҳақида ҳам икки оғиз сўз айтиш зарур деб уйлайман. Ёзма манбаларда Наврӯзнинг қадимийлигига ишора этувчи бир талай ривоятлар мавжуд. Айрим маълумотларга кўра Наврӯз қадимги Эронликларда милоддан аввалиги 558—330 йиллардан бошлаб одат тусига кирган. Наврӯз ҳақида энг тўла маълумотлар ва аниқ илмий хулосалар буюк олим Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Қонуни Маъсудий» ва «Ат-Тафхим» ва бошқа асарларида, Умар Ҳайёмнинг «Наврӯзнама» рисоласида, Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достонида ёзиб қолдирилган.

Абу Райҳон Беруний таъкидлаб ўтганидек, Наврӯз — баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан, мевалар етилгунча, ўсимлик униб чиқа бошлашидан давом этадиган байрам. Унинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида Наврӯз ҳақида шундай дейилади: «Эрон олимларининг баъзиси у кунни Наврӯз деб аташининг сабаби шуки, Жамшид (қадимги Эрон подшоҳларидан бири) ўз салтанати даврида анчагина тадбирлар жорий этганмиш. Жумладан давлат тузган, одамларни табақаларга ажратган, кийим кийишга ўргатган дейилади. У подшоҳ бўлгач, мажусийлар динини (оташпарастлик) янгилади ва бу иш қилинган кун «Наврӯз» — «Янги кун» деб аталди» Умар Ҳайём ҳам «Наврӯзнама» асарида Наврӯзни нишонлаш ҳақидаги ривоятларни подшоҳ Жамшид даврига тақайди ва Қайюмарс Ҳамал ойининг биринчи куни йил боши ҳисоблансин, — деб фармон берганини ҳам эслатиб ўтади. Жумладан, шоҳ Жамшид ҳақида Умар Ҳайём шундай дейди: «Жамшид шу кунни (фарвардин ойининг боши) Наврӯз аталсин дея фармон беради ва одамларга ҳар йили фарвардиннинг киришини байрам қилишни, уни янги йил деб ҳисоблашни буюрди».

Бобокалон шоиримиз Алишер Навоий ижодида ҳам Наврӯз ўз ифодасини топган. «Садди Искандарий» дос-

тонида Наврузнинг байрам қилиниши қуйидагича акс этган:

Ки бу сир эрур олам афруз ҳам,  
Хусусан эрур фасли Наврӯз ҳам.

Навруз кунларида ўзаро урушларга чек қуйилган, қариндошлар ёруғ дунёдан кўз юмганлар қабрларини, ёшлар эса кексаларни, ногиронларни, зиёрат қилганлар. Аразлашганлар Наврузда ярашганлар, гина-қудратлар унут бўлган, кишилар ўзаро сан-манга бормай, тинч-тотувлик билан яшашга келишганлар.

Меҳр-оқибат, саҳоват, ҳайр-эҳсон қилиш, жумардлик, тинчлик, осойишталик, меҳнат ва роҳат халқ турмушининг энг муҳим ва асосий белгилари сифатида тантана қилган.

Тарихдан биламизки, халқ байрами булган Наврӯзни ҳатто исломнинг Марказий Осиёдаги биринчи тарғиботчилари ҳам тақиқлай олмаганлар ва уни халқ ҳаётидан ўчириб ташлай олмасликларига кўзлари етгач, бу байрамга диний тус бера бошлаганлар. Уни исломлаштириш чораларини кўра бошлаганлар. Шу ролар даврида эса коммунистик мафкура Наврӯзга диний тадбир, эскилик сарқити деб қараган, уни халқ турмушидан, хотирасидан ўчириб ташлашга, бошқа тадбирлар билан алмаштиришга уринган эди.

Лекин Наврӯз байрамининг моддий-маънавий мазмуни сарқитларга эмас, балки Шарқ халқларининг, жумладан бизнинг халқимизнинг ҳам бунёдкорона меҳнати билан боғланиб келган ёрқин ва кўп қиррали интилишларига, орзу-умидларига, уларнинг турмуш тарзи, миллий руҳига асосланганлигини мустақиллик йилларида нишонланаётган Наврӯз тантаналари яққол курсатмоқда. Халқ санъати-маданиятининг энг ажойиб шакллари ва турлари, ранг-баранг мусобақалар, тадбирлар билан оммани ўзига жалб этувчи бу байрам халқнинг маънавий-маданий турмушини бойитишга, унинг гузал анъаналарини, урф-одатларини сақлашга, бойитишга, турмушини яна ҳам мазмунлироқ қилишга қаратилгандир. Бинобарин, Наврӯз кунлари Ўзбекистоннинг бой халқ ижодиёти бугун борлиги билан кўзга ташланади. Наврӯз байрамини ўтказиш ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда, халқимиз анъаналарининг энг яхши намуналари мисолини унинг дунёқарашини шакллантиришда катта аҳамият касб этади.

Республикамизда 1998 йил — «Оила йили» деб эълон қилинди. Шу муносабат билан бу йилги Наврўзга тайёргарлик ҳам ўзгача. Уни кўтаринки руҳда ўтказишда биз ёшларнинг ўрнимиз ҳам салмоқли бўлиши керак деб ўйлайман. 14 март Хайрия Ҳашари деб эълон қилинди. Шунингдек, жуда кўплаб Наврўз олди тадбирлари белгиланди. Бу тадбирларни уюштиришда, ободончилик ишларини амалга оширишда, биз ёшлар алоҳида уюшқоқлик, ташаббус, ғайрат кўрсатишимиз зарур бўлади. Бундай ҳашарлар туфайли маҳаллаларимиз, ўқув юртимиз, қишлоқ ва шаҳарларимиз, умуман юртимиз кўркига кўрк, жозибасига жозоба қўшилади. Маълум вақт ўтиб, биз обод қилган боғлар, гулзорлар, ариқлар, биз ўтказган кўчатлар, қурган иморатлар, иншоотлар бошқаларнинг ҳам кўзларини қувонтиради, шундай самарали ва олижаноб ишларимизга ҳурмат уйғотади.

«Қўлингдан келса, боғ ярат» — дейди, доно халқимиз. Зеро боғ яратиш қўлидан келган кишининг умри боқийдир. Бугунги кунда жамиятда ўз ўрнини топишга интилаётган ёшларимизга содир бўлаётган яшариш ва янгилинишда, ободонлаштириш каби ишлар билан биргаликда ҳайрия ишларида ҳам фаол иштирок этишларини ўринли деб ҳисоблайман. Шунга кўра, жуда кўп ўқув муассасалари, корхона ва ташкилотлар ўзларининг бир кунлик маошларини ҳайрия ишларига савобли иш тариқасида ўтказадилар. Бу — Наврўзнинг руҳига, мазмуни ва мақсадига мос келадиган муддаодир.

Бу ҳақиқий деҳқон байрами, халқ байрами, эл-юрт байрами, биз ёшларга қувонч ва бахт келтирадиган байрамдир. Зеро, Наврўз ва ёшлик ўзаро уйғун, маънодош, мазмундош тушунчалардир.

## **Асрларни мунаввар қилган байрам**

**Нодирахон ҚОДИРОВА — Тошкент шарқшунослик  
институтини талабаси**

Шарқ халқларининг муштарак ижоди — Наврўз қадим замонлардан бизгача етиб келган муҳташам қадриятларимиздан бири, байналмилал байрамдир. Унинг мазмунига қадим аждодларимизнинг мифологик тасаввурларидан тортиб, бугунги замондошларимизнинг илғор

қарашларигача бўлган маънавийят олами сингиб кетган ва у инсоният маданий тараққиётининг узоқ асрлар мобайнидаги ҳар бир ютуғидан доимо куч ва қувват олиб турди.

Наврўзга нисбатан энг қўпол аралашув шўролар даврида содир бўлди. У асоссиз равишда таъқиқлаб қўйилди. 60-йилларнинг бошларида уни қайта тиклаш йулидаги уринишлар натижа бермади. Маъмурий-буйруқбозлик идоралари ва айрим шахслар томонидан унга турли хил ёрлиқлар ёпиштириш ва шу баҳона ман этиб қўйиш ҳоллари турли шахсларда давом эта берди. Шунга қарамай, халқимиз уни баъзан яширин, кўпчилик ҳолларда эса оила шароитида нишонлашдан тўхтамади. Яхшиямки, қайта қуриш, демократия, ошкоралик шабадалари бизнинг жумҳуриятимизда ҳам тўла куч билан эса бошлади. Наврўзга муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Республикамининг миллий мустақиллиги туфайли халқимизнинг буюк қадрияти, улуг байрами бўлган Наврўз тўла тикланди.

Қадимги Эрон афсоналаридан бирида ҳикоя қилинишича, Наврўз Жамшид подшо бўлиб тахта ўтирган кундир. Ҳикоя қилинишича, у ўзига шохона тахт ясаптириб ҳар хил нодир тошлар билан жило берилган, неча турли дур-жавоҳирлар қадалган қимматбаҳо тожини кийиб, тонг маҳали тахтга утиради. Шу пайт қуёш чиқиб, офтобнинг заррин нурлари Жамшиднинг тожу тахтини ёригади. Бутун теварак-атроф мунаввар бўлиб кетади. Бу гаройиб муъжизани кўрган улус ажабланиб Жамшид тахтга ўтирган кунни «Наврўз», яъни «Янги кун» деб байрам қилишган экан (Абу Райҳон Беруний маълумоти). Шу далилга асосланган С. П. Толстов Наврўз қачонлардир қуёш нурининг ҳаётбахшлигини эъзозлаш, теҳқончилик, мул ҳосил ва кўкламни улуглаш тантанасигина бўлмасдан, балки янги йилда янги тахт ворисини қутлаш маросими вазифасини ҳам ўтаган бўлса керак, деб хулоса қилади. Баҳор байрами — Наврўзнинг оммавий нишонланиши ҳаёт манбаи бўлмиш Қуёш маъбудига сизиниш, офтоб ва оловнинг ҳаётбахш қудратига имон келтириш билан боғлиқ қадимийлардан келиб чиқса ажаб эмас. Қадимий афсоналардан яна бирига кўра Наврўзнинг урф бўлишини оловнинг кашф этилиши билан боғлаш ҳам ўзига хос мантиққа эгадир. Айтишларича, Жамшид кунлардан бирида Мозандарон ўрмонида товушқон овлаб юрган экан, иттифоқа бир сеҳрли илонни кўриб қолиб, ўша заҳотиёқ унга қарата комонидан ўқ отибди. Илон бир қоятошнинг остидаги ковакка кириб,

күздан ғойиб булибди. Жамшиднинг камонидан узилган уқ эса тошга тегибди-да, тошдан учқун чиқибди. Учқунлардан бири тош ёнидан қуриқ хас-чўпларининг устига тушиб ёна бошлабди. Одамлар шу дамгача олов нималигини билишмас экан, шу боис утни кўрган ҳамон бу мўъжизадан лол булиб дарҳол унга сажда қилибдилар. Шу-шу одамлар оловни муқаддас билиб, уни учирмас-ликка ҳаракат қилишибди. Жамшид оловни кашф этган кунни эса, «янги кун» яъни «Наврўз» сифатида байрам қиладиган булибдилар.<sup>1</sup>

Наврўз ҳақидаги қадимги турк афсоналарида эса бу умумхалқ байрамининг пайдо булиши аждодларимизнинг баҳор фасли ва кўкламги дала ишларининг бошланишига алоқадор удумларига боғланади. Турк олими Абдулҳолиқ Жой томонидан оммалаштирилган бир афсонада айтилишича, бутун рўйи заминни сув босиб туфон бўлганида Нуҳ пайғамбар ҳар турли жонзотдан бир жуфтдан олиб, кемасида сузиб юрган экан. Бир куни у атрофда қуруқлик бор-йўқлигини билиб келиш учун қалдирғочни учуриб юборибди. Бир маҳал ҳалиги қалдирғоч тумшугида бир гиёҳни кутариб учиб келибди. Шу яқин орада ер борлигини, гиёҳ эса кўклам келганлигини билдиради. Нуҳ қалдирғоч кўрсатган томонга қараб сузиб борибди-да, сув уртасидаги заминни кўрибди. Кемадаги барча жонзот ерга тушиб, туфон азобидан қутулибдилар. Сувдан қуруқликка чиққан одамлар уша куни «янги кун» деб байрам қилишга одатланибдилар. Озар олими Озод Набиевнинг «Наврўз» номли китобида келтирилган бир афсонада халқ севган бу шодиёнаннинг келиб чиқиши тош асрида истиқомат қилган аждодларимизнинг турмуш тарзи, деҳқончиликнинг пайдо булиши, уй ҳайвонларининг хонакилаштирилиши, қолаверса, одамларнинг эрта баҳордаги турмуши меҳнати билан боғлиқлиги тасвирланади.

Улкан мис қозонлар Ўрта Осиёнинг қадимий аҳолиси — саклар учун ҳам муқаддас саналганлигини, бундай қозонларда тангрилар шарафига қурбонликлар улаштирилганлиги, таомлар пиширилганлигини Е. Е. Кузмина, К. А. Акишев, Р. А. Кушаев, А. С. Толстова каби олимлар ҳам қайд қилишган. Бизнингча, қадимда йилбоши — наврўзда эл-юрт йиғилиб, бир жойда байрам қилишган. Ҳар бир жамоанинг тўй-ҳашамларда, оммавий сайил-томошаларда фойдаланадиган умумхалқ катта

<sup>1</sup> *Абдулҳолиқ Жой*. Турк эргенскон байрами наврўз. Анқара 1985, 6-бет.

қозонлари булган. Одамлар ҳар йил кўкламда ана шундай қозонларда сумалак, ҳалим ва наврузнинг бошқа таомларини пиширишган. Катта қозонлар ҳамма вақт эмас, алоҳида тантанали маросимларда, умумхалқ байрамларида ишлатилгани учун ҳам азиз саналган. Халқ мўътабар қозонларда муқаддас таомлар пишадиган, яъни «қозонлар тўладиган» тантаналарни зўр қувонч билан кутиб олган. Чунки қозонлар тўлиши — бу мўл ҳосил тимсоли, тукин-сочинлик, мўл-кўлчилик, қут-барақа белгиси эди уларнинг назарида. Қозон тўлса, демак, эл-юрт тинч-омон, деҳқон даласидан, чўпон кўрасидан барақа аримайди. Навруз ҳам ана шундай «қозон тўладиган», яъни қут-барақа тантана қиладиган халқ байрамидир. Наврузда қозон-қозон сумалаклар қайнаши, тукин сочинлик, дала-лар серҳосиллиги, мевага тўла боғлар саҳоватидан далолат беради. Улус куни, яъни наврузга бағишланган қозоқ халқ қўшиқларидан бирида:

Улус куни қозон тўлса,  
Йил буйи сут мул булар  
Улуғлардан олқиш олсанг,  
У йил улжанг мул булар!

— дейилишида ҳам узига хос ҳикмат бор.<sup>2</sup>

Хуллас, яхши ният билан ерга дон сочган деҳқон хирмонга барақа берсин деб, яйловга қўй ёйган чўпон отарим кўпайсин деб, олис сафарга отланган тижоратчи йулим ойдин, сафарим бехатар булсин деб, умид билан навруз оқшюмида катта-катта дошқозонларнинг тагига ут қалаганлар. Асрлар буйи бу удум-навруз эзгулик, офтоб, баҳор шодиёнаси сифатида нишонланган булса, йилбошининг махсус таоми пишадиган муқаддас қозонлар барақа манбаи деб эъзозланган. Мустақиллик туфайли тўла тантана қилган қадимий байрамимиз — навруз халқимизнинг эзгу армонлари ушалишига, олижаноб фазилатларининг намоён булишига уз ҳиссасини абадий кўшаверади, деб эндиликда ишонч билан айтиш мумкин.

<sup>2</sup> «Қозоқ адабиёти тарихи», Олмота, 1948, 41-бет.

## Ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам қадриятларининг миллий анъаналарда акс этиши

Феруз ЛАТИПОВ — Тошкент Давлат иқтисодиёт универси-  
тети талабаси

Илмий раҳбар — А. ҲУКУМОВ фалсафа фанлари номзоди,  
доцент

Ҳар бир тараққий этган, юксак маданиятли халқнинг ўз тили, урф-одатлари, осориатиқалари, моддий ва маънавий маданияти, ўзига хос адабиёти ва санъати булади. Ўзбек халқи ҳам дунёдаги энг қадимий маданиятга эга бўлган халқлардан бири бўлганлиги билан фахрланса арзийди.

Энг аввало, шуни таъкидлашни истардимки, урф-одатлар, маросимлар, байрамлар бошқа халқлардан, айниқса бир ҳудудда асрлар буйи бирга ҳаёт кечириб келаётган қўшни элат ва миллатлардан айри, бекитикча ҳолда вужудга келмаган ва тараққий қилмаган. Шу боис кўпгина байрам ва маросимларда яқин халқлар учун умумий бўлган жиҳатларни кўплаб учратамиз. Чунки бизнинг аجدодларимиз ўзларининг барча байрам ва анъанавий урф-одатларини жондош-қондош бошқа халқлар билан биргаликда нишонлашиб келишган.

Шу билан бирга, шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳар бир халқ ўзининг ўтмишига чуқур томир отиб кетган ўқ илдиэлари билан жаҳон маданияти саҳифаларидан ўзига хос, қайтарилмас ўрин эгаллайди.

Энди Наврўз ва бошқа бир қанча қадимий байрам ва маросимларнинг мазмуни, уларнинг кишилар орасидаги ўзаро ҳамкорлик, меҳр-шафқат, ўзаро ёрдам каби қадриятларни нечоғлик акс эттиришини уларнинг тарихи миёсолида кўриб чиқишга ҳаракат қилсак мақсадга мувофиқ бўларди.

Наврўзни байрам қилиш Марказий Осиё, Ўрта Шарқда анча қадим замонларда юзага келган. Ёзма манбаларда Наврўзнинг қадимий анъана эканлигидан дарак берувчи бир қатор ривоятлар мавжуд. Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Қонуни Маъсудий» асарларида ва Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнома» рисоласида унинг қадимий эронликларда аҳамонийлар давридан (э. о. 558—330 йиллар) бошлаб одат тусига кирганлиги таъкидланади. Бироқ эронликларда Наврўзнинг Жамшид подшолигидан анча илгари

ҳам нишонлангани ҳақида маълумотлар мавжуд. Берунийнинг фикрича бу кун гарчи Жамшиддан олдин ҳам ҳурмат қилинган бўлса-да, Жамшид давридагина ҳайитга айлантирилди, дейилади.

Умар Ҳайём ҳам «Наврӯзнама» асарида Наврӯз нишонланиши ҳақидаги ривоятларни подшоҳ Жамшид даврига тақайди ҳамда ҳамал ойининг биринчи куни йил боши ҳисобланишига фармон берилганини ёзади: «Жамшид шу куни (фарвардин ойининг боши) Наврӯз аталсин деб фармон берди ва одамларга ҳар йили фарвардиннинг киришини байрам қилишни, уни янги йил деб ҳисоблашни буюрди».

Умуман олганда, ривоятлардан икки хил хулоса чиқади: 1) Наврӯз билан боғлиқ ривоятларнинг кўпи подшоҳ Жамшидга мансуб воқеалардан иборат; 2) бу ривоятларда Наврӯзни нишонлашда астрономик принципга амал қилинган. Унинг ёши масаласига келганда эса, кўпчилик олимларнинг фикрича, у милoddан икки минг йил илгари пайдо бўлганлиги ҳақиқатга яқиндир.

Наврӯзнинг неча кун давом этиши масаласига келганда шуни айтиш керакки, у қадимдан бир неча кун мобайнида нишонланган ва ушбу кунларнинг ҳар бирининг ўз номи бўлган. Умуман олганда бу байрам қайси замонда қандай номда аталмасин, туб моҳияти билан Янги кун — баҳорнинг биринчи лаҳзаси бўлган ва шундай бўлиб қолаверади.

Яна шуни эслатиб ўтиш жоизки, халқимизнинг яқин ўтмишида ана шу байрамга бўлган муносабат бошқача эди. Мустабид «қизил империя» уни ҳар қандай йўллар билан бўлсада халқнинг ёдидан чиқаришга ҳаракат қилди, у диний байрам деб эълон қилиниб, таъқиб остига олинди, уни нишонлаш у ёқда турсин, ҳатто эсга олиш ҳам мумкин бўлмай қолди. Таассуфлар бўлсинки, бундай ҳолатнинг вужудга келишида ўша вақтлардаги айрим катта ва кичик мансабдорларнинг «ҳиссаси» ҳам бўлди.

Республикамизда илк ҳур фикрлаш шабадалари эса бошлашининг дастлабки қутлуғ натижаларидан бири 1989 йилнинг 28 февралда Наврӯз байрамини тиклаш бўлди.

Ана шундан буён ўтган 10 йил мобайнида халқимиз бу байрамни ҳар йили катта тантаналар билан нишонлаб келмоқда ва бу байрам утказилиши билан боғлиқ кўпгина анъаналар ҳам қад ростламоқда.

Энг аввало, Наврӯзни нишонлаш кўпчилик билан буладиган иш. Шу боис бунда кишиларнинг узаро ҳамкорлиги янада катта аҳамият касб этади. Буни ушбу ойда

пишириладиган сумалакларда кўриш мумкин. Қадимдан уни тайёрлаш учун яқин кишилар, маҳаллалар, ҳамкасблар ёки бошқа белгилар бўйича бирлашган кишилар уруф ундириш, уни ўстириб парваришлаш, янчиш ва тайёрлаш ишларини биргалашиб амалга оширганлар.

Сумалак тайёрлаш билан бирга, айниқса Наврўз кунини ҳалим каби сермашаққат ва лаззатли таом тайёрлаш ҳам анъанага айланган. Бунда ҳам кишиларнинг ўзаро ҳамкорлигисиз, ўзаро ёрдамсиз иш битмайди. Шу боис ушбу байрамни тайёрлаш, ўтказиш тантаналарининг ўзи маҳалла, қўни-қўшничилик, қариндошлик ришталарини янада мустақамлашда, кишиларни уларнинг ижтимоий мавқеига, касб-корига, элатига қарамасдан бир мақсад — янги йилнинг кириб келишини биргалашиб кутиб олишлари учун бирлаштиради. Бунинг учун маҳалла, мавзелардаги кўчалар тартибга солинади, ниҳоллар ўтқазилади, дарахтларга ишлов берилади, ариқ-зовурлар тозаланади, деворлар оқланади ва шу каби ишлар амалга оширилади. Бунда ҳам ўзаро ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик, ўзаро ёрдамсиз мақсадга эришиб бўлмайди.

Айни Наврўз кунлари, айниқса яқин кишиларни, беморларни, муҳтож бўлган кишиларни муборакбод этиш азалий одат сифатида янги мазмун билан бойиб чуқурлашиб бормоқда. Бундай тантаналарнинг Республикамизнинг барча жойларида ўзига хос удумлар, одатлар, ташкилий жиҳатдан ёрқин ўтказилишида, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Наврўз» ва «Маҳалла» ҳайрия жамғармаларининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Одамларда, кўпинча қиш охирига бориб ҳолсизлик, дармонсизлик ёки ҳозирги замон ифодаси билан айтганда, витаминларга кучли эҳтиёж пайдо бўлиб, кўкатлар ва ҳўл меваларга зарурат сезадилар. Халқда бу ҳолатни «илик узилди» ҳам дейишади. Дармонсизликка даво сифатида эрта баҳорда янги униб чиққан баъзи ўтлардан (қоқи ўт, шовул, ялпиз, жаг-жаг ва бошқалар) истеъмол қилиш, шу билан бирга арпа ёки буғдой ундириб, сумалак тайёрлаш ҳам қадимдан одат ҳисобланган.

Садриддин Айни Наврўз сайлида турли овқатлар, майиз, ёнғоқ, шўрданак, қовурилган нўхот каби ҳар хил ноз-неъматлар мул-қўл бўлганини, шунингдек, ўрик қоқи (туршак) ивитиб, сувини ичиш одат эканлигини қайд этади. Буни қарангки, халқ қадимдан туршакнинг кам қувватликдан халос бўлишга ёрдам беришини жуда яхши билган.

Наврӯзда кенг тарқалган анъаналардан бири кураш тушишдир. Бундан ташқари мамлакатимизнинг Ургут, Китоб, Бойсун каби туманларида чавандозларнинг кураши — кўпқари ўтказиш қадимий анъана ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг деярли барча жойида ушбу байрамда қўшиқ айтиш, рақс тушиш каби қадимий одатлар тикланиб бормоқда. Қорақалпоғистонда, мамлакатимизнинг қардош қирғиз ва қозоқ миллатлари яшайдиган туманларида эса анъанавий айтишувлар тантаналарга узгача жозоба беради.

Наврӯз катта халқ сайили, уни ўтказиш учун тарихда ҳеч қандай маблағ йиғилмаган. Халқ бу шодиёнани ўз фаолияти, ижоди билан эркин байрам қилган. Шу маънода ушбу халқ сайилида амалга ошириладиган ҳар бир тадбир (хоҳ маданий, хоҳ спортга оид) албатта кўнгиллилик асосида ташкил этилиши керак. Айниқса баҳор бошланиши билан умумхалқ ҳашарларининг ташкил қилиниши ушбу қадимий анъананинг янги давримизга мос қирралар билан бойиб бораётганидан далолат беради.

Бозор иқтисодиётига ўтиш мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларини янгилаш, уларни ҳозирги замон талаблари даражасига кўтаришни тақозо қилади. Ана шу кенг камровли ишлар эса кўп жиҳатдан бўлажак мутахассисларнинг қандай тайёргарлик кўришига боғлиқ. Бу жиҳатдан мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг талабаларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган қатор фармонлари катта аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, ҳар бир байрам олдидан, айниқса Наврӯз байрами шарофати билан талабаларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида уларга бепул озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатиш, ётоқхоналарда истиқомат қилаётган талаба ва аспирантларга ҳамда ўқитувчиларга моддий ёрдам кўрсатиш жуда яхши ташкил қилинган.

Ана шуларнинг ўзи ҳам халқимизнинг асрлар оша янги келаётган узаро ёрдам, ҳамдардлик, ҳамкорлик, меҳр-шафқат каби қадриятларнинг бевосита амалга ошиётганидан далолат беради. Бизнинг эндиги вазифамиз — ана шу ва бошқа халқ анъаналарини янада бойитиш, уларни ҳаётга татбиқ қилиш ҳамда уларни кейинги авлодларга ўтказиб беришдан иборатдир.

## Наврўз анъаналари — тарбия мактаби

Зеби МАТТИЕВА — Самарқанд Давлат чет тиллар институти аспиранти

«Наврўз» деганимизда кўз олдимизда унинг лаззатли таоми сумалак жонланади. Сумалак — Наврўзнинг шоҳона таомидир. Сумалакнинг қандай пайдо бўлганлиги ҳақида халқ орасида кўп ривоятлар тарқалган. Улардан биттаси: деҳқон баҳор келиши билан уруғликка олиб қуйилган охирги донини сувга ивитиб қўяди. Лекин бирдан ҳаво бузилади. Бугдой ивитилган идишда ниш уриб ўса бошлайди, об-ҳаво эса тезда яхшиланавермайди. Деҳқон оила аъзолари оч қолган пайтда бугдойни нобуд қилмаслик чораларини излай бошлайди. У таваккал қилиб, ниш урган ва анча бўй кутарган бугдой майсаларини қиймалайди ва уй бекасига бундан таом пиширишни илтимос қилади. У майса қиймасини қозонга солиб, узоқ вақт қайнатади. Таом шундай ширин бўладики, унинг ҳиди ёқимли, узи тўйимли, мазаси эса тановул қилган кишининг узоқ вақт эсида қолади. Уни тановул қилган кишида соғлом кайфият пайдо бўлади. Кейинчалик бу таом халқ ўртасида кенг тарқалиб, сумалак сайилларининг пайдо бўлишига олиб келади.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида ёзилишича, «Сумалак» калимаси «шарбат учун ундирилган арпа» ёки бугдой маъносини англатувчи қадимги туркий сўз «сума»дан келиб чиққан. Аждодларимиз асрлар бўйи Наврўз арафаси оқшоми дошқозонларда сумалак қайнатишни келаётган янги йилнинг баракали, файзли ва серҳосил бўлиши рамзи, деб билганлар. Халқимизда нонни эъозлаш азалий удум. Сумалак ҳам худди нондай юксак қадрланади. Уни тайёрлашда алоҳида тартиб-қоидаларга, маънавий мезонларга амал қилинади. Сумалак азиз ва табаррук тансиқ таом ҳисобланади. Ҳатто сумалак пиширилган қозон ювиндиси ҳам дуч келган жойга эмас, мевали дарахт тагига тукилади. Бундай иримларнинг тарбиявий аҳамияти катта. Сумалакдан кейин ҳалим тайёрлашни урганганлар. Бу таом, асосан эркаклар томонидан тайёрланади. Бундан ташқари, яна баҳор неъматларга кўк чучвара, кўк сомса, кўзикақорин кабоб, гулкарам шўрва ва шу кабилар киради.

Қадимда ота-боболаримиз Наврўзни нишонлаш билан бирга унга бевосита боғлиқ табиат ҳодисаларини ҳам

кузатганлар ва бу ҳақда ёзиб қолдирганлар. Жумладан, Хожа Али Термизийнинг «Наврўзнама» рисоласи (арабчадан туркий тилга таржимаси 1915 йилда Тошкентда chop этилган ва «Мажмуат ур-расойили туркий» — «Туркий тилдаги рисоалар мажмуаси» номли китобга киритилган)да Наврўзи олам ҳафтанинг қайси куни кирса, табиатда ва одамларнинг ҳаётида қандай узгаришлар юз бериши, дала ва боғлардаги ҳосиллар қандай бўлиши баён қилинади.

«Агар Наврўзи олам жума куни доҳил бўлса, Зухрага тааллуқди бўлғай. Ул йил фараҳ (шод)лик ва фаровонлик бўлғай. Ёмгир кўп ёғғай, совуқ қаттиқ, қиш узун, йил охирида андак қиммат (чилик) бўлғай. Галла сақламоқ керак, бозургонлик-савдогарчилик кўп яхши бўлғай ва кечки (зироат)га офат етқай. Ул йилда нархлар арзон бўлғай, зироатлар хўб бўлғай. Кунжут миёна (уртача) бўлғай. Сипоҳ (лашкар)ларнинг ҳоли забун (огир) бўлғай. Валлоҳу аълам бис-савоб».

Қадимда деҳқонлар баҳорги юмушларни бошлашда шу каби таъбирларга асосланган ҳолда иш кўрганлар.

Солномада янги йилнинг кириб келиши жониворлар номи билан белгиланади. Ҳар йилни бир жониворга қиёслаб, ун икки йил ун икки жонивор номи билан юритилади. Ҳар ун икки йил бир мучал ҳисобланади.

Ўтиб бораётган йилимиз солнома бўйича сигир йилига тўғри келади. Қуйида буни ҳам айнан келтириб ўтмоқни лозим топдик.

«Ва агар сигир йили кирса. Баъзи жойларда бош отриқ, беморлик кўп бўлғай. Қиши қаттиқ бўлиб, кўтоҳ (қисқа) бўлғай, меваларга андак офат етқай. Ва атроф жаҳондин фитналар кўзгалиб, подшоҳларга ташвиш кўп бўлғай, йил охирида арзон (чилик) бўлғай, халқларга тинчлик бўлғай. Ва ҳар фарзандки йилнинг аввалинда туғулса зийрак ва диндор, андишали бўлғай, лекин бегоналар(нинг) ишларига машғулоти кўп булур. Йил авсатинда (уртасида) туғулса хўбруй (ёқимли) ва шодмон бўлғай, йилнинг охирида туғулса ғамнок (гамгин) ва наришонҳол бўлғай».

Халқимизда азалдан тарқалган бир гап бор: «Ҳар неки бўлса, яхшиликка йўйинлар!» Қуръон оятида ҳам шу нарсга таъкидлаб ўтилади, яъни «Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдур».

Ҳазрат Алишер Навоий Наврўзни қуйидагича мадҳ этади:

Мувофиқ кийдилар булмиш магар  
навруз ила байрам,  
Чаман сарви ёшин хилъат  
менинг сарви равоним ҳам

Бедилнинг ушбу мисралари ҳайратомуз содда ва  
гузалдир:

Пастда куп экинзор, устида осмон,  
Ҳар кўкат баҳори узгадир аён.  
— Нега кўзинг юмуқ — десам бугдойга,  
— Жим, кўзим унгида, — деди, тегирмон.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур баҳор айёмини йигит-  
ликнинг энг кучга тулган даврига қиёс қилади:

Баҳор айёмидир, доғи йигитликнинг равонидур,  
Кетур, соқий, шароби нобким, ишрат замонидур.

Наврузда қалблар ҳам ғам-аламлардан тозаланади.  
Шоир Фурқат дўстларни чорлаб шундай дейди:

Навбаҳор айёми булди, келинг, эй аҳбоблар,  
Боғ аро нўш айлайлик, биз ҳам шароби ноблар.

Бундай олиб қараганда баҳорни ким куйламайди дей-  
сиз. Ҳар бир тоза қалб эгаси борки, наврузга ошно,  
баҳорнинг шайдосидир:

Мустақил юртимнинг боғ, чаманига  
Ботиру мардларнинг гул масканига  
Ўзбекнинг шарафли бул Ватанига  
Хуш келдинг, Наврузим, дилларга ҳамдам  
Бизнинг қувончлардан қувонсин Олам.

Навруз ҳақидаги («Ал-аҳодис ан-найрузия» деб аталув-  
чи 10 та) ҳадислар бизнинг давримизгача қадимий  
қўлёмалардан етиб келган. Бу ҳадислар навруз муносаба-  
ти билан тузилган бўлиб, баҳорги тенгқунлик даврида  
одамлар буш вақтларини беҳуда ўтказмай, ушбу ҳадислар-  
ни ўқиб ёд олсин ва уларга амал қилсин, деган мақсадни  
назарда тутади. Навруз ҳадисларининг 70 та хосияти  
самарқандлик машҳур олим Абул Лайс Самарқандийнинг  
«Бўстони фикҳ» китобида баён қилинган. Қадимда ота-  
боболаримиз одоб-ахлоққа оид бу каби ҳадисларни ўқиб,  
ўрганиб, ўз маънавий оламларини бойитганлар.

Халқимиз орасида «Наврўз ҳикматлари» ҳам кенг тарқалган.

Бу улуг айём билан боғлиқ турли воқеа-ҳодисалар, уларнинг талқинлари жуда кўп бўлиб, барчаси инсонларнинг ўзаро дўстона, тинч-тотув ва осойишта яшашларига, ободончилик, мул-кўлчилик йўлида меҳнат қилишларига, табиат ва жамиятдаги янгилашнилардан ҳайратланиб ва қувониб, шодон турмуш кечиришларига, бир-бирларига яхшилик, фақат яхшилик истаб ва тилаб яшашларига чорлайди.

Келинлар, мустақиллик қайта инъом этган гузал Наврўзимиз неъматларидан барчамиз доимо баҳраманд бўлиб, уни энди асраб-авайлайлик, қадрлайлик!

## **Мустақил Ўзбекистоннинг янги сиёсий ТИЗИМИ**

**Сарвиноз ОХУНЖОНОВА — Самарқанд Давлат меъморчилик-қурилиш институти талабаси. Илмий раҳбар —  
М. УРОҚОВ тарих фанлари номзоди, доцент**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, унинг олдида муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган масала — ўзининг янги давлатчилиги ва уни амалга оширишнинг бош ва асосий тамойилларини аниқлаб олиш масаласи қўндаланг бўлиб турди. «Ўзбекистон, — дейди Республика Президенти И. А. Каримов, — янги давлатчилигини қуриш ва ривожлантиришга киришди».<sup>1</sup>

Мақсад собиқ СССР даврида давлат ва ижтимоий ҳаёт тизимини белгилаб берган авторитар идора усули ва маъмурий-буйруқбозлик тузумидан тамомила воз кечиб, суверен демократик, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо қилишдир.

«Суверенитет» сўзи «мустақиллик» маъносини англатади. Бунинг маъноси шу-ки, мамлакат, унинг халқи мустақил, ҳеч кимга муте бўлмаган ҳолда ўзининг миллий-давлатчилик ва маъмурий-ҳудудий қурилишни, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари тизими, ривожланишнинг ижтимоий-иқтисодий моделини, ўзининг ички ва ташқи сиёсатини ўзи белгилайди.

<sup>1</sup> И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: ҳафсизликка таҳдид. Барқарорлик шартлари ва тараққият қафолатлари. — Т., 1997, 152-бет.

Сир эмаски, собиқ иттифоқ даврида бизнинг ҳаёт тарзимизни ва халқлар ҳаётини белгиловчи бу масалаларнинг барчаси, халқнинг фикри ва интилишлари назарписанд қилинмай, юқоридан, халқ ўз иродасини амалга ошириши учун ваколат бермаган идоралар томонидан хал этиб юборилаверган. Мамлакатдаги олий ҳокимият амалда коммунистик фирқа қўлида эди. Бутун ҳуқуққа партиянинг ёпиқ съездларида шаклланадиган, ўзини ўзи жамиятнинг олий раҳбарлик ва йўналтирувчи кучи деб эълон қиладиган Марказий қўмита сиёсий бюроси эга эди. Бундай тизимни, яъни халқ сайлаб қўймаган тор доирадаги шахслар ҳокимиятини ўз қўлига олиб қўядиган, барча масалалар яққа партиявийлик идоралари курсатмалари бўйича, кўпинча маҳфий, халқ иродаси билан, қонун билан ҳисоблашмай ҳал этадиган тизим, маъмурий-бўйруқбозлик тизими дейилган эди.

Демократия юнонча — халқ ҳокимияти демакдир. Демак, демократик ҳокимият — бу олий ҳокимият, бевосита халққа тегишли бўлиб, халқнинг хоҳиш-иродасини амалга оширадиган давлат ва жамиятдир. Демократик жамиятда давлат, унинг органлари, вазифадор шахслари, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар Конституция ва қонунлар асосида ҳаракат қилади.

Демократиянинг ривожланиш тарихий тажрибаси ва назарий тафаккур давлат ва унинг моҳиятига оид бир қанча, асосан хилма-хил бўлган концепцияларни билади:

1. Синфий давлат концепцияси. Бундай давлатда ҳокимият бир синфнинг, яъни иқтисодий ҳукмрон синфнинг манфаатини ҳимоя қилади ва амалда бир синфнинг иккинчи бир синф устидан ҳукмронлик қилувчи машина вазифасини бажаради. Бундай давлатда ҳеч қандай демократия тўғрисида гап булиши мумкин эмас.

2. Анархия — ҳокимиятсизлик концепцияси. Бундай давлатда одамлар эркинлигини чеклайдиган ҳар қандай ҳокимиятчилик ташкилот-орган сифатида рад этилади.

3. Либерал-демократик концепция. Бундай давлат заиф бўлиб, унинг вазифаси жамиятдаги турли синфлар ва қатламларни узаро муросага келтиришдан иборат.

4. Тоталитар давлат концепцияси. Бундай давлатда ҳаётнинг барча соҳалари ялпи давлатлаштирилади. Ҳар қандай ижтимоий қатлам ва гуруҳлар манфаатларини ва ҳатто ҳар бир фуқаро манфаати давлат манфаатларига бўйсундирилади.

Ҳозир ҳам дунёда давлатнинг кўплаб тур ва шакллари мавжуд: монархия ва республика, демократик ва автокра-

гик, мутлақ ва чекланган монархия, парламент ёки президент республикаси ва ҳоказолар.

Албатта, ҳар бир мамлакат ва халқ ўзига хос ва мос давлат қуради. Шунга қарамай, халқаро тан олинган бир қанча муҳим тамойиллар борки, уларга амал қилиш лозим.

1. Давлат — бу зарурий объектив реаллик булиб, жамият мавжудлиги ва фаолиятининг, ҳаётни адолатли ва ҳуқуқий асосида ташкил этишнинг асосий шартидир.

2. Давлат — бу шунчаки зарурий бўлмай, жамиятнинг эҳтиёжи, унинг барча аъзолари учун муайян қадрият ҳамдир.

3. Демократик давлат айрим бир қатлам, гуруҳ ёки синфларга эмас, балки бутун жамият манфаатларига хизмат қилиши керак.

4. Демократик давлат мунтазам равишда ҳуқуқий фаолият усуллари ва механизмларини такомиллаштириб, фуқаролик жамиятига яқинлашиш йўлидан боради.

5. Демократик давлатнинг вазифаси инсон ва фуқаролар эркинликлари ва ҳуқуқларини кафолатлашдан иборат.

— Жаҳон тажрибасининг гувоҳлик беришича инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида давлат қурилишининг олий маданий шакли демократиядир. У қуйидаги асосий тамойилларга таянади:

- халқнинг эркин хоҳиш-иродаси;
- фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги;
- инсон ҳуқуқларининг устуворлиги;
- ҳокимият органларининг сайланиб қўйилиши;
- уларнинг сайловчиларга бўйсунishi;
- ҳокимият тармоқларининг тақсимланиши;
- тайинлаш йўли билан шаклланидиган давлат органларининг сайлаб қўйиладиган органлар олдида ҳисоб беришга бурчлилиги.

Бу тамойиллар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида аниқ ифодаланган ва қонуний мустаҳкамланган. Шунга мувофиқ, ҳеч бир қонун ёки бирор ҳуқуқий меъёрий ҳужжат конституцияга зид бўлиши, ҳеч бир давлат идораси ёки мансабдор шахс Асосий қонунга зид қарорлар қабул қилиши мумкин эмас.

Демак, демократик меъёр ва тамойилларни амалга оширишнинг асосий шарти ҳуқуқ ва қонунлар устуворлигидир. Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонуннинг устуворлиги сўзсиз тан олинади. (15-модда).

Хўш, энди ҳуқуқ нима эканлигини кўриб чиқайлик.

Ҳуқуқ тушунчаси ҳам кўп томонлама мураккаб хусусиятларга эга.

Фанда ҳуқуқнинг қуйидаги турлари фарқланади:

— умумий ҳуқуқ — умумлашган ҳуқуқий тасаввурлар тизими бўлиб, умуминсоний феъл-атворнинг қарор топишини билдиради ва ижтимоий муносабатларни тартибга солишда маданий мезон бўлиб хизмат қилади;

— табиий ҳуқуқ — инсон табиатининг ўзидан келиб чиқадиган меъёрлар ва тамойиллар мажмуи (яшаш ҳуқуқи, ном олиш ҳуқуқи);

— диний (ақидавий) ҳуқуқ — диний қоидалар мажмуини ва ижтимоий муносабатларнинг баъзи бошқа турларини, жумладан айрим мамлакатларда оила — никоҳ муносабатларини белгилайди;

— халқаро ҳуқуқ — давлатлараро муносабатларда қабул қилинган қоида ва меъёрлар мажмуи;

— инсон ҳуқуқлари — инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақидаги қонунлар мажмуидир.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий давлат тушунчаси демократик давлат тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ. У юқорида санаб ўтилган меъёрлар ва тамойилларнинг жуда кўпини ўз ичига олади.

1. Демократик, ҳуқуқий давлат куч билан, инқилоб билан эмас, балки тарихий эволюцион йўл билан ҳуқуқ қадрининг жамият томонидан англаниши, фуқаролар маданиятининг ўсиши орқали шаклланади.

2. Ҳуқуқий давлат у ёки бу қонунларнинг мавжудлигини англатмайди. Қонунлар, ҳуқуқ сифатида ҳар қандай давлатда мавжуд ва ҳар қандай давлат ҳокимияти улардан фойдаланади. Гап улардан қандай фойдаланишда, уларнинг қандайлиги ва қандай бажарилишида.

Ҳозирги замондаги юксак маданий тафаккур нуқтаи назаридан қараганда, ҳуқуқий давлат деб қонун чиқариш ва қонунни бажаришда умуминсоний ҳуқуқий меъёрларга таянадиган ва бунда албатта, халқнинг илмий-тарихий, маънавий ва маданий хусусиятларини, аъналарини сўзсиз, тула ҳисобга оладиган давлатни айтиш мумкин.

Ҳуқуқий давлатда қонунчилик ҳеч қандай мафкура таъсирига берилмаган ва унга буйсундирилмаган бўлади. Ҳеч қайси синфга ёки жамиятнинг бирон-бир қатламига хизмат қилмайди.

3. Ҳуқуқий давлат барча фуқаролар, мансабдор шахслар, ҳокимият барча институтлари, унинг бажарилиши муқаррарлигини таъминлайди.

4. Ҳуқуқий давлатда қонунларнинг бир тизимига солинганлиги, зиддиятсизлиги, амалда бажариш учун шароит бўлиши, кафолатли ва ҳар-бир киши учун тушунарли бўлиши таъминланади.

5. Ҳуқуқий давлат қонунларни қабул қилиш ва амалга оширишнинг муайян, одатда зуравонликка, мажбурийликка асосланмаган механизмларига эга бўлади. Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир (2-модда). Аммо 23 млн. кишидан иборат халқ вақти-вақти билан бир ерга тупланиб, масалаларни муҳокама қилиб ҳал эта олмайди. Бунинг учун жамият давлат ҳаётидаги энг муҳим масалалар халқ муҳокамасига қўйилади ва умумхалқ овози (референдум)га тақдим этилади. Республикада референдум ҳақида махсус қонун қабул қилинган. У референдум қандай ўтказилишини белгилаб беради. Ўзбекистонда ҳозирча икки марта (1991 йил, 29 декабрь ва 1995 йил 26 март) референдум ўтказилди. Шунингдек 1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон тарихида биринчи марта муқобиллик асосида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига умумхалқ сайлови ҳам ўтказилди. «...Республика Президентлиги лавозими — дейди И. А. Каримов, янги Ўзбекистон давлат ҳокимияти органлари тизимида марказий ўринни эгаллади. У сиёсий тизимнинг узаги бўлиб қолди».<sup>2</sup>

«Президент» лотинча сўз бўлиб, олдинда утирувчи маъносини беради ва у умумий, тенг, тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан умумхалқ сайлови асосида 5 йилдан 2 муддатгача сайланиши мумкинлиги қонунлаштирилган. Президент — халқ, давлат вакили. Шу лавозимга мутлақ кўпчилик овоз олиб Ислом Абдуғаниевич Каримов сайланди. Ўзбекистонда сайловлар ижтимоий ақволи, сиёсий эътиқоди, миллатига, динига кўра ҳеч қандай чекловларсиз, яширин овоз бериш йўли билан умумий асосда, тенг ва тўғридан-тўғри кўп партиявийлик асосида ўтказилади. Сайлов муддатигача 6 ой олдин рўйхатдан ўтган сиёсий партиялар ҳам ўз номзодларини кўрсатишлари мумкин. Сайлов натижаларига кўра ҳокимият уч турга бўлинади: Қонун чиқарувчи — Олий Мажлис, ижро этувчи — Президент, Вазирлар Маҳкамаси; суд ҳокимияти — Олий суд, Хўжалик суди...

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олий давлат вакиллари органи ҳисобланади. 1994 йил декабрда

<sup>2</sup> И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ханфеизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққий кафолатлари. Т., 1997. 157-бет

мамлакатимиз тарихида биринчи марта кўп партиявийлик, муқобиллик асосида Олий Мажлис депутатлигига сайлов бўлиб ўтди.

Бу шундан далолат берадики, сайлов арафасигача шакланган партиялар ҳокимият вакиллари маҳаллий органларга ўз номзодларини қўйдилар, сайлов олди дастурлари ва режаларини эълон қилдилар. Фуқаролар эса уларни қийёсладилар, таққосладилар ва онгли равишда сайладилар. Демократиянинг муҳим тамойилларидан бири ҳам ана шунда.

Ҳокимиятни тақсимлаш тамойили ҳам муҳимдир. Конституциянинг 11-моддасида шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тузуми ҳокимиятнинг қонунчилик, ижроия ва суддан иборат қисмларга ажралиш тамойилига асосланади». Демак, ҳеч бир орган тўлиқ ҳукмронликка даъвогарлик қила олмайди. Конституцияда қатъий белгиланганидек, қонун доирасида ва қонунларга қатъий риоя этган ҳолда фаолият кўрсатади.

Ҳокимиятнинг тармоқларга тақсимланиш тамойили қонунларда ва давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари тизимида мужассамланган.

Ижроия ҳокимияти, Президентлик Девони ва Вазирлар Маҳкамаси ишлаб турибди. Суд ҳокимияти — Конституциявий суд, Олий Ҳужалик суди ва бошқалар барпо этилди. Вилоят, шаҳар, туманларда ўтмишда синалган анъанавий бошқарув идоралари — ҳокимликлар қайта тикланди. Бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топшириш мақсадида ўз-ўзини бошқариш органлари — маҳаллаларда фуқаролар йиғинлари, маҳалла оқсоқоллари кенгаши ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Куролли Кучлар, Миллий Хавфсизлик хизмати ташкил этилди. Ички ишлар вазирлиги тузилди. Ишлаб чиқаришга даҳлдор бўлган вазирликлар ва давлат қўмиталари бозор шароитларига мослаштирилиб концернларга, бирлашмаларга, уюшмаларга, корпорацияларга, ҳиссадорлик ташкилотларига айлантирилди.

Бугунги кундаги муҳим вазифаларидан бир «Чинакам демократиянинг зарур ва қонуний таркиби сифатида — дейди И. А. Каримов — кўппартиявийликни амалда шакллантириш».<sup>3</sup> Бунинг учун Республикамизда тўртта

<sup>3</sup> И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., 1992, 18 бет.

сиёсий партия рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатмоқда. Улар: Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ватан тараққиёти партияси, Адолат социал-демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси. Халқ бирлиги ҳаракати. Улар барчаси Олий Мажлисда ва вакиллар ҳокимияти маҳаллий идораларида ўз вакилига эга.

Айтиб ўтилган партиялардан ташқари яна қасаба уюшмалари, ёшларнинг, аёлларнинг ташкилотлари, ўнлаб нуфузли жамоатчилик жамғармалари ҳам бўлиб, улар ҳам ижтимоий ҳаётга тааллуқли барча масалаларни ҳал этишда қатнашади.

Бундай тузилма, яъни ижтимоий ҳаёт масаласи давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан бир қаторда фуқаролар жамоаси бирлашмалари томонидан ҳал этиладиган тузилма, фуқаролик жамияти деб аталади. Бу демократия сиёсий тизимининг олий ривожланиш босқичидир. И. А. Каримов таъкидлаганидек «Давлат бошқарувининг янги замонавий ва самарали тизими шаклланимоқда».<sup>4</sup>

## Диний қадриятлар миллий тараққиёт хизматида

**М. Ҳ. КАРОМАТОВ** — Тошкент Давлат шарқшунослик институти талабаси. Илмий раҳбар **У. Ю. ИДИРОВ** сиёсий фанлар иомзоди

Исломиий маданият ва Ғарб маданияти орасидаги ўзаро муносабатлар турли даврларда турлича бўлиб, бир Шарққа, бир Ғарбга устуворлик берган. Маданий ривож индираги Шарқдан Ғарбга билъакс силжиган ва бир минтақанинг ютуқларини иккинчисига сингдирган. Яъни инсоният маънавияти ва маданияти барча халқлар учун бир хил — инсоний асосга эга. Ибн Сино ўзбек ёки тоjik деганидан кўра уни инсон, башар фарзанди сифатида кўриш айни муддао бўлади. Қадимги Юнон ва Рим ўз вақтида юксак маърифатли ва маданий Шарқдан куп нарсга ўзлаштирганлиги маълум. Шу билан бирга бу янги маданият ўчоқларида «пишган» мутафаккирларнинг асарларини ўрта асрларда мусулмонлар ўзлаштириб, таржима

<sup>4</sup> Ушга китоб, 3-бет.

қилган, кейин улардан яна Ғарб ушлаштирган. Кейин цивилизация мевалари Шарққа қайтмоқда. Колониал даврда ислом жамиятлари ғарб ютуқларини юқори билиб ушлаштирган булсада, аммо маънавий-маданий соҳаларда ўз меросини устувор деб билган ва фахрланган.

Мустақиллик даврида асил (маданий ўзига хослик) ва инфитоҳ (очиқ эшиклар) тарафдорлари орасида баҳс олиб борилади. Бу йўналишда икки ҳаддан зиёд кўринишдан эҳтиёт бўлиш керак. Бири — мутаассибликка келтирувчи исломий қадриятларга берилиш. Иккинчиси — Ғарб моделларини кўр-кўрона қабул қилиш. Ҳар бир миллат ва давлатнинг ўз анъаналари ва тараққиёт йули борлигини унутмаслик керак. И. Каримов айтганларидек, «Биз ислом фундаментализмига ҳам оғмаймиз, коммунизмга ҳам қайтмаймиз».

Ҳозирги замон тажрибаси кўрсатишича, ислом давлатларида мустақилликка эришилгач, айрим назариётчилар фикрича, ўз миллий маданий-маънавий хослигини сақлаб қолган равишда, Ғарб маданиятини қабул қилмай, фақат технологик ютуқларини ушлаштириш орқали ривожланиш мумкин. Булар қаторига дин арбоблари ҳам киради. Улар ҳозирги замонни ўтмиш маънавиятига киритиб, идеал давлат барпо этишни хаёл қилади. Зиёлилар ва раҳбарларнинг ўзга қисми фикрича, мустақилликка эришган давлатлар фақат Ғарб моделларини ушлаштириб ривожланиши мумкин. Тараққийпарвар зиёлилар эса икки йўналишни синтез қилиш тарафдоридир. Уларнинг фикрича, барча маданий ва илмий ютуқларни ушлаштириб, ўз ҳаётимизга татбиқ этиш тўғри йўлдир. Дарҳақиқат, жаҳон цивилизацияси ва маданияти барча миллат ва элатлар маданиятларининг йиғиндиси бўлиб, бири-бирига таъсир этиши табиий ҳол.

Миллий маданият ва маърифат асосида миллий ўзлигини англаш омили кўрилади. Ғарб моделларига эҳтиёткорона ёндашув, ўз миллий қобиғида қолиб кетишга олиб келмаслиги лозим. Маданият ва маърифат бутунлиги — ўзга соҳаларда ҳам яқдиликни таъминловчи омил. Маънавияти бут одам, икир-чикирларда майдалашмайди. Маънавият — ҳаёт мағзини, асосий мақсади ва вазифаларини кўра билиш ва уларни ҳаётда татбиқ эта билишдир. Маънавият инсон қалбида шаклланиши даркор. Баҳоуддин Нақшбанд айтган экан, «Мен улсам, менинг қабримни инсонлар қалбидан қидиринг».

Анъаначилар миллий қадриятларни маданий мерос билан уйғунлаштириб, модернистлар ўз миллий маънави-

ятини йўқ қилиб, Ғарб маданиятини қабул қилишга даъват этишлари мумкин. Бу икки йўналишни синтез этиш орқали асл тараққиётга эришиш мумкин. Мана биз, охириги пайтда, ўтмиш-ўтмиш деб ғурурланамиз. Аммо, шу билан бирга ўлкамиз нега инқирозга учрагани, не сабабдан маънавият-маданият бобида Бобурлардан сўнг сукут ўрнашганини ўрганмаймиз. Улуғворлик омиллари билан бирга тургунлик сабабларини аниқлаш келажак сари одимлашимизга ёрдам бера олади. Ўтмишнинг ҳам ижобий, ҳам салбий томонларидан сабоқ олишимиз лозим. Бу — ҳаёт ҳақиқати, бу — тараққиёт омили.

Куйидагича қараш ҳам мавжуд. Цивилизация меваларидан барча миллатлар фойдаланиши мумкин, у байналмилал характерга эга. Маданият эса миллий ҳодиса бўлиб, ҳар бир мамлакатнинг ўз маданияти борлиги бунга далил. Шу орқали жаҳон фан-техника ютуқларидан фойдаланиб, ўз маданияти қобиғида қолиб кетиш мумкин. Нимаки ривожланган бўлса, ўша нарсани ўзлаштириш ва ҳазм қилиб, ҳаётга татбиқ этиш керак каби.

Рабрук Ички Осиёда мусулмонларни кашф этиб, ҳайрон бўлган эди: «Бу ерга шайтон исломни келтирганига ҳайронман». Аммо ўзга ғарб тадқиқотчиси шу ерлик ривоятларни ўрганиб, ўзга фикрга келади: ерлик аҳоли наздида булар «шайтон» эмас авлиёлардир. Дарҳақиқат, ерлик аҳоли наздида ислом қадриятлари уларнинг миллий меросига айланган. Аввалига исломни зар ва зўр кучи билан маҳаллий халққа сингдиришга уринаётган араб босқинчилари «шайтон» бўлиб кўрингани аниқ, бироқ кейинчалик уларнинг авлиё мақомига кўтарилиши диққатга сазовор ва ўрганишни талаб этади.

«Ла икроҳа фид-дин» — Динда зўрлаш йўқ. Куръон каломи...

Сиёсатни фақат моддий ёки технологик асосларда қуриб бўлмайди. У инсоний қиёфага эга бўлиши керак. Акс ҳолда инсон ўзини тараққиёт ва ҳаёт оқимидан четда қолган, деб ҳис эта бошлайди ва жамиятдан узоқлашади. Туғ жамиятларда дин — маънавий юксалиш ва покланиш омили бўлса, иқтисодий таранглик жамиятларида дин — қийинчиликларни ҳал этиш омили сифатида тақдим этилишига мойилдир.

Иқтисодий аҳвол ёмонлашган жойда динга талаб ортади. Турли мақомдаги дин арбоблари ҳукмронликка интилишда айнан иқтисодий қийинчиликларни ўзига шиор қилиб олади ва халқни шу асосда ўз ортидан ўргаштиришга интилади. Шу асосда сектантлик ва мис-

сионерлик ҳаракатлари гуллайди. Фарбда ҳозирги пайтда иқтисодий аҳвол яхши бўлгани учун халқ динда ўзи учун руҳий — маданий озуқа, камолот воситасини қидиради. Иқтисодий жиҳатдан қолақ давлатларда эса мавжуд тузумни узгартиришга чақириқлар янграши мумкин. Бизнинг вазифамиз — бу ҳаракатни маънавий камолот ва маданий ривож сари йўналтира олишдан иборат.

Диний эътиқод эркинлиги билан бир қаторда мамлакатимиз Президенти ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...» асарида алоҳида таъкидлаб кўрсатганларидек, «диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш» (44-б) зарур. Бу тамойил Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 18 моддасига мувофиқ келади. Бу моддада ҳар бир инсоннинг ҳур фикрлаш, виждон ва дин эркинлигига бўлган ҳуқуқини мустаҳкамлаб қўйишдан ташқари, яна шундай дейилган: «Дин ёки эътиқодга сиғиниш эркига фақат қонун билан белгиланган ва жамоат хавфсизлигини, тартибини, саломатлиги ва ахлоқни сақлаш учун, шунингдек, бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркини муҳофаза этиш учун зарур бўлган чеклашлар билангина дахл қилиш мумкин» (44-б).

Сиёсат бобида Фарб давлатлари бизни ортда қолди, дейишади. Бироқ дунё бир хил моделлар асосида ривожлана олмайди. Унга хилма-хиллик хос. Фарб парламент технологиялари, демократик қурилмаларини кўр-кўрона ислом муҳитига кўчириш мавжуд. Қолаверса исломда демократия тамойиллари 1500 йилдан бери қўлланмоқда. Ахир исломда барча бир-бирига тенг ака-укадир. Умуман олганда, ҳозир дунё янги оқим-жамоатчилик ҳаракатлари бўсағасига кирган. Жамоатчилик фикрини эшитиш учун эса жамоатчилик ҳаракатлари ва марказлари — жамгармалари тузиш адолатдан. Партия — бюрократик давлат қурилмаси, жамоатчилик ҳаракатлари эса — халқ қурилмаси.

Фарб давлатлари ўз тарихий тажрибаси асосида эмансипация ва секуляризацияга келган. Ислон давлатлари ҳозир ислоҳот қилишга ҳаракат қилаётган модернистлар фаолияти орқали бу тажрибага дахлдор бўлишга интилмоқда. Ўзбекистон эса совет ҳукмронлиги туфайли бу курашни зўрма-зўраки равишда бир неча ўн йиллар мобайнида бошидан кечирди. Биз ислом давлатлари ва Фарб давлатларининг уртасида десак бўлади, бу маънода. Ва биз икки қутбни бир-бирига таққослаб, уларни ўрга-

ниб, улардан энг яхши томонларини олсак, ўзлаштирсак бўлади. Шу билан бирга биз, ўзбеклар менталитети—шуурлари, анъаналари, шаклланган урф-одатларини — инобатга олишимиз лозим. Бизда ўзига хос муътадиллик шаклланди. Диндорлар дунёвий давлат тамойилларини инкор этмайди, динсизлар эса динни инкор этмайди. Бунинг илдизлари Ҳанафий мазҳаби бизда урнашганидан ҳам аён.

Гуманизмнинг дин билан ўхшашлиги бор. У инсоннинг такрорланмас маънавий-руҳий дунёси, ўзини англашини антиқа мақом сифатида тан олиб, севгини илоҳий омилга айлантиради. Барча динлар каби ислом ҳам худони севги рамзида тасвирлайди. Инсонга севги, борлиққа севги, инсонлар орасида севгига даъват этади. Тасаввуфда муҳаббат атама даражасига кўтарилгани ҳам бежиз эмас. Совет даврида биз маҳбуб ва ҳуб сўзларини айнан талқин этиб, тағмаёнони тушуна олмадик. Аслида бу инсонларга ҳаводек зарур ва оила қадриятлари ҳам айнан шунга қаратилган.

Ҳозирги даврда шахснинг динга нисбатан ўрни ўзгарди. Авваллари ва анъанавий жамиятларда дин шахсдан юқори туриб, унга ташқаридан берилса, эндиликда эса линий эътиқод инсоннинг ўзидан кўтарилмоқда. Мажбур қилинмагандан кейин, ихтиёрий бўлиши табиий. Бу борада инсон тарбияси ва орттирган тажрибаси муҳим аҳамият касб этади. Инсон эркини ўз қўлига берган ҳозирги дунёвий жамият инсон маънавиятининг камол топиши ва тўла рўёбга оширилишига ёрдам беради.

## Удумларни яшартган Айём

**Азизбек МУСАЕВ — Фарғона политехника институти талабаси**

Мана 7 йилдирки, ўлкамизда ўзгача баҳор, ўзгача сурур ҳукм сурмоқда. Бу ўзгача руҳ, аввало, она тупроқда, Ватан салоҳиятида кўринади.

Юртимизда эсаётган тонг насими гўё истиқлолни куйлаётгандай, булбуллар хониши эса ана шу куйга монанд жўр бўлаётгандай сезилади. Ердан кўтарилаётган тупроқ гардларидан тортиб, осмонда парвоз этаётган қушларнинг қанот қоқишигача истиқлол руҳига

ҳамоҳанглик булаётгандай. Мустақилликнинг етти наврузи — истиқлолимизнинг ойдин йулини белгилаб бераётгандай «Етти» рақамининг қадимдан ажойиб «сири» бор. Урта Осиё халқлари қишни еттига булишган: катта чилла, кичик чилла, қақрайла, сариқсумалак, ҳут-ют, аҳмон-даҳмон, айёми азиз (аямажуз). Қадим замонлардан одамлар еттини ҳайрли рақам деб билишган. Навруз байрамида деҳқонлар ерга етти дона буғдой экиб, уларнинг униб чиқишига қараб, кузда олинадиган ҳосил чўғини чамалашган: агар донлар бир текис, беҳато униб чиқса, бу баракали куздан нишона, яккам-дуккам кукарган майса эса камҳосил куз белгиси деб ҳисобланган. Халқимизда навруз кунлари ёмғирдан сўнг пайдо буладиган камалакка қараб сув сепиш одати айрим жойларда ҳанузгача сақланиб қолган. Шундай қилинса, гўё етти хил рангли камалак омад келтирармиш. Манбаларда кўрсатилишича, Шарқий Туркистон ой тақвими бўйича 7 ойнинг биринчи — еттинчи кунларида маҳсус рақс ижро этилган, одамлар бир-бирларига ва йулларга сув сепишган. Бу билан одамлар сув, қулай об-ҳаво тилашган бўлса керак.

Халқимиз удумига биноан етти пуштини билиш — савоб.

Етти бобони билган эр,  
Етти юртнинг ғамини ер,

дейди донолар. Ҳатто авлод ҳам еттита: фарзанд, невара, чевара, эвара, кавара, овора, бегона.

Қадимги римликларнинг етти донишманди бўлгани каби, мумтоз адабиётимизда анъанавия етти гузал тимсоли мавжуд. XVII асрда утган Хива хони Абулғози Бадирхоннинг «Шажараи тарокима» асарида ҳам угиз элини сўраган етти малика ҳақида маълумотлар бор.

Аслини олганда, бу йилги Наврузимизнинг доврўғи ҳам етти иқлимга ёйилди. Байрам дастури Навруз анъаналари қадимги йил ҳисоби — мучал ҳақидаги ҳикоя билан очилади. Шу ҳисобга кўра, 1998 йил — йулбарс йили. Доно кексаларимиз ун икки йилда бир келадиган бу йилни куч-қудратга тўлиш, вазминлик, осойишталик, фаровонлик йили булади, дейдилар.

Ҳар бир миллат, элат ва халқнинг ўз тараққиёт тарихи жараёнида шаклланган кўпгина байрамлари мавжуд. Урта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқининг ҳам асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бай-

рамлари мавжуд. Булар табиат фасллари ва ҳодисалари билан боғлиқ бўлган байрамлар (Наврўз, Меҳржон, Гул ва Куш байрамлари), меҳнат байрамлари (Ҳосил байрами, Ер-сув байрами, Қовун сайли, Узум сайли, Лола сайли каби), маданият байрамлари (Санъат байрамлари, маърифий байрамлар), оилавий байрамлар (Суннат тўйи, Никоҳ тўйи, Бешик тўйи ва б.), диний байрамлар (Руза ҳайити, Қурбон ҳайити) ва бошқалар.

Миллий байрамлар ҳар бир халқнинг ғурури ва ифтихоридир. Улар кишиларни эзгуликка чорлайди. Ҳар бир байрамнинг халқимиз ҳаётида ўз ўрни бор. Наврўз ана шундай миллий байрамларимизнинг биридир. Бу байрам энг қадимий байрамдир. Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнома» асари Наврўз байрамининг келиб чиқишидан, шунга боғлиқ аждодларимизнинг урф-одатларидан ҳикоя қилади.

Наврўз (янги кун) — баҳорги кеча ва кундуз тенглигига тўғри келадиган миллий янги йил байрами. Баҳорги тенглик аста-секин сурилиб туради: ҳозирги пайтда 20—22 мартга тўғри келади. Умар Ҳайём замонасида 14—15 мартга тўғри келган.

Ажам подшоҳлари Офтобни улуғлаш учун, шунингдек, ҳар ким бу кунни топа олмасликларини ҳисобга олиб, уни белгилаб қўйдилар, байрам жорий қилдилар. Кимки Наврўз кунини байрам қилиб қувонса, кейинги Наврўзгача хуррам бўлади ва фароғатда яшайди.

Айни шу кунларда қадимий байрамимиз — Наврўзни нишонлаш арафасида турибмиз. Бу галдаги келаётган Наврўз юртимизга баҳорий гўзалликни, халқимизга эса тинч, осуда ва ширин турмушни инъом этаётгандай.

Ҳа, дарвоқе, Наврўз ваъда этаётган бундай маъсуд дамларни Республикамиз Олий Мажлиси қабул қилган қатор қонунлар ҳам тасдиқлаётгандай. «Таълим тугри-сида»ги қонун, Оила кодексининг қабул қилиниши, деҳқон ҳужаликларини ривожлантириш ҳақидаги қонунлар фикримизнинг яққол исботидир.

Мана, ҳадемай, кун кетидан кунлар ўтиб, Наврўзнинг оппоқ тонги отиб, унинг саҳоватли куёши ўзининг заррин нурларини она замин узра сочади. Борлиқ нурга, гулга бурканади. Олам гулларнинг уфорли ҳидига тўлади. Булбуллар хониши, қушларнинг нағмаси борлиқни қоплайди. Гўё табиат куйлаётгандек яшаради. Қорли тоғлар бошидаги оппоқ қорлар эриб, сулув келинчаклар мисол ҳаёт оқимига қуйилади. Табиат ўз қонуниятларига асосан бу сувларни дарёлар, сойлар, ариқлар ўзанига узатади.

Мана, шоир Каримжон Турсуновнинг баҳор мадҳига бағишлаган сатрлари:

Тушларимга кирар ўрик гуллари,  
Гул ҳидин таратган тонгнинг еллари.  
Бунча узун бўлди қушнинг йўллари,  
Қаерларда қолдинг, севгилим баҳор!

Ҳа, «қишнинг узун йўллари» халқимиз учун 130 йилдан мўлроқ кечди. Биз қутган баҳор истиқлол туфайли элимизга қайта кириб келди. Бу баҳор — Наврўз — етти йилдирки, биз билан ҳамнафас. Наврўз ўзини соғинган халққа рўшно кунларни, зиёдалиқ давлатни ваъда этаётгандай туюлади.

Азиз ҳамюртлар, келаётган Наврўзингиз муборак бўлсин!

Фикрларимни қуйидаги шеърий сатрлар билан тугалламоқчиман:

Деҳқон бобо, баҳорингиз муборак,  
Юртим, кезган наҳорингиз муборак  
Алёр айтган шўхчан, азиз қизларжон,  
Бу кун келган айёмингиз муборак.

## **Бозор муносабатларига ўтишнинг Ўзбекистон модели**

**Фарруҳ СУЛАЙМОНОВ — Тошкент молия институти талабаси. Илмий раҳбар — Д.А. ОБИДОВА доцент**

Бозор иқтисодиётининг афзаллиги, энг аввало шундаки, унга шахсни иқтисодий рағбатлантириш, инсоннинг ўз меҳнати сифатли ва унумли бўлишидан манфаатдорлигини рағбатлантиришидир. «Одамлар, — деб ёзган эди диалектика назариясининг асосчиси Фридрих Гегель «Ҳуқуқ фалсафаси»да, — ўзларини қизиқтирган ёки ўзлариники сифатида қизиққан нарсалар йўлида ҳаракат қилишни хоҳлайдилар». Айни бозор иқтиодиётининг инсоний табиати, Гегель тилга олган қизиқишлар ва эҳтиёжларни қўзлаши бу тизимни маъмурий-буйруқбозлик тизимидан мутлақо фарқлаб туради.

Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, айрим мамлакатларда иқтисодий ривожланиш ва аҳолининг турмуш

даражаларидаги тафовутларга қарамай, жаҳон ҳамжамияти ривожланишининг ҳозирги босқичига бозор иқтисодиёти жуда мос келади ва самарали ҳаракат қилади.

Фақат уюшган бозоргина бугунги кунда халқнинг ижодий ва меҳнат имкониятларини очиб беради, боқимонликка хотима беради, ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантира олади, рағбатлантиришни ва йўқотилган ҳўжайинлик туйғусини қайта тиклайди.

Фақат бозоргина ишлаб чиқарувчининг ҳўкмини синдириш, ишлаб чиқаришни истеъмолчиларнинг манфаатларига бўйсундириш, маҳсулотга бўлган талабни аниқ ҳисобга олиш, конъюнктура ўзгаришларига қараб тезликда иш тутиш имконини беради.

Фақат бозоргина тежамли ҳўжалик юритишнинг кучли, оқилона жиҳатларини яратади, харажатларни камайтиради, талон-тарож ва лапашангликка қарши курашади.

Фақат бозоргина янгиликларга сезгир бўлади, фан ва техниканинг энг сўнги ютуқларини дадил ва ғайрат билан жорий этади, ўз ишининг устасига, касб маҳоратига муносиб баҳо беради.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларига тик кўз билан, реал қараш керак.

Мустақил Ўзбекистон иқтисодий янгиликларга муҳтож, бунинг учун эса бозор муносабатларини яратиш керак бўлади. «Жаҳон цивилизацияси ижтимоий тараққиётнинг сифат жиҳатидан янги йўлларини ишлаб чиқди, тартибга солинган бозор иқтисодиёти мана шу йўлга асос қилиб олинган» (И. А. Каримов). Аммо бу йўлнинг ҳамма ерда ўзига хос хусусиятлари бор. Ўзбекистон концепцияси мана шундан келиб чиқади ва бозор иқтисодиётига ўтишда ўз йўли борлигига асосланади. Бу йўл бозор иқтисодиётининг Ўзбекистоннинг ўзига хос шароитларини ҳисобга олган ҳолда изчиллик билан шакллантириб боришни, унга секин-аста, босқичма-босқич, халқни ҳимоя қила бориб, ижтимоий барқарорликни таъминлаш орқали ўтишни билдиради.

Бозор иқтисодиётига эволюция йўли билан ўтиш ҳақидаги ғоя жуда муҳим аҳамиятга эга. Унинг моҳияти шундан иборатки, бозор муносабатларини турмушга татбиқ этишнинг «жадаллаштирилган» усулини тақозо этувчи «жазавали даволаш» ғояси бизнинг республика учун номақбулдир.

Бозор иқтисодиётига «бир онда», қисқа муддатда (100—500 кунда) кириш фикри нореалгина эмас, балки

ўз моҳиятига кўра ғайриижтимоий ва асоссиздир. Бозорга ўтиш фақат биргина ҳужалик соҳасини ўзгартириш билан чекланмайди. У ижтимоий ҳаётнинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқ барча соҳаларини, шу жумладан сиёсий, маънавий-ахлоқий, маиший ва бошқа соҳаларини ҳам тубдан ўзгартиришни англатади.

Ўзбекистон ислоҳотлар модели белгиланган вақтда бозор муносабатларини эволюция йўли билан ривожлантириш назариясига асосланди, жамиятнинг бозорга босқичма-босқич кириб бориши афзал кўрилди.

Масалага бундай ёндашишнинг инсонпарварлик хусусияти ўтиш даврининг қийинчиликларини юмшатишга, унинг табиатига хос салбий жиҳатларни мумкин қадар кўпроқ камайтиришга интилишда намоён бўлади. «Зарур шарт-шароитни яратмай туриб, одамларни жиддий ўзгаришларга руҳан тайёрламай туриб, — деб ёзади Ислом Абдуганиевич Каримов «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, макура» деган китобида, — бозор муносабатларининг белгиларини ўта жадаллик билан, сунъий равишда амалга ошириш қутилган натижаларни бермаслиги у ёқда турсин, ҳатто бозор иқтисодиётини қуриш гоёсига путур етказида».

Яна шу нарса ҳам ғоят муҳимдирки, бозор тараққиётининг босқичли жараёни давлатнинг туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларини аҳиллик вазиятида, жамиятнинг қўллаб-қувватлашига таяниб амалга ошириш имконини беради. Жамиятнинг иқтисодий ўзгаришларига манфаатдорлик билан интилиш — ислоҳотни самарали амалга ошириш гаровидир.

«Бизнинг қатъий нуқтаи назаримиз — деб ёзади И.А. Каримов, — жаҳон тажрибаси ва ўз амалиётимиздан олинган жамики фойдали тажрибаларни рад этмаган ҳолда, ўзимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлимизни танлаб олишдан иборатдир». Ўзбекистон модели, И. А. Каримов бозор ислоҳоти юзасидан олға сурган беш қоидага ёки беш тамойилга асосланади:

1. Иқтисод сиёсатга нисбатан устувор бўлиши зарурлиги.
2. Давлат бош ислоҳотчи бўлмоғи керак.
3. Қонунлар ва уларга риоя қилиш устуворлиги.
4. Кучли ижтимоий сиёсат юритиш.
5. Бозор иқтисодиётига секин-аста, босқичма-босқич ўтиб борилиши шарт.

Иқтисодиётнинг устуворлиги. Бу қоида иқтисодий фаолият ижтимоий ҳаётнинг бирламчи асоси эканлиги-

дан келиб чиқади. Иқтисодиёт қандай бўлса, ижтимоий ҳаётнинг бошқа томонлари ҳам шунга қараб бўлишини тарих тасдиқлаган.

Мустақиллик, энг аввал, миллий иқтисодиётни барпо этишни, уни ривожлантиришни, иқтисодий нуфузга эга бўлишни билдиради. Сиёсий мустақиллик иқтисодий жиҳатдан таъминланмас экан, тўлақонли мустақиллик, ҳуррият бўлиши мумкин эмас. Ҳақиқий мустақиллик муттасил ривожланиб борувчи ва моддий тўкинчиликни таъминлашга қодир бўлган иқтисодиётни талаб қилади. Аввал иқтисод, сўнгра сиёсат деган гап бежиз эмас, албатта. Ўзбекистон келажаги буюк давлат деймиз. Буюк келажакнинг мустақкам пойдеворини яратиш учун олдин иқтисодиётни барқарорлаштириш, сўнгра уни муттасил ўстириб, юқори даражага чиқариш керак бўлади.

Давлат бош ислоҳотчи. Бу бозор иқтисодиётига ўтиш кенг жамоатчилик иштирокида давлат ишлаб чиққан дастурлар асосида, унинг бевосита иштироки ва раҳбарлигида амалга оширилишини билдиради. Бозор ислоҳотлари умумиқтисодий, умуммиллий ўзгаришлар бўлгандан, уларни айрим жамоатлар, сиёсий партиялар ёки жамоат ташкилотлари амалга ошира олмайди, чунки уларнинг тор корпоратив, партиявий ва гуруҳий манфаатлари умуммиллий манфаатлардан устун туради.

Қонунлар ва уларга риоя этишнинг устувор бўлиши. Бу принцип қонунлар олдида барчанинг бараварлиги, қонунларга риоя этиш ҳам фарз, ҳам қарз бўлишини билдиради. Бозор иқтисодиёти қонунчиликка таянган ҳолдагина цивилизациялашган ва келажаги бор иқтисодиётга айланиши мумкин.

Кучли ижтимоий сиёсат юргизиш. Ўзбекистон концепциясида аҳолининг кенг қатламларини, энг аввал унинг ночор гуруҳларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш, зарур деб қаралади. Ижтимоий сиёсат пасив эмас, фаол бўлиши керак, яъни у иқтисодий аҳволдан келиб чиқиши билан биргаликда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш орқали унга кучли таъсир ўтказиши лозим. Бундай сиёсат ҳозирги реал назият ва келажакдаги ўзгаришларни ҳисобга олади. Ижтимоий сиёсат ҳар бир жамиятнинг ўзига хос ижтимоий ҳимоя механизми бўлишига асосланган ҳолда ҳозирги давр социал муносабатлар соҳасида ҳам ўтиш даври эканлигини ҳисобга олади.

Ҳимоялаш дастурлари аҳолининг руҳияти ва кўникмаларини эътиборга олиши зарур. Ўтиш даврида

миллий бойликнинг бир қисми давлат қўлида бўлиши, давлатнинг бутун халқ манфаатини ифодаловчи куч ҳисобланиши ундан ўз қўлидаги маблағлар ҳисобидан аҳолини ижтимоий ҳимоялашни талаб қилади.

Ўзбекистон концепциясига биноан ижтимоий сиёсат, таъсирчан, шароитга тез мослашадиган, устувор чоратадбирларни аниқ белгилаши лозим, у жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳлар, миллат ва эллатлар ўртасидаги тотувликни таъминлаши зарурки, бу ижтимоий ўсиш учун қулай шароит ҳозирлайди.

Бозор иқтисодиётига босқима-босқич ўтиш. Бозор иқтисодиётига ўтиш мавжуд тоталитар иқтисодиётни таъмирлаш, у ёки бу томонини давр талабига мослаштириш эмас, албатта. Бозор иқтисодиётига бирдан ўтиб бўлмаслик, бу ишнинг кўп босқичли бўлишини тақозо этади. Бу борада шартли равишда 2 турли босқич бўлишини айтиш мумкин.

Биринчи босқичнинг белгилари — бу иқтисоднинг барқарорлаштирилиши, қисман либераллаштирилиши, унда икки (бозор ва нобозор) секторнинг амал қилишидир.

Иккинчи босқич белгилари — иқтисодиёт кенг миқёсда либераллаштирилади (эркин қўйиб юборилади), ҳамма нархлар эркин қўйиб юборилади, улар устидан давлат назорати минимал даражага келади, оммавий хусусийлаштириш туфайли, иқтисодиётдаги режали давлат сектори жадал қисқаргани ҳолда эркин бозор сектори шиддат билан ўсиб боради. Бу босқичда кичик хусусийлаштиришдан катта хусусийлаштиришга ўтилади.

Ўз кучига таяниш имкони Ўзбекистоннинг салоҳиятидан келиб чиқади. Шунини айтиш кифояки, Ўзбекистон мусулмон давлатлари орасида ҳар томонлама бой, салоҳиятли дейиш мумкин. «Ўзбекистон келажаги буюк давлат деб таъкидламоқ учун барча асослар бор. Республикада ҳамма нарсалар: табиий бойликлар, унумдор ер, қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий, инсоний ва маънавий салоҳият мавжуд. Энг муҳими — бу диёрда меҳнатсевар ва истеъдодли халқ яшайди».<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> И. А. Каримов «Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишлари» Тошкент, 1993. 34 бет.

## Наврӯз тантаналарининг муштарак ва ўзига хос хусусиятлари

Г. КАРИМОВА — Тошкент политехникуми талабаси  
Илмий раҳбар — О. ТОЖИБОЕВА

Байрамлар энг қадимий даврлардан бошлаб инсон ҳаётининг муҳим таркибий қисмига айланган тантаналардир.

Улар халқ турмушининг ўзига хос ва гўзал томонларини акс эттирувчи кўзгудир. Шундай сержило ва ранг-баранг байрамлардан бири Наврӯз, баҳор байрами — табиат уйғониши, янги мавсумнинг бошланишини, шоду-ҳуррамлик билан кутиб олиш, тантанали нишонлаш маросимидир. У табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштирувчи, табиат гўзалликлари ва бойликларини сақлаш, кўпайтириш, атроф-муҳитни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, инсонни ва унинг меҳнатини улуғлаш каби олижаноб ишларни амалга ошириш омилидир.

Наврӯз байрами Республикамизнинг турли минтақаларида маҳаллий шароит ва мавжуд имкониятларга қараб ранг-баранг ва турлича уюштирилади.

Фарғонада Наврӯзни нишонлаш учун байрам арафасида ҳамма бирданига ишга киришади, дейиш мумкин. Ҳовлилар, уйлар, кўчалар тозаланади, безатилади. Ёшу қари чиройли, озода кийинишади. Кўтаринки руҳ, яхши кайфият барчага ўзга чирой, маънавий гўзаллик бахш этади. Кечки пайт кишилар, бир-бирлариникига меҳмонга боришади; кексалар зиёрат қилинади, ота-оналар, устозлар ва табаррук кишилардан хабар олинади, ўзаро аразлашган гина-кудурат қилганлар ярашадилар. Бир-бировнинг кўнглини кўтарадиган, кайфиятини ростлайдиган, хушчақчақ қиладиган, шодлантирадиган гап-сўзлар айтилади, ҳазил-мутойибалар қилинади. Наврӯз сайиллари бошланиб, унга бағишланган махсус дастур — оммавий томоша ёки театрлаштирилган концерт намоиш қилинади. Базм уюштирилади. Столлар баҳор таомлари — ялпиз, кўк пиёз, кўкатли сомсалар, патирлар, мева шарбатлари билан лиқ тўлдирилади. Наврӯз байрамнинг лаззатли севимли анъанавий таоми бўлган сумалак дастурхонларга тортилади. Хушхўр таомлар истеъмол қилиниб суҳбат тобора қизиқ, шодиёна шундай давом этади.

Самарқанд шаҳрида Наврӯз «Регистон» майдонида ўтказилиб, у асосан, тантанали байрам маросими ва театрлаштирилган катта томошадан ташкил топади. Шуниси диққатга сазоворки, томоша шарқ мумтоз шоирлари — Навоий ва Жомий образидаги санъаткорларнинг Самарқанд Наврӯзига ташриф буюриши, уларнинг Наврӯз байрами, баҳор, меҳнат ҳақидаги ва халқлар дўстлигига оид шеърлари, ҳикматли сузлари билан бошланади. Байрам томошалари халқ сайлига айланиб кетади.

Шаҳрисабздаги Наврӯз байрамида Ўрта Осиёнинг буюк алломалари — Фирдавсий, Беруний, Умар Ҳайём, Навоий, Завқий, Муқимий образларидан фойдаланилади.

Уларнинг Наврӯз ҳақидаги диққатни жалб қилувчи фикрларидан, мисраларидан лирик дастурда ўринли фойдаланилади. Бунинг натижасида Наврӯз тантанаси ҳам ўтмиш анъаналари, ҳам бугунги даврнинг янги тадбирлари билан қўшилиб юксак гоёвий-бадий мазмун касб этади.

Форишдаги Наврӯз ҳам табиат қўйнида ўтказилади. Туман маркази — «Янги қишлоқ» аҳолиси Наврӯз куни эрталабдан тоғ ён бағрига — байрам ўтказиладиган жойга йўл олишади. Фориш тумани тоғ ён бағрларидаги қишлоқларда нишонланадиган Наврӯз азалдан халқ миллий таомлари тайёрлаш санъати борасида ўзига хос кўриққа ҳам айланиб кетади. Наврӯз дастурхонида «шоҳона» таом — сумалақдан ташқари кўк ўтдан қовуриб тайёрланган чучвара, кўк ўтли сомса, юпқа, қуймоқ, қатлама, ширвозларни кўриб, уларнинг бетакрор мазаларидан татиб кўриш мумкин.

Табиат қўйнида ўтказиладиган Ургут Наврӯзи ўзида анъанавий ва замонавий тантаналар, маросимлар, томошалар, мусобақалар билан машҳурдир. Ургут шаҳрида байрам эрта тонгданоқ бошланади. Миллий чолғу-асбоблари карнай ва сурнайларнинг овози атроф-теваракни тутиб кетади. «Наврӯз байрамингиз қутлуғ бўлсин!» шиори билан безатилган машина шаҳар кучалари бўйлаб боради. Одамлар бир-бирларини байрам билан табриклайдилар. Ҳали қуёш кўкка бўй чўзиб улгурмасданоқ, минглаб кишилар Аллаёрлар тоғи томон йўл оладилар. Ургутликлар бу ерни «тўпхона» дейдилар. Чунки халқ бу ерда тўпланади. Бу ерга, одатда, шаҳарликлар теварак-атрофдаги қишлоқ аҳолиси, қўшни туман ва вилоятлардан 50 мингга яқин киши тўпланади. Мана, келин салом маросими бошланади. Байрамга хос кийинган келинчалар Наврӯз куни келган меҳмонлар ҳурматини қилиб, ибo

ва ифбат билан уларга таъзим қиладилар. Сунгра ўзлари туғилиб вояга етган заминга қуллуқ қиладилар. Кейинги таъзим тоғлар ва оби ҳаёт ҳада этаётган дарёларга аталади. Ундан кейинги таъзим келинчакни қутлагани келган ёру биродарлар шаънига аталади. Ургут Наврўзида маҳаллий амалий санъат усталари, кулолчилик, каштачилик, зардўзлик, темирчилик, сандиқсозлик кабилар буйича ҳунарманд усталар ўз маҳоратларини кўрсатадилар. Ургут Наврўзи ҳар доимгидек қушиқ ва рақслар, уйин-кулгилар билан ўтади.

Хоразмда ҳам Наврўз байрами ўзига хос нишонланади. Наврўз арафасидаёқ уни тантанали, хушчақчақ нишонлаш учун тайёргарлик қурилади. Ёш-яланг, йигит-қизлар оқ тол шохларига арқон ташлаб беланчак («ханг-кирчак») безайдилар. Толларнинг энди ниш ураётган навдаларидан қизлар бошларига ранг-баранг гулчамбарлар киядилар, билакларига шундай «Билакузук»лар тақадилар. Наврўз куни улар беланчақларда учиб қушиқ куйлайдилар, рақс тушадилар. Муйсафидлар, кайвони онахонлар қариндош-уруғ бир жойга меҳмонга тўпланиб, невара, чевара, эваралар билан хушчақчақ соз-суҳбат қурадилар... Дастурхонлар тансиқ Наврўз таомлари — сумалак, кўк сомса, гумма, чалпак, қатлама, гуштли патири ва бошқа турли-туман пишириқлар, овқатлар билан тўлади. Майдонларда шўх уйинлар, ашула-рақс, мусобақа авжига чиқади. Барчани байрам кайфияти, янги мавсум руҳи қамраб олади. Табиатдаги жонланиш жамиятга, кишиларга ўтаётгани яққол намоён бўлади.

Ўзбек миллий байрамларини қули ширин ошпазларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улар тайёрлаган турли таомлар: палов, шўрва, кабоб, бугирсоқлар иштаҳани қитиқлайди. Аммо ўша куни барча байрам иштирокчилари йилда бир марта баҳор ойида — Наврўзда тайёрланадиган таом-сумалакни татиб қуришади.

Наврўзни нишонлашнинг ўзига хос тамойиллари билан бирга ҳамма учун умумий ва муштарак бўлган тамойиллари ҳам бор: бу ҳамманинг ҳаммага — самимий муносабатда бўлишга интилиши, умумий хушчақчақлик, хурсандчилик, қувноқлик байрам кайфиятининг тантанаси. Яхшиликка интилиш, жонланиш, меҳнатга, фаолиятга рағбатнинг уйғониши, жуш уриши. Табиатдаги уйғонишнинг жамиятда, инсонларда ўз ифодасини топиши. Эзгулик олижаноблик, ҳамкорлик, ҳамдамлик туйғуларнинг оммавий уйғониши ва устуворлиги.

## Ўзбекистон: халқаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик йўлларида

Санжар ДАВЛАТОВ — Урганч Давлат университети талабаси  
Илмий раҳбар О. АБДУЛЛАЕВ, доцент

Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида тарихан қисқа давр ичида халқ ҳужалигининг турли жабҳаларида ислоҳотларни чуқурлаштиришга киришиш билан бирга жаҳон ҳамжамиятида ҳам ўз ўрнини топишга эриша бошлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон тўла ҳуқуқли асосда жаҳондаги энг обрўли ва нуфузли ташкилотлар таркибига кирган бўлиб, барча қитъалардаги мамлакатлар билан муносабатларини ривожлантириб бормоқда. Ўзбекистон дунё учун очиқ. Қолаверса, дунё мамлакатларининг Ўзбекистонга қизиқиши ҳам катта. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига, аввало ҳамжиҳатлик қолаверса фаол ташаббускорлик билан киришди. Жумладан, жаҳоннинг энг нуфузли ташкilotи БМТга аъзо бўлиш билан жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув жараёни сари илк қадам ташланди. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик, тинчлик-тотувликни таъминлаш масалаларига жаҳон жамоатчилиги эътиборини қаратиш имконияти деб қарамоқда.

Ўзбекистоннинг БМТ билан муносабати халқаро жамоатчиликдан ёрдам ва мадад олиш истагидан кура, гарчи ҳозир бунинг ҳам аҳамияти катта бўлса-да, кўпроқ БМТ ҳаракатларининг муваффақиятли амалга оширилишига, унинг фаолиятини янгича мазмун билан бойитишга қўмақлашишга интилишга асослангандир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон БМТда фаол ташаббускорлик билан иштирок этмоқда.

Жумладан, Президентимиз И. А. Каримовнинг 1993 йил сентябрда БМТнинг 48-сессиясида сўзлаган нутқи фикримиз далилидир: Маърузада Марказий Осиёда тинчликни сақлаш, бу ерни ядросиз зонага айлантириш, кимёвий ва бактериологик қуролларни батамом йўқотиш, халқаро жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, Орол фожиасининг олдини олиш каби минтақавий муаммоларга жаҳон жамоатчилиги эътиборини жалб қилди. Шунингдек, Президентимиз ушбу ташкилот фаолиятини яхшилаш борасида фикр-мулоҳазалар билдириб, таклифларни ўртага ташлади.

Ушбу масалалар бўйича Президентимиз 1995 йил 24 октябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 50-юбилей сессиясида ҳам яна бир бор тўхталиб ўтди. Бу тадбирлар ўзининг амалий натижаларини бермоқда.

Жумладан, «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона» мавзуидаги халқаро конференция 1997 йил 15—16 сентябрда Тошкентда ўтказилди. Унда 56 давлат, 16 халқаро ташкилот, шу жумладан БМТнинг Хавфсизлик кенгаши доимий аъзолари вакиллари, Европа иттифоқи, ЕХХТ, «Ядро клуби», ИКТ, НАТО, МАГАТЭ, ОПАНАЛ сингари энг нуфузли халқаро ташкилотлар иштирок этди. Бир қарашда мавзу «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона» деб аталиши конференциянинг моҳиятини ошқор қўрсатиб тургандек туюлади. Аслида эса қамров ва йўналишлари кенг. Бир сўз билан айтганда, Тошкентдаги анжуман мисолида Жаҳон ҳамжамияти халқаро муносабатлар осмонида янги бир ёруғ юлдуз пайдо бўлганини қўрсатади. Умуман олганда конференциянинг натижаси катта бўлди, чунки декабрда БМТ-52-сессиясида ушбу масала юзасидан резолюция қабул қилинди ва бу йил бўладиган БМТ 53-сессиясида «Умумий ва тўла қуролсизланиш» бандида мазкур резолюция кўриб чиқиладиган бўлди.

Бундан ташқари Ўзбекистон ЕХХТ ва НАТО билан ҳамкорликда ҳам оламшумул эътироф топмоқда. Жумладан 1992 йил 9-10 июлда бўлиб ўтган ЕХХТ йигилишининг 1-кунида Президентимиз нутқ сўзлади, 2-куни эса бу йигилишга раислик қилди. Буни биз фахр билан ёш мустақил Ўзбекистонимизга Жаҳон ҳамжамияти билдирган ишонч деб айта оламиз.

ЕХХТнинг 1996 йил декабрдаги Лиссабон Саммитида эса Ўзбекистон Лиссабон декларацияси қабул қилинди.

1994 йил июлда минтақада хавфсизликни таъминлашга қарата ташаббускорлик қилаётган мамлакатимиз НАТОнинг «Тинчлик йулида ҳамкорлик» дастурига қўшилди. Кейинги вақтда юқоридаги иккала ташкилот билан ҳам бир қатор анжуманлар уюштирилмоқда. Мазкур масалаларнинг барчаси тинчлик ва барқарорликка асослангандир. Зеро улуғ бобокалонимиз Имом Бухорий: «Тинчлик ва хотиржамлик икки улуғ неъматдирки, бундан қўп одамлар маҳрумдир, деган ҳадиси шарифни келтирганлар. Неча аср олдин айтилган ушбу сўзлар ҳозир ҳам ўз моҳиятини йўқотмаган. Ўзбекистоннинг минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги ҳамкорлигига юқори баҳо берган АҚШ Президенти Билл Клинтон шу

йил 26 февралда бўлиб ўтган Ўзбекистон — АҚШ икки томонлама комиссиянинг сессияси мактубида шундай дейди: «Ўзбекистон жаҳон интеграциясини рағбатлантириши мумкин ва шундай қилади ҳам. Бизнинг Ўзбекистон билан икки томонлама ҳарбий ҳамкорлигимиз ва НАТО ҳамда ЕХХТда Ўзбекистоннинг иштироки туйғайли биз Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликнинг зарур негизини яратмоқдамиз». Ушбу сўзлар Ўзбекистоннинг халқаро сиёсий майдонда ўзига хос ўринга эғалигини кўрсатади.

Тобора кафолатли шерик сифатида намоён бўлаётган давлатимиз жаҳоннинг нуфузли молиявий ташкилотлари билан ҳам ҳамкорликни ривожлантирмоқда. Бунда ХВФ, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда, энг асосийси ПРООН каби ташкилотлар билан ҳамкорликни айтиш керак. Мана шу ташкилотлар Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишар экан, бунда, аввало, Ўзбекистоннинг фаол ташқи сиёсати билан бир қаторда унинг ўзига хос ички сиёсати муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистондаги ички ижтимоий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар, албатта жаҳон жамоатчилиги диққатини ўзига жалб қилади.

Яна шуни таъкидлаш керакки, 1997 йил 1-ярмида МДХ доирасида сармоя ўзлаштириш суръати 7 фоизга камайгани ҳолда Ўзбекистонда, аксинча ўсиш даражаси 15 фоизга тенг бўлган. 1997 йилда ишга тушган Бухоро нефтни қайта ишлаш корхонасининг, МДХ доирасида 1997 йилнинг янги қад кўтарган ягона йирик иқтисодий иншоотлиги ҳам кўп нарсага ишорадир.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон халқаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик йўлларида катта ютуқларга эришмоқда. Бу ҳақда Президентимиз И. А. Каримов Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 25 февраль куни бўлиб ўтган «1997 йилда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш яқунлари ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётини 1998 йилда ривожлантиришнинг устувор йўналишлари»га бағишланган мажлисида қилган маърузасида аниқ ифода-лаб берди. Ўзбекистон тобора ҳам ички иқтисодий ва ижтимоий сиёсатида, ҳам халқаро муносабатларда катта натижаларга эришиб борар экан, халқимизнинг келажакка бўлган ишончи янада мустаҳкамланмоқда. Мамлакатимиздаги янгиликлар ва тараққиёт сари олға силжиш халқимизнинг тўқ, тинч ва фаровон яшаши учун мустаҳкам моддий ва маънавий замин ярата олишига ишончимиз комил.

## Марҳабо истиқлол, марҳабо Наврӯз!

Муножат ҚАЮМОВА — Ҳамширалик иши бўлими  
911-гурӯҳ талабаси

Наврӯз — Яқин Шарқ, Ўрта Осиё халқларининг, жумладан ўзбек халқининг қадимий ва узоқ тарихига эга байрами. Унинг пайдо булиш тарихи инсоният жамияти тараққиётининг жуда қадимги босқичига бориб тақалади. Айтишларича, шу кунни Худо қуйи оламни яратиб, Қаюмарсни унга подшоҳ қилган ва Наврӯз унинг «Жашни», яъни ҳайити бўлган. Ҳашвияликлардан бирининг айтишича, Сулаймон Ибн Довуд узугини йўқотгач, подшоҳлиги қулидан кетади, бироқ қирқ кундан сунг узуги узига қайтарилиб, равнақи ҳам қайтиб келади. Подшоҳлар унинг ҳузурига келадилар, паррандалар тупландилар, шунда эронликлар «Наврӯзи омад», яъни «Янги кун келди» дейдилар. Натижада шу кун «Наврӯз» деб аталди. Эрон олимларининг айтишларича «У кунни Наврӯз» деб аташнинг сабаби шуки, собитлар Тахмурад аврида юзага чиққанлар. Жамшид подшоҳ бўлгач, динини янгиледи ва бу иш қилинган кун, яъни Навруз «Янги кун» деб аталди.

Наврӯз байрами Эронда Кайхусрав авридан, яъни милоддан аввалги 529—528 йиллардан бошлаб катта тантаналар билан нишонланган. Бу байрам Шарқ халқлари томонидан ҳар йили шунчалик эҳтиром, қувонч билан кутиб олинганки, бу кунда ўзаро урушлар тўхтатилган, ярашиш шартномалари битилган. Ҳатто байрам арафасида вафот этган марҳумни дафн этиш маросими кечиктирилиб, бошқа кунга кўчирилган.

Жамшидга сочишар олтину гавҳар,  
Шу кунни янги йил байрам дейишар.  
Йил боши Хурмузи эди Фарвардин,  
Дилдан на ғам қолди, на адоват-кин.

Бироқ, бу муборак айём ва у билан бир қаторда бошқа жуда кўп эзгу урф-одатларимиз, миллий маросимларимиз ман этиб қўйилди, унутишга маҳкум этилди, диний маросим, эскилик сарқити каби баҳоналар билан халқимиз томонидан нишонланишига йўл қўйилмади. Холбуки, Наврӯз — яратиш, яшнатиш, саховат, меҳроқибат байрами. Мустақиллик шарофати туфайли севим-

ли байрамимиз Навруз ва бошқа миллий анъаналаримиз тикланди, ҳақиқат қарор топди.

Ўзбекистоннинг турли жойларида Навруз ҳар хил кутиб олинган. У 3 кундан то 15 кунгача нишонланган. Масалан, Хоразмда Наврузни нишонлашдан олдин махсус йигинлар утказилган. Унда байрам раиси, корфармони тайинланган. Танганалар жадвалида томошалар, сайиллар, мусобақалар утказиш тартиблари ҳақида сўз борган. Қашқадарёлик удумига кўра, ёмгир ёғиб, ё бўлмаса бошқа сабабдан Навруз кирган кун тантана қилолмасалар, уша кун «кун бекор» деб атаганлар ва бу кунни утказиб, эртасига байрам қилишганлар. Водилликлар бу айёмни «Навруз гули»сиз нишонлашмайди. Бу гулни териб келиш учун ёш-яланглар тоққа чиқадилар. Кечга томон кучоқ-кучоқ гуллар териб қайтадилар. Кўпчилик «Навруз келди, кут барака келди. Шу кунларга етказганига шукур, тинчлик омонлик бўлсин, шу яшнатиш фаслида янаги йил, янаги баҳор ҳам эсон-омон тўрт кўз тугал бўлиб етайлик» — деб «Навруз гули» — бойчечакни ҳидлайдилар, юз-кўзларига суртадилар. Сурхондарёликларнинг удумига кўра, улар тўкин дастурхонларига атаб Навруз таоми — халим пиширишади. Навруз байрами минглаб кишиларга мўлжалланган майдонларда масхарабоз ва қизиқчилар томонидан ижро этиладиган ўзбек миллий ўйинлар ва томошалар билан нишонланади. Бундай томошалар Фарғонада «Катта масхарабозлик», Бухорода — «Чавқи», Хоразмда — «Қаторли ўйин» деб юритилади.

Кексаларнинг дуосида,  
Хасталарнинг шифосида,  
Кунгилларнинг сафосида,  
Сенсан — Навруз!

Навруз! Бу сузни бепарво, ҳаяжонсиз айтиб бўлмайди. Дошқозонларда сумалак пиширилган, йигитлар беллашувви, қозон атрофида тонггача ўлан айтишлар, мактаб ўқувчиларининг қувноқ давраси, от пойгаси, болаларнинг варрак учиринлари — ҳар бир инсонни ҳайратда қолдирмай иложи йўқ. Етмиш икки томиримизда ухлаб ётган ҳислатлар ўзгача файзу тароват олиб киради.

Шу ўринда буюк бобомиз Алишер Навоийнинг қуйидаги байтларини эслаш айни муддао бўлар эди:

Мувофиқ кийдилар, бўлмиш магар Навруз ила байрам,  
Чаман сарви ёшин хилъат менинг сарви равоним ҳам

Навоий, куйининг манзил, юзу қаддига бул мойил  
Ки боғ этмас сени хушдил, гулу сарв айламас ҳуррам.

Наврўзнинг анъанавий ва бош неъматини — сумалак. Уни тайёрлашнинг ўзи кишиларни бирлаштирадиган, ҳамкорликка ундайдиган жараён дир. Шу билан бирга сумалак шифобахшлиги билан ҳам ажралиб туради. У кишилар соғлиги, тетиклиги ва бардамлигини тиклаш учун ҳаётбахш озиқ. Дарҳақиқат, сумалак тановул қилган кишида тетиклик, соғлом кайфият пайдо бўлиши барчага маълум дир. «Сумалак сайли» анъанавий маъросим бўлиб, асрлар оша нишонланиб, мазмунан бойиб келаётган халқ байрамларидан биридир. У ҳозирги кунда ҳам кишиларни ўзаро ҳамкорлик, дўстлик ва биродарликка чорлайди.

Кўкатлар яшнатиб кузни димоқни чоғлагай ялпиз  
Табиб янглиғ улашгайсан шифолар ҳам беморингга

Наврўз дастурхонига янги мавсум файзу-баракатини олиб кирадиган таомлар — кўк сомса, кўк чучвара, кўк манти, кўкатлар, ялпиз димлама, қатлама, ва ҳақозолар, айтиб тугатиб бўладими, уларнинг шифобахшлигини. Тукин дастурхон атрофида дўстлар билан дилрабо куй ва қўшиқлар қанотида баҳорий кайфиятда ўтирар экансан, тинчлик-осойишталикда Наврўзимиз шундай мазмунли ўтаётганига дилдилингдан қувонасан киши.

Бизнинг шаҳримиздаги Бобур номи ва Машраб номи боғларда Наврўз байрами тантаналари, халқ сайиллари, гуллар байрами, ёшларнинг бахт тўйлари, қўшиқ байрамлари ва ҳар хил кўрик-танловлар ўтказилади. Танловларга вилоятимиз туман ва қишлоқларидан ҳам кўпчилик ташриф буюради.

Наврўз шодиёналари яна шуниси билан дилтортарки, ҳар йили унга атаб шеърлар ёзилади, бастакорлар куй басталайдилар янги-янги қўшиқлар яратилади. Истеъдодли ёшлар, тажрибали санъаткорлар ўз маҳоратларини синовдан ўтказадилар. Наврўз халқ истеъдодларини кашф қилувчи ўзига хос кўрик ҳам дир.

Наврўз ободонлаштириш ва озодагарчилик ойдир. Шу сабабли Наврўз байрами олдида умумхалқ хашари ўтказиш анъана бўлиб қолган. Бу анъанага кўра 14 март хайрия хашари кунини деб эълон қилинди. Вилоятимизда, корхоналарда, олий ўқув юртларида, маҳаллаларда ободонлаштириш ва озодагарчилик ишлари олиб борилади. Бу хайрия ишлари мустақиллигимизнинг шарофати ту-

файли Навруз байрами арафасида амалга оширилмоқда. Демак, Навруз шунчаки шодлик куни бўлибгина қолмай, балки катта ижтимоий, тарбиявий аҳамиятга эга булган байрамдир.

Чечаклар барқ уриб, келди Наврузим,  
Дон-дуним, ош-ноним ҳам ризқу рuzим  
Жаҳонга тик боққан сен қора кузим  
Хуш келдинг, Наврузим, дилларга ҳамдам  
Бизнинг қувончлардан қувонсин олам.  
Шодликдан яйрасин дилларнинг бари  
Неки гам-ташвиш бор чекинсин нари  
Сендек умрбоқий булсин ёш-қари  
Хуш келдинг. Наврузим дилларга ҳамдам  
Бизнинг қувончлардан қувонсин олам.

Биз, ёшлар халқимизнинг ҳозирда қайта тикланаётган, баъзан эса унитилиб бораётган барча урф-одатлари, анъаналари ва маросимларининг фақатгина яхшиликка хизмат қилишини, уларнинг халқимиз, қолаверса ёшларимиз ўртасидаги ўзаро меҳр-оқибат, инсонийлик туйғуларини шакллантиришга хизмат қилишини унутмаслигимиз лозим. Чунки, бу анъаналар, шу жумладан Навруз ҳам не-не замонлардан бери қанча тарих синовларидан ўтиб, бизгача етиб келган. Миллий анъаналаримизни эъзозлаш пивожлантириб, келгуси авлодга етказиш ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиздир.

## Ўзлигини англаб ўзбегим

Гузалхон МУҲАММАДЖОНОВА — Фаргона  
Давлат университети талабаси

Республикаимиз мустақилликка эришгандан сўнг, қатор ислохотларни амалга ошириш жараёнида долзарб ижтимоий масалалар пайдо бўлдики, уларни ҳал қилмасдан тараққиётга, бозор муносабатларига ўтиш мумкин эмас. Шундай масалалардан бири — халқ онгини ўзгартириш, уни кейинги ўн йилликлар сиёсатидан, коммунистик мафкурадан, ўтмишга қора кўзойнак билан қараш руҳиятидан озод қилиш, умуман, миллий ўзликни англашдан иборатдир.

Давр замон, жамиятнинг янгиланиши дунёда ўзгача

қарашни, мустақил фикр қилишни тақозо этмоқда. Демак, жамиятда ўз ўрни ва мавқеини топиш, миллий ифтихор туйғусини шакллантириш, шунинг билан биргалликда маънавиятни бойитиш лозим. Ўзлигини англаган инсон жамиятга, ундаги ўзгаришга тафаккур, танқид кўзи билан қарайди, ҳар бир ҳодисани таҳлил қилиб баҳолайди. Миллий ва умумбашарий қадриятларидан унумли фойдаланади. Шунинг учун ҳам буюк файласуф Сукрот «Ўз-ўзингни англаб ет» шиорини ҳаётининг асоси деб билган. Республикамизда катта эътибор берилётган маънавиятнинг қуйидаги тўрт негизи ҳам миллий ўзликни англашнинг юқори босқичи — ватанпарварликни камол топтиради:

1. Миллий ва умумбашарий қадриятлардан самарали фойдаланиш.

2. Миллий тарихни урганиш.

3. Шахснинг ўзини-ўзи тулиқ намоён этиши ва имкониятларини рўёбга чиқариш.

4. Ватанпарварлик.

Ҳар бир баркамол инсон мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этиши учун мустақиллик, эркинлик, миллат, маънавият ва маданиятнинг туб моҳиятини чуқур англаб етмоғи шарт. Хуш, мустақиллик нима?

Мустақиллик — халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, турмуш тарзи ва ижтимоий муносабатларини эркин танлаши ҳамда ривожлантиришидир. Унинг негизини миллий эркинлик ташкил қилади.

Эркинликка таъриф берилганда эса, унинг англаб олинган зарурият (Гегель таъбири) ва шу зарурат буйича ҳаракат қилиш эканлигини биламиз. Агар шу тарзда фикр юритсак, мустақиллик — миллий даражада англаган зарурият ва бу зарурият буйича умуммиллий ҳаракат дейиш мумкин. Демак миллий мустақиллик моҳиятида миллатнинг фаолияти билан бир пайтда унинг онги, муайян қарашлари акс этади. Ва бу жараёнларнинг барчаси миллий маданиятни, миллий тикланишни камол топтиради.

Хуш, миллий ўзликни англаш, миллийлик, миллат нима?

«Миллат кишиларнинг жипс тарихий бирлиги, умумиқтисодий турмуш, тил, ҳудуд бирлиги, маданият, онг, руҳий уйғунлиги ва муштараклиги демақдир.<sup>1</sup> Мил-

<sup>1</sup> Ватан туйғуси, Т., 1996, 78-бет.

лат синфий тушунча эмас, у маънавийат бирлигидир. ГФР ва ГДРнинг қўшилиши миллат синфий тушунча эмаслигига ёрқин мисолдир. Асрлар давомида Марказий Осиёда бир неча хил маданият турмуш тарзи ҳукм сурди. Энг асосийси улар тинч-тотувлик билан умр кечиришган. Бу ахлоқий маданиятнинг юксаклигидандир.

Мустақиллик эпкинлари туфайли биз буюк боболаримиз — Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобурларнинг миллий маданиятимизга қўшган ҳиссасини англадик ва халқимизнинг миллий ифтихори эканликларига иймон келтирдик. Эндиликда уларнинг ижодлари, ҳаёти, фаолияти кенг ўрганилмоқда, китоблари чоп қилинмоқда.

Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда.<sup>2</sup>

Дарҳақиқат, тарихий тажриба, анъаналар мерос бўлиб, авлодларни тарбиялайдиган қадриятлардир.

Азал-азалдан бизнинг маданиятимиз кўплаб инсонларнинг эътиборини тортган ва шундай бўлиб қолади. Самарқанд, Бухоро, Хива ақат олимлар учун эмас, балки тарих ва тарихий қадриятлар билан қизиқувчилар учун ҳам муқаддас зиёратгоҳ. Ундаги қадимий обидалар нафақат руҳий гузаллик инъом этади, балки у унлаб асрлар, хонликлар ҳақида маълумот ва сабоқ беради. У яна аждодларимизнинг буюк тафаккури, ақли ва гузал, тенгсиз истеъдоди, беқиес ҳунари ҳақида ҳам гувоҳлик беради.

Эндиги вазифа — тарихимизни илмий жиҳатдан чуқур ўрганиб, уни холис баҳолаш. Зеро, тарихчи алломаларимиз тили билан айтганда, «гафлатда қолган одамни уйғотиш учун аввало, унинг тарихий руҳиятини уйғотмоқ лозим».

Миллатни миллат қилувчи унинг бой маданий мероси саналади. Агар «Манас» бўлмаганда қирғиз миллатининг давлати бўлмаслиги мумкин эди. Демак, маданий мерос — халқнинг, миллатнинг ўтмиши акс этган ва келажакини ифодаловчи омил. Маданий мерос ҳам 2 хил бўлади:

#### 1. Маънавий маданий мерос.

<sup>2</sup> И. А. Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бусогасида: ҳақиқатликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», 140-бет.

## 2. Моддий маданий мерос.

Халқимиз билим, ахлоқ, нафосат, фан, санъат, адабиёт, фольклор, асотирлар, дин каби юксак маънавий бойликка, меҳнат қуроллари, турар жой, кундалик турмуш буюмлари, кийим-кечаклар, тарихий обидалар каби моддий маданиятнинг ўзига хосликларига эга. Илмий-адабий хазинамизнинг «Девону луғотит-турк», «Хибатул-ҳақойиқ», «Хамса», «Қобуснома», «Тиб қонунлари» каби дурдона асарлари борки, уларни ўрганиш ва таҳлил қилиш тараққиёт ва виждон талаби.

Инсоннинг табиат билан муносабати масаласи, табиатни эъозлаш, асраш-авайлаш билан боғлиқ муаммолар буюк маданий қадриятимиз «Авесто» китобида ҳам ўз ифодасини топган: «Ҳар бир одам ўз улғайган мамлакатини энг яхши ва гузал мамлакат деб тушунмоғи керак», «Инсон бутун умри давомида сув, тупроқ, олов, умуман, дунёдаги жамики яхши нарсаларни пок ва бус-бутун асрашга бурчлидир».<sup>3</sup>

Бундан кўринадики, биз китобда айтилгандек табиатга оқилона яратувчанлик муносабатида бўлишимиз керак бўлади.

Динга эътиқод масаласи доимо инсонларнинг диққат-эътиборида бўлиб келган. Бу ҳар бир фуқаронинг виждон ишидир. Буни биз ваҳҳобийчиликнинг салбий оқибатларидан ҳам сезишимиз мумкин.

Габриэль Маркеснинг «Танҳоликнинг юз йили» аса-рида «бу уругнинг бошини дарахтга боғлаб қўядилар, охирини чумолилар еб битиради» деган сатрлар бор. Миллат тубанлашиб, ўзлигини йўқотса, фақат ўз шахсия-гинигина ўйласа, у ана шундай йўқликка маҳкум этили-ши муқаррар. Қариндош уругчиликнинг салбий оқибатлари йўқолсагина халқ миллат бўлиб шаклланади.

Миллатнинг бойлиги ва бирдамлигини ўзликни англа-лаш таъмин этади. Мен ўз-ўзни англамоқни 5 босқичда деб билдим:

### 1. Виждон уйғоқлиги.

Ҳар бир инсон кундалик иши ҳақида ўз-ўзига виждон-ни олдида жавоб бермоғи лозим. Ҳадисларда «Кимки ўз қилган ёмон ишидан ўкинса, қилган яхши ишидан қувонса, демакки, у ҳақиқий мўминдир» деган сўзлар бор.

### 2. Тарихни ўрганиш ва унга ҳурмат билан қараш.

Бунга моддий яратувчанлик тарихи, адабий меросни

<sup>3</sup> Ўзбек педагогикаси антологияси китоби. Т., 1995 й., 37-бет

ва шунинг билан биргаликда авлодлар шажарасини билмоқлик киради.

Ҳозирги кунда «тарих миллатнинг бош тарбиячисига айланиб бормоқда»,<sup>4</sup> бу тарбия танлаб эмас, ялпи олиб борилмоғи лозим. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, «Биз тарихимиздан бирор саҳифа ҳам олиб ташламаймиз. Бу тарих бизникидир».

**3. Дунёвий, диний ва замонавий илмлардан бохабарлик.**

Баркамол инсон баъзи бир кимсалар айтганидек, фақат диний илмларни эмас, дунёвий илмларни ҳам ўрганмоғи керак. Зеро, «Бир кунлик дарс уч кунлик тоат-ибодатдан афзал». Замонавий техника ва хорижий тилларни ўрганмоқ эса тараққий этиб бораётган давр талаби.

**4. Ўрганганини чуқур таҳлил этиш ва ҳаётга татбиқ қилиш.**

Инсон кўп нарсани ўрганиши мумкин, лекин уни таҳлил этиш, ижобий ва салбий томонларини кўра билиш, олган билимини ҳаётга ва жамиятга татбиқ қила олиш ҳар кимнинг ҳам кўлидан келавермайди. Бунинг учун эса:

**5. Фидокорлик, фидоийлик керак.** Айнан мана шу фидокорлик, фидоийлик учун юртбошимиз «Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак» шиорини илгари сурдилар. Бу ўринда Президентимизнинг яна бир фикрлари катта аҳамият касб этади: «Бирон-бир жамият маънавий имкониятларни, одамлар онгида ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта олмайди... Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий табиий жараён деб ҳисоблаймиз».<sup>5</sup>

Ҳақиқий инсоннинг камол топишида тарбия муҳим ўрин тутади. Яхши тарбия эса умумбашарий ва миллий қадриятларга асосланган бўлмоғи лозим. Республикамизда эълон қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонунда юқоридаги масалалар ва болаларни эркин фикрлашга ўргатиш мавзусига алоҳида эътибор берилган.

Умуммиллий ва умумбашарий қадриятлар билан бирга, миллий қадриятлар ҳам ҳал қилувчи мавқега эга, зеро, гулзордаги гулларнинг гузаллиги узгача бир олам, лекин ҳар бир гулнинг ўзигагина хос ифори, чиройи бор.

<sup>4</sup> И. А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳлил, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари, 140-бет.

<sup>5</sup> Уша китоб. 137–140-бетлар.

## Жўғрофий-стратегик имкониятлар ва иқтисодий салоҳият — тараққиёт омили

Фурқат НОРТОЖИЕВ — Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти талабаси. Илмий раҳбар — Ш. ҚҶЧҚОРОВ

Ўзбекистоннинг ва Ўрта Осиё минтақасидаги бошқа давлатларнинг ҳозирги жўғрофий-сиёсий тизимлардаги ўрни жуда салмоқли ва сезиларлидир. Шу туфайли бу республикаларда юз бераётган ҳодисалар жаҳондаги йирик давлатлар, турли жўғрофий-сиёсий тузилмаларнинг манфаатларига бевосита дахлдордир. Ўрта Осиёда жўғрофий-сиёсий жиҳатдан марказий ўринни тутган Ўзбекистон Республикаси кучлар тенглиги ва мувозанатини таъминлаш, стратегик жиҳатдан муҳим бўлган ушбу минтақада ҳамкорликка мустаҳкам замин яратиш жараёнида сезиларли роль ўйнаши учун ҳамма имкониятларга эга. Унинг ҳудуди ўзининг мавжуд ва потенциал табиий ҳамда хом ашё захиралари билан ҳозирдаёқ — XXI аср арафасида дунёнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаритасида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ноёб табиий-хом ашё имкониятлари ҳақида алоҳида айтиб ўтиш лозим. Қулай иқлим шароити, улкан минерал-хом ашё захиралари, стратегик материаллари ва қишлоқ хужалиги хом ашёсининг катта захиралари ҳақли равишда Ўзбекистонни минтақада ва дунё миқёсида энг бой мамлакатлар қаторига олиб чиқади. Бу бойликларнинг кўпчилик қисми ҳали ишга солинган эмас. Бу эса бутун дунёга машҳур чет эл компаниялари ва банкларининг эътиборини Ўзбекистонга жалб этиши аниқдир.

Ўзбекистон ўз ер ости бойликлари билан ҳақли суратда фахрланади. Бу ўлкада 2,7 мингдан зиёд турли фойдали қазилма конлари ва маъдан намоён бўлган истиқболли жойлар аниқланган. Улар юзга яқин минерал хом ашё турларини ўз ичига олади.

Ғоят муҳим стратегик манбаалар нефт ва газ конденсати, табиий газ буйича 155 та истиқболли кон, қимматбаҳо материаллар буйича 40 дан ортиқ рангли, нодир ва радиактив металллар буйича 40, кончилик кимё хом ашёси буйича 15 та кон қидириб топилган. Бир қатор фойдали қазилмалар, масалан олтин, уран, мис, табиий газ, калий тузлари, фосфоритлар буйича Ўзбекистон тасдиқланган захиралар ва истиқболли рудалар жиҳатидан МДХдагина эмас, балки бутун дунёда ҳам

етакчи ўринни эгаллайди. Ҳозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистон иқтисодиётида минерал хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш етакчи ўринларидан бирини эгалламоқда. Бу саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга катта таъсир кўрсатмоқда. Қидириб топилган захиралар негизда 400 га яқин кон шахта, нефть, газ конлари ишлаб турибди.

Ўзбекистондаги табиий ва минерал хом ашё захиралари йирик конларда тўпланган бўлиб, уларни қазиб олинган жойнинг ўзидаёқ комплекс қайта ишлаш имконияти бор. Фойдали қазилмалар таркибидаги фойдали компонентлар юқори даражада бўлиб, улар катта миқдорда йўлдош элементларга эгадир. Конларнинг кўпчилигида очиқ усулда ишлаш мумкин. Бу технология эса фойдали компонентларни кўп миқдорда чиқаришни ва жаҳон бозорида ҳаридоргир маҳсулот олишни таъминлайди. Кўпгина конлар яхши ушлаштирилган ва аҳоли зич яшайдиган минтақаларда жойлашган. Хом ашёни, маҳсулотларни ташиш, узатиш билан боғлиқ транспорт воситалари, қувурлар ва бошқалар бўйича зарур шароитлар мавжуд. Малакали кадрлар, тоғ-кон мутахассислари тайёрладиган олий ва ўрта махсус ўқув юртлари тизими мавжуд. Булар ҳаммаси Ўзбекистонда иқтисодий-ижтимоий ислохотларнинг самарали амалга оширилишини таъминлайдиган омиллардир.

Нефть, газ ва конденсат захиралари ўз эҳтиёжимизни тўла таъминлабгина қолмай, шу билан бирга энергия манбаларини экспорт қилиш имконини ҳам беради. Мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистоннинг ер остида жуда катта нефть ва газ қатламлари бор. Республика ҳудудининг қарийб 60% ида уларни истиқболда қазиб олиш мумкин. Нефть ва газ мавжуд бўлган 5 та асосий минтақани ажратиш кўрсатиш мумкин. Булар: Уст юрт, Бухоро-Хива, Жануби-Ғарбий Хисор, Сурхондарё, Фаргона минтақаларидир. Бундан ташқари Ўзбекистон дунёдаги жуда катта олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо ҳамда ер бағрида кам учрайдиган металллар захираларига эга бўлган давлатлар жумласига киради. Ҳозирги вақтгача 40 та қимматбаҳо маъдан конлари қидириб топилган.

Рангли металллардан мис, қўргошин, рух, вольфрам, молибден, кадмий, индий, теллурий, селен, рений, кобальт, никель, осмий ва бошқалар ҳам қазиб олинади.

Ўзбекистон қадимдан сугорма деҳқончилик мамлакатига бўлиб келган. Республика пахта толаси ишлаб

чиқариш бўйича дунёда тўртинчи ва уни экспорт қилиш бўйича иккинчи ўринда туради. Бундай иқтисодий яқин йиллар ичидаёқ мамлакатнинг барқарор ва олга ривожланишини таъминлаши мумкин.

Инсон салоҳияти том маъноси билан Ўзбекистоннинг энг муҳим қадриятларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистоннинг мазкур масалада ўз ечимини топган катта ютуғи — унинг билимдон ва меҳнаткаш, тажрибали халқи ўз миллий тараққиётининг реал гарови бўлиб, жаҳон миқёсида тан олингани қувонарли ҳодисадир.

Ўзбекистонда бу борадаги ишлар республикамызда муваффақиятли фаолият кўрсатаётган олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот даргоҳлари, аниқ ва фундаментал фанлар: тиббиёт, қишлоқ хўжалиги селекцияси, кимё соҳасидаги юқори молекуляр бирикмалар — полимерлар технологияси, электроника, ядро физикаси ютуқлари, авиасозлик, асбобсизлик ва машинасозликнинг мураккаб аппаратуралар соҳалари ҳамда тарихий меъморчилигимиз сарчашмаларидан озиқланаётган миллий меъморчилигимиз бунинг далилидир.

Аждодларимиз Ал-Хоразмий, Аҳмад Ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Хожа Аҳмад Яссавий, Ҳаким Ат-Термизий, Исмоил Ал-Бухорий, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур, Бурхониддин Марғилоний, Хожа Аҳрор Валий, Суфи Оллоёр, Лутфий, Алишер Навоий, Турди Фароғий, Фурқат, Муқимий, Завқий ва бошқалар қолдирган улкан мерос, келажакда Ўзбекистоннинг «тенглар ичида тенг» давлат бўлиб гуллаб яшнаши учун хизмат қилади.

Истиқлол Ўзбекистонни мунтазам горизонтал усиш азобидан қутқарди. Эндиликда мамлакатимиз зарур муддат ичида ҳам горизонтал, ҳам вертикал ўсади. Кейинчалик асосан вертикал ўсишга ўтиб олади. Президент Ислам Каримов юритаётган босиқ ва изчил иқтисодий сиёсат замирида ана шу эзгу ният ётади.

Ўзбекистон вилоятларини мамлакат ички темир йўллари орқали туташтириш, оғир юклар ташишни арзонлаштириш иқтисодий сиёсатимизнинг муҳим йўналишига айланди. Фузор-Бойсун-Кумқўргон темир йўлининг умумий узунлиги 223,1 км. бўлиб, 15 та бекатлар, 226 та ҳар хил ёрдамчи иншоотлар қурилиб, 2002 йилгача 31 млрд. сум (шартнома нархида) ўзлаштирилди. 1161 киши доимий иш билан таъминланади. Темир

йўлнинг Қашқадарё вилоятидан утадиган қисми 108 км.ни ташкил этади. Ушбу темир йўл қурилиши муносабати билан Деҳқонобод ҳудудида жойлашган доломит, тош кесиш конлари кенгайтирилади, бундан ташқари йўл зонасида мавжуд қазилма бойликлардан; нефть, кумир, газ, туз, мис ва қўرғошин конларидаги хом ашёларни саноат миқёсида қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда республика халқ хўжалигини юксалтиришга катта ҳисса қўшишнинг имконияти тугилади.

Кўкдумалоқ нефть-газ конденсат кони Ўзбекистон ёқилги-энергетика мустақиллигининг асосий манбаалардан бири ҳисобланади. Кўкдумалоқ ва бошқа конлардан қазиб олинаётган нефть маҳсулотларини қайта ишлаш учун Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи қурилиб, ишга туширилди. Вилоятдаги нефть ва газ конларидан қазиб олинаётган стратегик, хом-ашё маҳсулотлари республикамиз иқтисодиёти, халқ хўжалиги ва саноатини ривожлантириш учун арзон хом ашё билан таъминловчи захиралар миқдорини кенгайтиради. Кўкдумалоқ нефть-газ конларидан қазиб олинаётган хом ашё ҳозирда Шуртан ва Муборақ газни қайта ишлаш заводларида қайта ишланиб, саноат ва қишлоқ хўжалиги учун табиий газ ҳамда олтингугурт ажратиб олинмоқда.

Таллимаржон ГРЭСи — мустақил Ўзбекистоннинг ўзи қуриб ишга туширадиган илк нурхонадир. Унинг қурилиши 1991 йилда бошланган бўлиб, умумий лойиҳавий қуввати 3200 МВт ни ташкил этиши мўлжалланган. 1996 йилда 800 МВт ли биринчи блоки қурилишида 2221,1 млн. сўмлик капитал маблағларини ўзлаштириш режалаштирилган, ўтган даврда 465,36 млн. ўрнига 437,9 млн. сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилган.

Таллимаржон ГРЭСи мажмуаси Ўрта Осиёда ягона улкан иншоотдир. Тулиқ ишга туширилган тақдирда бутун Ўрта Осиёдаги мустақил давлатларнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжларни тула қондириш имконияти тугилади.

Ҳозирда қурилиши давом этаётган 800 МВт ли биринчи навбати ишга туширилса, вилоятни электр энергияси билан тула таъминлаш масаласи ҳал бўлибгина қолмасдан, қўшни вилоятларнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжлари ҳам қисман қондирилади.

Таллимаржон ГРЭСининг асосий ёқилғиси арзон табиий газ бўлиб, «Шуртангаз» газ конларидан тозаланган газ билан таъминланади.

Ушбу ГРЭС қозонхонасида соатига 2650 тонна буг ишлаб чиқарилиб, шу ерда қурилган Нуристон шаҳарчасидаги уй-жойлар, ишлаб чиқариш корхоналари, ошхоналар, маданий-маиший ва ижтимоий бинолар иссиқлик билан тўла таъминланади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ҳудудида жаҳонда ўзининг жўгрофий-сиёсий мавқеи, жойлашган ўрни ҳамда табиий-стратегик хом ашё ресурслари билан бир қаторда «инсоний салоҳият» омили билан ҳам салмоқли ўрин тутади. Меҳнатқаш ва деҳқончилик маданияти юксак халқимизнинг тарихий тажрибалари, аждоқларимиздан қимматли мерос бўлган маънавий ва илмий бойликларимиз Ватанимизнинг порлоқ эртаси ва буюк келажига кафолат бўлади деб айта оламиз.

## Мустақил Ўзбекистоннинг ойдин йўли

**Аҳмад ҲАҚҚУЛОВ — Тошкент қурилиш-қоммунал коллежи талабаси. Илмий раҳбарлар — С. Н. ТУЛАГАНОВА, Б. П. ҲУММАМАТОВА**

Истиқлолимизнинг еттинчи баҳорини нишонладик. Мураккаб давр синовларини бошидан кечирган, ёруғ мақсадлар сари дадил қадамлар ташлаётган, ўзлигини намоён этаётган, кўп миллатли меҳнатсевар халқимиз аждоқлар кўз қорачиғидай асраган Наврўзи оламни йилдан-йилга кўтаринки руҳ, оламшумул ютуқлар билан кутиб олмоқда.

Шарқнинг донишманд шоири, фалакиёт билимдони, математик Умар Хайём ўзининг «Наврўзнама» асарида «Наврўз» сўзи биринчи марта зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да тилга олинганлигини қайд этади. «Авесто» — Урта Осиё, Эрон, Озарбайжон ҳудудида яшаган халқларнинг маиший, маданий, маънавий ҳаёти ҳақида маълумот берувчи муҳим манбалардан ҳисобланади. Демак, баҳор бизнинг аждоқларимиз фикру ўйини, ҳайрату шавқини, меҳру муҳаббатини тортганига неча минг йилликлар бўлибди. Наврўз байрам сифатида тилга олинган «Авесто»да инсон ҳаётининг мазмуни уч маънода мужассам топмоғи лозимлиги ҳам қайд этилган. Булар яхши фикр, яхши сўз, яхши ишлардир. Инсон бутун борлиғи билан ўзида ана шу уч маънони ўстириб,

камолга етказмоқ учун интилиб яшаши кераклиги уқтирилади унда. Қадим ёдгорликлар яна шундан далолат берадики, Наврӯзда меҳнат гоётаду улуғланган, бу кун айниқса, деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик касб-корларининг ҳақиқий байрамигина бўлиб қолмасдан, балки, меҳнат, бунёдкорлик байрами сифатида эъзозланган, қадрланган. Мустақиллигимиз шарофати билан Наврӯз ҳақиқий умумхалқ байрами сифатида нишонланиши серкуёш улкамиз — она Ўзбекистонимизнинг ҳар бир фуқаросининг қалбини эрк нури билан нурафшон этиб, янги, ёруғ манзиллар сари чорламоқда.

Халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чиқаётган ҳозирги масъулиятли даврда биз ёшлар комил инсон бўлиб етишишимиз учун бебаҳо неъмат — вақтнинг қадрига етган ҳолда илм ва касб-ҳунарни эгаллашимиз зарурлигини юракдан ҳис этмоқдамиз. Серкуёш, гуллаб-яшнаётган ватанингда ҳеч кимга қарам бўлмай, меҳмондўст, қийинчиликлардан кўрқмайдиган, меҳнатсевар халқнинг билан беминнат яшамоқдан ортиқроқ бахт бўлмаса керак. Утган олти йил мобайнидаги ўзгаришларни кўриб кўз қувонади. Мустақиллик Ўзбекистонимиз учун иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт, маданий ва маънавий янгиликларнинг улкан истиқлол йўлини очиб берди. Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек, пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган қучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятни барпо этишдан иборатдир.

Утиш даврининг биринчи босқичи ислоҳ қилиш жараёнининг қийинчиликларини, айтиш вақтида табиий иқтисодий муносабатларни тиклашга ёндашишлар бир хил андозада ва оdatий эмаслигини кўрсатди. Биринчи босқич бутунлай янги иқтисодий тизимнинг ҳуқуқи негизларини яратишга, давлатчиликни шакллантириш ва мустаҳкамлашга, эскича фикрлаш тарзларини онгимиздан чиқариб ташлашга қаратилган эди. Бу босқичда янги тузум учун ишончли пойдевор яратиш вазифаси қўйилди ва ҳал қилинди.

Жумҳуриятимиз ўз давлатчилик сиёсий ва иқтисодий қурилишида кўп миллатли халқимиз манфаатлари, миллий анъаналари ва маънавиятимизга мос келадиган сиёсий ва давлат тизимларини вужудга келтириш бобида дастлабки салмоқли қадамларини қўйди.

Иқтисодий ислохотларнинг иккинчи босқичи мақсад-муддаоларидан келиб чиққан ҳолда қўйилган

биринчи ва асосий вазифа давлат мулкларини хусусийлаштириш соҳасида бошланган ишлар охирига етказилмоқда.

Иқтисодиёт барқарорлигининг ўзига хос кўрсаткичи, белгиланган ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг асосий мезони бўлган ўз валютамузими мустақамлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнигина эмас, балки ижтимоий ислоҳотларнинг ҳам энг устувор йуналишидир. Пулнинг кадрсиэзланишига қарши таъсирчан чоралар кўрилиб, ўзимизда истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўпайтирилиб, ички бозорларимиз шундай моллар билан тўлдириляпти. Корхоналар четга мол чиқаришни кенгайтириб, хом ашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтмоқда. Жаҳон бозори талаблари даражасидаги сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар кўпаймоқда.

Аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш, уларга тегишли ёрдам кўрсатиш борасида ҳам маълум ишлар олиб бориляпти. Бозор иқтисоди муносабатларига ўтишда Ўзбекистон ўзига хос йўлдан бормоқда. Президентимиз И. А. Каримов кўрсатиб берган беш тамойил ҳаётимизда дастурил-амал бўлмоқда.

Бугун Ўзбекистон — фақат жуда бой табиий хом ашё захиралари, чексиз бозор ва сармоя сарфланадиган соҳагина эмас. Айни чоғда унинг улкан ақл-заковат, маънавий-маданий имкониятлари ҳам бордир.

Ўзбекистон дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзо-си сифатида энг обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотлар таркибига кирган бўлиб, барча қитъалардаги ўнлаб мамлақатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириб бормоқда. Энг йирик банк ва молия ташкилотлари, нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Республикамизда 88 та чет давлат ваколатхоналари рўйхатдан ўтган, 24 та ҳукуматлараро ташкилот ва 13 та ноҳукумат ташкилоти ишлаб турибди. Ўтган йиллар мобайнида республикамиз кўплаб жуда муҳим халқаро конвенцияларга қўшилди.

Ўзбекистон БМТга аъзо бўлганлигига беш йил тўлди. Ўзбекистон ташаббуси билан 1995 йили Тошкентда Ўрта Осиёда минтақавий ҳавфсизлик муаммоларига бағишланган халқаро семинар муваффақиятли ўтди. Унда 20 та халқаро ташкилот ва жаҳоннинг 30 дан ортиқ мамлакати, шу жумладан АҚШ, ГФР, Франция, Буюк Британия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Эрон ва бошқа

давлатларнинг дипломатия ҳамда ҳукумат вакиллари ишти-  
рок этишди.

Президентимиз И. А. Каримов БМТ Бош Ассамблея-  
сининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида Ватанимиз тари-  
хига тўхтаб шундай дейди: «...22 миллион аҳолиси бўлган  
Ўзбекистон жўғрофий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан  
ҳам Урта Осиёнинг узагини ташкил қилади. Дунёдаги  
энг қадимги тараққиётлардан бири ана шу ерда пайдо  
бўлган... Қадим замонларда Буюк Ипак йули шу ердан  
ўтган. Халқимизнинг тарихи ўз илдизлари билан асрлар  
қърига бориб тақалади ва уч минг йилдан кўпроқ давр-  
ни ўз ичига олади. Қадимий Турон, Мовароуннаҳр, Тур-  
кистон ҳудудида равнақ топган давлатлар жаҳон мада-  
ниятини ривожлантиришда ёрқин из қолдирган...»

Дарҳақиқат, юртимиз буюк фарзандлари — узининг  
«Ҳиндистон», «Сайдана», «Қонуни Маъсудий», «Қадимги  
аждодлардан қолган ёдгорликлар» каби ноёб асарлар му-  
аллифи, Европада «Ал Барон» номи билан машҳур бўлган  
Беруний, жаҳон тиббиёт илмининг пири, Европада «Ави-  
ценна» номи билан машҳур бўлган Ибн Сино, жаҳон  
аниқ фанлари саҳнасига узининг «ал-жабр Ал-муқобала»  
асари билан алгебра фанини ва бу фанларнинг негизи  
ҳисобланмиш «Алгоритм» терминини узининг номи  
орқали киритган ва Европада ана шу «алгоритм» номи  
билан машҳур бўлган Ал-Хоразмий, Европада «Алфрага-  
нус» номи билан машҳур ҳамюртимиз Аҳмад Ал-  
Фаргоний, шунингдек Имом Бухорий, Ат-Термизий, Ба-  
ховуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий каби пири комилла-  
ри билан, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Навоий, Бобур  
каби улуғ даҳолари билан дунёга машҳурдир.

Аждодларимиз юрт келажаги, бахт-саодати учун мод-  
дий бойликдан ҳам кўра маънавий бойликларни зарур  
деб билганлар. Илм олиш, дунёвий билимларни эгаллаш,  
юқори малака эгаси бўлиш учун бизга берилган имкон-  
лар ҳам кўпроқдир. Биргина мисол, 56 миллион аҳолиси  
бўлган Туркияда 20 та олий ўқув юрти мавжуд экан. 24  
миллион аҳоли яшайдиган бизнинг юртимизда эса 58 та  
олий ўқув маскани бор.

Ҳуқуқий демократик давлат қуришга киришган  
эканмиз, жамиятда ўзимизга берилган ҳуқуқларни ва  
ўзимиздан талаб қилинаётган мажбуриятларни пухта би-  
лишимиз лозим. Республикаимизнинг амалдаги қонунла-  
рини чуқур идрок этиш ҳам давр тақазо этаётган муҳим  
вазифалардан бири.

«Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий

дастури» Республика қонунларини ҳаётга татбиқ этишда дадил қадамлар қўйилмоқда. Ўқувчиларни касб-ҳунарга ургатиш ва уларда амалий куникмаларни тарбиялаш, битирувчиларни ишга жойлаштириш масалаларини ҳал этиш турли мутасадди идоралар зиммасига вазифа қилиб қўйилмоқда. Ёш авлоднинг бахтли келажагини уйлаб қилинаётган бу саъй-ҳаракат замирида озод мамлакат истиқболи йўлидаги фидойилик ётади. Демак, биз ёшларнинг ҳар жиҳатдан етук, баркамол бўлмоғимиз учун жамики шарт-шароитлар мавжуд.

Инсон улгайиб камол топган сари дунёни заррама-зарра билиб бораверади. Ўтмиш довруқли бўлган аждодлардан мерос еримизга муҳаббатимиз, қонимизга сингган меҳнаткашлик фазилатимиз боис яна азиз, мукаррам бўла бошладик: қабул қилган байроғимиз, гербимиз, мадҳиямиз ўз Президентимиз ва мустақиллигимизга фидойи ватандошларимиз қиёфасида жаҳон кеза бошладик. Спортчиларимиз жаҳон чемпионлари бўлганларида маҳобатли майдонлар узра Ўзбекистон байроғи бир-неча марта кўтарилди ва бундан буён ҳам кўтарилаверади.

Тошкентнинг қоқ ўртасида гумбазлари осмон билан ранг талашган Соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 660 йиллигига ажиб ёдгорлик Темури ва Темурийлар тарихи музейи очилди.

Асакадаги «ЎздЭУ авто» қўшма корхонасидан чиқарилаётган «Тико», «Дамас», «Нексия»лар халқимиз яратаётган муъжиза. Ун икки юлдузли, ой, мустақил Ўзбекистон байроғи қанотларида битилган тайёрамиз дунё мамлакатларига тугридан-тугри Тошкент аэропортидан учаяпти.

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1995 йил кузида Парижда утган XXVIII сессиясида Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигини дунё ҳамда мамида кенг нишонлаш ҳақидаги расмий қарорига биноан Бухорода 2500 йиллик байрам шодиёналарига атаб илмий конференция ўтказилди. Бундай тантанали тадбирни халқаро миқёсда нишонлашга мамлакатимизнинг энг кўҳна масканларидан бўлган гузал Хива шаҳри ҳам мушарраф бўлди. Бу биз, ёшларнинг миллий гуруримизни, ифтихор туйғуларимизни оширди.

Тошкентда бир ҳафта давомида киноусталарнинг халқаро анжумани, Самарқандда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтди.

Ҳа, шундай, юртимизнинг ҳар куни байрам, ҳар йили хосиятлидир. Амир Темури йили, Инсон манфаатлари йили, Оила йили каби.

Ана шундай юрт фарзанди эканлигимдан фахрланаман, кўтарилган байрогинг, эришилган истиқлолинг ҳар доим нур сочсин, Она юртим — Ўзбекистон.

## Миллий қадриятлар ва ёшлар

**Шириной МУСТАФОЕВА — Фарғона Давлат университети талабаси**

Биз мустақил юртнинг еттинчи Наврўзини нишонладик. Ўтган давр ичида истиқлол, хуррият нафаси одамларимиз қалбида ифтихор чечагини ундира олди, мустақиллик сурури жон-танзимизга сингиб кетди. Олдимизда озод мамлакатимиз маънавий салоҳиятини мустақамлашдек долзарб масалалар турибди.

Шу жиҳатдан мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов томонидан олға сурилган миллий истиқлол мафқурасини яратиш ғояси мамлакатимизнинг энг асосий дастури бўлиб қолишини ҳаёт тақозо этмоқда. Бу мафқура мустақиллигимизга хизмат қиладиган, миллий уйғонишимиз ва қад тиклашимизнинг етакчи тамойилларини ўзида ифода этган. Давлатимизнинг порлоқ келажаги учун ғоявий асосга эга бўлган пойдеворни яратиш лозим. Чунки, бундай пойдеворсиз на ижтимоий-сиёсий жиҳатдан, на маданий-маънавий жиҳатдан аниқ йўналишлар асосида тараққиётга эришиб бўлади. Бинобарин, янги мафқуранинг асл мазмуни — янгича, эркин фикрлайдиган, мутеълик ва журъатсизлик туйғуларидан мутлақо ҳоли бўлган мустақил инсонни тарбиялашдан иборат. Юксак маънавиятга асосланган жамиятни барпо этиш учун маданий-маънавий қадриятларимизни авлод мулкига айлантириш, аждодларимизнинг анъана ва тажрибаларини ўрганиб бугунги кунга татбиқ этишимиз, айниқса, долзарблигини ёдда тутишимиз лозим.

Истиқлол шарофати туфайли олис тарихимиз ойдинлашгани сайин ота-боболаримиз инсониятнинг маънавий оламини, ички дунёсини билиш, тушуниш бобида ҳозирги авлодларга нисбатан нечоғли олдинда бўлганликлари, биз эса ўша бойликлардан бебаҳра бўлиб келганимиз маълум бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон ҳудудида яшовчи халқларнинг байрамларини ўрганишда Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги

халқлардан қолган ёдгорликлар» номли асари муҳим ўрин тутди. Бу асарда қадимий эронийлар, хоразмийлар, суғдийлар, румликлар, яҳудийлар, ҳиндлар ва бошқаларнинг календаридagi машҳур кунлар, хайитлар, одатлар ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Беруний берган маълумотларга қараганда суғдийларда Мавсард ойининг биринчи кунини — Наврӯз кунини деб белгиланган.

Наврӯзнинг келиб чиқиши ҳақида кўплаб афсоналар, мулоҳазалар мавжуд. Масалан, Зардуштийлар даврида яхшилик худоси Аҳурамз — баҳор-ёзда, ёмонлик худоси Аҳриман — кузда ва қишда ҳукмдорлик қилар эмиш. Баҳорнинг биринчи кунини яхшилик худоси ёмонлик худосидан ғолиб чиққан муқаддас сана деб, уни байрам қилишган. Бу сана Наврӯз кунига тўғри келган.

Фирдавсийнинг «Шоҳнома» эса, Наврӯзнинг тантанани қилиниши Шоҳ Жамшид билан боғлаб тасвирланган.

Наврӯзнинг юзага келиши коинот ва табиат сирлари ҳамда қонунларига, яъни Қуёшнинг ҳамал буржигани келиши, кун ва туннинг вақт жиҳатдан баробар бўлиши, кундузнинг узая бориши, баҳор келиши билан боғлиқ бўлган.

Наврӯз республикамизнинг турли минтақаларида маҳаллий шароит ва мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, ранг-баранг шаклларда нишонланади.

«Наврӯз» кунлари катта бозорларда турли-туман маҳсулотларнинг савдо-сотиги ташкил қилинади, ширин-шакар таомлари тайёрланади.

Эрталабдан карнай-сурнай наволари янграйди, дорбозлар ва полвонларнинг чиқишлари ташкил этилади, мусиқачилар, қўшиқчилар, раққослар ўз санъатларини намойиш қиладилар. Кечки пайт сайиллар, халқ ўйинлари, базмлар уюштирилади. Наврӯзнинг энг тансиқ ва шифобахш таомлари ҳисобланган сумалак, халим, куксомса ва шу каби таомлари тайёрланади. Ҳовли-жойларда тозалаш, кукат ва гуллар экиш, ободонлаштириш, отаона, яқин ёру дўстларни зиёрат қилишга оид одатлар ҳам «Наврӯз» байрамининг таркибий қисмига айланган.

Ўзбеклар ва Ўрта Осиёдаги бошқа халқларнинг тарихий синовидан ўтган байрамлари ва маросимлари кишиларнинг ўзаро муносабатларидаги яхши фазилатларни, чинакам халқчил, умуминсоний қадриятларни акс эттиради. Бундай миллий урф-одат ва маросимларда ўзбекларнинг миллий руҳияти, маънавияти ва феъл-атвори-нинг ўзига хос, олижаноб томонлари ҳам намоён бўлади.

Инсон ҳалол, номусли, пок қалбли, ўзига талабчан бўлмай туриб, етук инсон бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир инсон маънавий қиёфасининг, жумладан, ахлоқ-одобининг шаклланиши ва такомиллашувига ижтимоий ва иқтисодий шарт-шароитлар ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Инсон ўз атрофидаги одамлар таъсирида, муҳит тарбиясида камолотга эришади.

Улуғ аждодларимиз айтганидек, инсон табиати шундай тузилганки, у яшаши ва олий даражадаги етукликка эришмоғи учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади. У бу нарсаларни якка ўзи қўлга кирита олмайди. Уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига ҳамда маънавий камолотга эҳтиёж туғилади. Шу маънода, Ватанга садоқат, катта-кичikka иззат-ҳурмат, ота-онага, етимларга ва қарияларга ғамхўрлик, дўстона муносабатлар, меҳмондўстлик каби қадриятлар намоён бўлади. Бундай тарбиявий аҳамиятга молик миллий урф-одатлар, расм-русумлар, шунингдек, бошқа маданий-маърифий тадбирлар халқнинг жамоаларнинг бирдамлик, ҳамкор ва ҳамжихатлик туйғуларини тарбиялайди, жамиятни жипслаштиради, миллий қадриятларнинг умуминсонийлик хусусиятлари ва мақомини оширади.

Биз Фарғона Давлат университетининг Психология ва амалий социология факультети 1—4 курс талабалари (жами 55—60 та) орасида уларнинг миллий қадриятларимизга муносабатини аниқлаш учун кичик социологик тадқиқот утказдик. Тадқиқот респондентлар орасида кузатиш, суҳбат ва анкета саволларига жавоблар олиш усулида, социологик тадқиқот утказишнинг бутун тартиб қоидаларига риоя этилган ҳолда амалга оширилди.

## Қадимий ва навқирон Наврўз

**М. АБДУРАҲИМОВА** — Тошкент молия институти талабаси.  
**Илмий раҳбар** — **Ў. ҚОРАБОЕВ**, фалсафа фанлари доктори

Тарихий манбаларга қараганда, қадим замонлардаёқ деҳқончилик билан шуғуллана бошлаган дунёнинг деярли барча халқларида баҳорда далада экин экишдан олдинги маросим — байрамлари мавжуд бўлган. Фақат турли жой иқлими, табиий шароит, аҳолининг турмуш

тарзи, маданияти, меҳнат фаолияти асосида улар ҳар хил шаклда уюштирилган. Инсоният фасллар билан боғлиқ тақвим — календарни кашф этганидан сунг, мавсумий баҳор байрамлари халқ ҳаётида ўз урни ва аниқ вақтини топа бошлаган. Ана шундай табиий эҳтиёж асосида вужудга келган гузал ва улуг байрамлардан бири Яқин Шарқ ва Ўрта Осиёда «Навруз» номи билан машҳур бўлиб қолди.

Навруз байрамининг сарчашмалари энг қадимий ажодларимизнинг политиестик тушунчалари, жумладан, Коинот, Қуёш, Ерга бўлган эътиқодлари асосида вужудга келган. Бундан 4—5 минг йил илгари ажодларимиз Қуёшдан таралаётган иссиқлик, ёруғлик булмаса, бутун борлиқ зимистонга айланиб, ҳаёт тухташини тушуниб етганлар. Шу сабабли, улар қиш совуқлари тезроқ тугаб, илиқ баҳор келишини орзиқиб кутиб, тушунчаларидаги энг буюк куч, ҳаёт чашмаси, ёруғлик ва иссиқлик манбаи — Қуёшга атаб махсус маросимлар яратишган. Шу йўсинда митраизм — қуёшпарастлик, унинг заминида эса оташпарастлик шакллана бошлайди. Қуёшпараст ва оташпараст зардуштийлар оловни Қуёшнинг Ердаги зарраси — фарзанди деб билиб, қиш ва эрта баҳордаги маросимларда катта гулханлар ёқиб, қиш совугини унинг ёрдами билан «ҳайдашган» ва кўкламни «чақиришган». Бу маросимлар эса турли баҳор байрамларининг шаклланишига асос бўлган.

Наврузга оид қадимдан сақланиб келаётган афсона ва ривоятлардан кўпгина маълумотларни олиш мумкин. Улар орасида зардуштийлар даврига оид Хурмуз ва Ахриман билан боғлиқ ривоятлар, шунингдек Одам Ато ва Момо Ҳавонинг учрашган куни ҳақидаги афсона ва бошқалар муҳим аҳамиятга эгадир.

Шарқ мутафаккирлари келтирган афсоналарга қараганда, Наврузни ўтмишда ўзининг буюк ишлари билан машҳур бўлганлар ихтиро қилган экан. Чунончи, ана шундай ихтирочилардан бири шоҳ Жамшид сифатида улуғланади. Шарқ мумтоз адабиёти вакили Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида «Навруз»нинг вужудга келиши шоҳ Жамшид номи билан боғланган. Жумладан, Жамшид юртга яхшилик қилиш мақсадида, одамларни касбга ўргатади, темир эритиб қурол ясатади, ип йигиртириб кийим тиктиради, ҳаммом, уй, саройлар бунёд қилдиради. Табиблик сираларини ўргатади, кема ясатади, бог бунёд қилдиради. Ниҳоят, «ишлари гуркираб, берганда мева» бир куни ғаройиб тахт ясатиб, унда

осмонга кутарилади. Ва бу кунни Наврӯз — янги йил байрами деб аташади.

Алишер Навоийнинг «Тарихи мулки аҷам» асариди Жамшиднинг буюк ихтиролари сўнгида «Наврӯз» байрами ихтиро этилганлиги баён қилинади: «Жамшид «Чиҳил минор» номли одамзод кўрмаган ва ақл бовар қилолмай-диган баланд бино қуриб...» бу иморат туганди. Ул вақтким, қуёш нуқта эътиқодли рабийга таҳвил қилиб эрди, ул бинода тахт устига ўлтириб, адолат сайт ва садосин оламга мунташир қилди ва ул куннинг отин Наврӯз қўйди».

Беруний келтирган афсона буйича ҳам «Наврӯз» улкан ишлар қилган Жамшид шоҳга боғланади: «Жамшид узига арава ясаб олгач, ўша кунни аравага чиқиб олди, жинлар ва шайтонлар уни ҳавога кутариб, бир кунда Дунбовандин (Дамованд тоғи) Бобилга олиб бордилар». Одамлар бу ажойиб воқеани кўргач, ўша кунни хайит қилдилар ва Жамшиднинг (аравада учишига) тақлид қилиб, арғимчоқларда учдилар.

Умар Хайём эса Жамшиднинг осмонга учгани оламшумул воқеа бўлгани ҳақида ёзади. Натижада, «Жамшид шу кунни «Наврӯз» аталсин деб фармон берди ва одамларга ҳар йили фарвардиннинг киришини байрам қилишни, уни янги йил деб ҳисобланишини буюрди».

Хуллас, Шарқ алломалари келтирган афсона ва маълумотларга қараганда, шу вақтгача ерда инсон ўз ақл-хаёли маҳсули билан фазога — буюкликка кутарилган кунни «Наврӯз», яъни янги кун, деб қабул қилган экан.

Беруний ўз асарларида Наврӯзнинг яратилишига оид турли нуқтаи назардаги фикрларни келтиради. Улар ичида бизнинг назаримизда, энг диққатга сазовори — бу Наврӯзнинг коинот, олам билан боғлиқлиги. «Наврӯз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган, — деб ёзади Беруний. — Айтишларича, шу кунни худо фалаклар ҳаракатсиз тургандан кейин уларни айлантириб ва ёритқичлар тўхтагандан кейин уларни сайр эттириб юборган. У Қуёшни яратган, ниҳоят, у туфайли муддатнинг йиллар, ойлар, кунлар ва бошқалардан иборат булаклари яширинликдан кейин маълумликка айланган ва ҳисоб боши улардан бошланган».

Наврӯзнинг яратилиши ҳақида яна унлаб фикр, афсона, асотирларни келтиришимиз мумкин. Улар турли таснифда бўлишига қарамасдан, уларнинг моҳияти — яратилиш, янгиланиш, бунёдкорлик, яхшилик, эзгулик каби мазмун билан боғлиқ. Бу тушунчалар эса мантиқ

жиҳатдан табиатнинг янгиланиш куни — Наврӯзга жуда мос келади.

Хуллас, «Наврӯз»га оид манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида шундай фикрга келиш мумкин. Наврӯзнинг юзага келиши ҳар томонлама ҳаётимантиқий асосланган. У коинот ва табиат қонуниятлари, қуёшнинг ҳамал буржига кириши, кеча ва кундузнинг вақт жиҳатидан баробар бўлиши, кундузнинг узая бориши, табиатда жонланишнинг бошланиши, баҳорнинг келиши билан боғлиқ бўлган. Бу эса ҳар қандай жамиятда Наврӯзни йилнинг энг муҳим табиат байрами сифатида нишонлаш учун асос бўла олади. Бунинг устига наврӯз энг қадимий даврларда одамлар деҳқончилик билан шугуллана бошлагач, далаларда янги иш мавсуми бошланишидан олдин ўтказилган баҳор байрамларига пайванд бўлиб кетади.

Вақтлар ўтиб, ушбу байрам янада ривожланиб, унга мос кун аниқлангач, у «йил боши» вазифасини ҳам ўтай бошлаганда, унга «Наврӯз» яъни янги кун деган ном ҳам берилган, деб тахмин қилиш мумкин.

Вақт ўтиши билан «Наврӯз» байрамини нишонлаш бир ойгача чўзилган. Бу ҳақда Беруний қуйидагиларни баён этади: Кейинги подшоҳлар бу ой, яъни фарвардин моҳнинг барчаси (кунлари)ни хайитга айлантириб, уларни олтига тақсим этдилар. Биринчи беш кун подшоҳлар учун, иккинчиси улуғ кишилар учун, учинчиси подшоҳларнинг ғуломлари учун... Бешинчиси халқ оммаси учун «Подшоҳлар ўзлари учун белгиланган биринчи беш кунни қуйидаги тартибда, яъни биринчи кун «подшоҳ «Наврӯз» куни ҳайитини бошлаб, одамларга ўзининг халқни қабул қилиши»ни билдиради. Иккинчи кун мартабаси жуда юқори кишилар, яъни деҳқонлар ва (машҳур) хонадон аҳллари (қабул қилиш), учинчи куни отлик сипоҳлар ва улуғ донишмандлар учун, тўртинчи кунни ўз уйидагилар яқин ва махсус кишилар учун, бешинчи кунни эса ўз ўғиллари ҳамда қарамоғидаги кишиларни (қабул этиш) учун ўтиради. Олтинчи куни... ўзи учун «наврӯз» қилади».

Подшо бундай қабуллардан жуда манфаатдор буларди. Чунки «ҳадя келтирувчининг мартабаларига қараб, ҳадяларни ҳузурига келтиришга буюради ва уларни диққат билан текшириб, хоҳлаганларини тақсим қилиб беради, хоҳлаганларини ҳазинага қўяди».

Исломгача бўлган «Наврӯз»даги оддий халққа тегишли бўлган одатлар ҳам диққатга сазовордир. Байрам куни

одамларнинг бир-бирларига шакар ва ширинликлар ҳадя қилиши (ҳаётингиз ширин бўлсин деган маънода), гуллар тақдим қилиши (гузал булинг маъносида), бир-бирларига сув сепиши (бу йил сув кўп бўлсин, мўл ҳосил бўлсин маъносида) каби ва бошқа бир қатор одатлар кенг тарқалган. «Навруз» куни ширинликлар ейиш энг муҳим удумлардан бири бўлган. «Навруз» куни тонг отганда биров гап гапиришдан олдин уч қошиқ асал ялаб, уч бўлак мум тутса, бу кўп касалларга шифо бўлади... Наврузнинг олтинчи куни, яъни «Катта Навруз» куни тонгда «...гапиришдан олдин шакар татиб, узига зайтун ёги суртилган кишидан шу йилнинг ҳаммасида турли бало даф этилади». Ривоятларга қараганда, одамларнинг бир-бирларига шакар ҳадя қилишлари ва уни байрам кунлари махсус татишлари сабабли Навруз куни шакар тайёрлаш пайдо бўлганмиш.

«Навруз»га тайёргарлик куриш одатлари орасида бугдой ёки арпа донини ёғоч идишда устириб, баҳор даракчиси сифатида дастурхоннинг марказига қўйишган. Байрам арафасида етти хил дон (бугдой, арпа, нўхат, жўхори, гуруч, мош, ловиядан гўжа (бўтқа) тайёрланиб, уни қуни-қўшни, қариндошларга тарқатишган. Бундан ташқари «С» ҳарфи билан бошланадиган етти хил ўсимлик (сиб-олма, сабзи, сир-саримсоқ, сирка, сатартошгул, сиёҳдон — қора данак, синджид-ёввойи зайтун қабилар) уругидан устирилган кўкатлар билан дастурхон безатилган. Шунингдек, унга турли қуритилган мевалардан қилинган шарбат, бўялган тухумлар ва бошқа ноз-неъматлар қўйилган. Арвоҳлар руҳини шод этмоқ учун шамлар ёқилган. Байрамлар дастурхонига қўйиладиган яна бир нарса диққатни тортади. Бу — катта идишга сув тулдириб, унга кўк барг (кўкат) солиб қўйишдир. Бу одат янги йил сувга ва экинга мўл бўлсин, деган маънони билдиради. Дарвоқе, барча «Навруз» одатларининг заминиди халқнинг ягона зғу нияти — янги йил ҳосилдорлик, мўл-кўлчилик йили бўлсин, деган умиди, истаги ётади. Жумладан, Беруний қадимги «Навруз» одатларидан бири ҳақида шундай ёзади: «Одамлар бу куни тонг пайтида ўринларидан туриб, канал ва ҳовузларга борадилар. Кўпинча, оқиб турган сувларга рўпара туриб, баракали бўлиш ва офатларни даф этиш учун устиларидан сув қуядилар». Навруз куни одамларнинг бир-бирига сув сепиши — Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларининг баҳорикор ерларида истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида яқин йилларгача сақланиб қолган анъана.

«Наврӯз» тантаналари тугрисида Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий, Файзий, Муҳаммадали Соиб, Мирзо Бедил, Кошоний, Фурқат, Муқимий, Садриддин Айний, Ҳамза кабилар ҳам ажойиб фикр-мулоҳазалар билдирганлар, гузал шеърлар битганлар. Ўрта Осиёда уюштирилган Наврӯзга ажнабий сайёҳлар ҳам қойил қолганликлари ҳақидаги маълумотларни ёзма манбаларда қўллаб учратиш мумкин. Бироқ, тарихда Наврӯзни таъқиқлаш ҳоллари ҳам кўп бўлган, айниқса у босқинчиларга қўл келмас эди. Уларнинг динига, мустамлакачилик сиёсатига, урф-одат ва қонун-қоидаларига мувофиқ эмаслиги, бу байрамда маҳаллий халқнинг озодлик йўлида руҳан бирлашишлари мумкинлиги уларни қўрқитар эди. Шунинг учун «Наврӯз» истилочилар саройида, амалдорлар ва дин арбоблари давраларида расмий байрам ҳисобланмаган. Лекин бу тазйиққа қарамай, Наврӯз оддий халқ орасида нишонлана берган.

«Наврӯз» совет даврида ҳам расмий байрамлар қаторига киритилмаган ва норасмий таъқиқланган, шундай бўлса-да унга 60-йилларнинг ўрталарида эътибор берилиб, матбуот, радиотелевидениеда ёритила бошланган эди. 80-йилларнинг ўрталарида «Наврӯз»ни Ўзбекистонда халқ байрами сифатида нишонлаш масаласида янги тусиқлар пайдо бўлди. 1985—1987 йилларда оммавий ахборот воситалари бу байрамни четлаб ўтишди. Бу борада қаттиқ тортишув вужудга келди. Республиканинг илгор ёзувчилари, олимлари ва маданият ходимлари томонидан «Наврӯз» қадимдан давом этиб келаётган ҳақиқий халқ байрами эканлиги, унинг моҳияти дин билан эмас табиат қонунлари билан боғлиқлиги ва уни энг яхши анъаналар асосида тараққий эттириш лозимлиги ҳақида жиддий сўзлар айтилди. Бунинг натижасида «Наврӯз» ҳақиқий халқ байрами сифатида кенг нишонланадиган бўлди. 1990 йилдан бошлаб 21 март, яъни Наврӯз байрами нишонланадиган кун, жумҳуриятимизда дам олиш куни деб эълон қилинди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг «Наврӯз» республикамизнинг асосий расмий байрамларидан бирига айланди. Мустақил Ўзбекистонда Наврӯз ҳар йили катта тантаналар билан нишонланмоқда.

«Наврӯз» арафасида умумхалқ хашарлари ўтказилади. Ой давомида хайрия ишлари: муҳтожларга ёрдам бериш ва қарияларни зиёрат қилиш, касаллар ҳолидан хабар олиш тadbирлари амалга оширилади. Барча касб эгалари Наврӯзга атаб ўзларининг хайрияларини, ҳадяларини

тайёрлайдилар. «Наврӯз» арафасида ва байрам кунлари сумалак, халим, кўк сомса ва бошқа турли-туман таомлар пиширилади. Қизлар «Наврӯз»да киядиган либосларини тайёрлашга киришади. «Наврӯз»га санъат аҳллари алоҳида тайёргарлик кўришади. Улар «Наврӯз»га бағишланган куй, қўшиқ, рақс, томошаларни кунт билан тайёрлайдилар ва кучли эхтирос билан ижро этадилар. «Наврӯз» кунлари барча жойларда катта томошалар, тантаналар ва халқ сайиллари бўлиб ўтади. Тошкент шаҳрининг «Миллий боғи»да ҳар йили Республикадаги энг йирик «Наврӯз» театрлашган томошалари бўлиб ўтади. Бу марказий тadbирда санъаткорлар баҳорни кутиб олиш, табиатнинг янгилиниш, инсонлар дилларининг покланиши ва далаларда янги меҳнат мавсуми бошланишига бағишланган куй, қўшиқ ижро этишади, махсус халқчил томошалар кўрсатишади. Наврӯзга бағишланган асосий томошадан сўнг, шаҳарнинг белгиланган жойларида — «Мустақиллик», «Халқлар дўстлиги», Амир Темур, Алишер Навоий театри майдонларида, Сайилгоҳ кўчасида ва бошқа жойларда умумхалқ сайллари бўлиб ўтади. Сайлда ҳар ким ўзига ёққан томошалар, танловлар, мусобақалар, концерт ва ўйинларда қатнашиши мумкин. Халқ сайли кечгача давом этади ва оилаларга кўчади.

Хуллас, мустақиллик шароитида қадимий ва навқирон Наврӯз кишиларга покланиш янгилиниш ва руҳланиш учун энг муҳим маданий тadbирлардан бири сифатида хизмат қилади.

## Демократия и современность

Наргиза АХУНБАБАЕВА — студентка Наманганского  
государственного университета  
Научный руководитель — С. А. НАЗАРОВ, профессор

Произведение И. А. Каримова «Узбекистан на пороге XXI века» является большим творческим вкладом в теорию и практику строительства демократического государства в нашей стране. Это признается учеными и политиками многих стран мира.

В этом произведении особое внимание Президент уделяет достижениям демократизации нашего общества за годы независимости, а также нерешенным проблемам в этом плане.

Демократия — это «народная форма правления, в котором народ облечен высшей властью и осуществляет ее либо непосредственно, либо через своих выбранных представителей при свободной избирательной системе». По словам Авраама Линкольна, демократия — это «народное правление, осуществляемое народом ради народа».

Спрос на демократию захлестнул весь мир, что стало похоже на эпидемию. Крах тоталитаризма в странах Восточной Европы, бесстрашное движение за гражданские свободы в Китае и Бирме, борьба за свободные выборы в Чили, Бразилии, Никарагуа, Кении, Таиланде, на Филиппинах и других странах, где диктатура была нормой жизни, все это свидетельствует о всеобщем и естественном стремлении к воле и политической свободе. Новые формы демократизма укореняются и в Азии. Это всемирное явление опровергает утверждения скептиков, что современная либеральная демократия — это исключительно западный артефакт, который невозможно воспроизвести в незападной культуре. «Фридом-хаус» — исследовательская организация, находящаяся в США, опубликовала свой ежегодный отчет, в котором каждая страна оценивается по мере политической свободы и гражданских прав — двум важнейшим критериям демократии. В 1990 году, по оценке «Фридом-хаус», из 167 суверенных стран мира 61 была свободной, что составляет 39% всего населения земного шара. Но эта цифра уже

устарела. Она не отражает демократические революции в Восточной Европе (воссоединение Германии и т. д.), революционные изменения, установление выборных правительств в таких странах, как Панама, Намибия, государства Прибалтики и других.

Стремление людей к свободе проявлялось в течение всей истории: от Перикла в древних Афинах до Вацлава Гавелла в современной Чехии, от Декларации независимости Томаса Джефферсона в 1776 году до последних выступлений Андрея Сахарова в 1989 году.

Как уже выше было сказано, стремление к воле и политической свободе привело к распаду отечества. И в данный момент, новые демократические общества пытаются осуществить политическое, экономическое и социальное переустройство своих стран, расширить права и свободы своих граждан. И становится ясно, что успех этих начинаний в будущем зависит от того, насколько быстро и глубоко принципы и институты демократии укореняются в сердцах и умах граждан. Идеалы, которые подняли народы на борьбу против угнетения, могут осуществиться только тогда, когда люди узнают и оценят смысл демократии, если поймут, что значит жить в свободном обществе и какие необходимы перемены в институтах и поведении людей, чтобы такое общество смогло существовать и обеспечить свое процветание.

Люди должны выработать в себе такие привычки, жизненные установки и ценности, без которых невозможно существование демократии. Только если каждое поколение поймет ценность и смысл демократии, то этой форме правления будут обеспечены успех и стабильность. Чтобы узнать как функционирует демократия, ее необходимо изучать. Любое общество, желающее быть свободным, должно добиться того, чтобы его граждане были хорошо образованы в теории и практике демократии. Частично такое образование должно даваться в школах. Но это не единственный источник получения знаний в свободном обществе. Существуют и другие источники — курсы и практические семинары для взрослых, теле- и радиопрограммы, публикации в газетах и журналах, активная общественная деятельность. Все это может помочь гражданам всех возрастов постигать основы демократии. Обучение демократии от идеологической обработки отличается складом ума, образом мыслей и способностью их выражать. Обучение демократии не исключает свободного изучения других систем правления.

Более того, сторонники демократии не скрывают, что у нее есть свои изъяны. В демократических обществах честно признают свои недостатки и также открыто говорят о них.

В странах молодой демократии необходимо перестроить образовательную систему. Но это очень сложно, потому что учителя и директора школ в этих странах никогда не жили при демократии и никогда не изучали ее. Другими словами, огромная работа ждет впереди тех, кто хочет создать систему образования, которая бы способствовала познанию сути демократии.

Слово «демократия» сейчас в большой моде, но, к сожалению, оно часто неверно понимается и неправильно употребляется. Например, тоталитарные и милитаристические режимы могут называть себя «демократическими республиками», но при этом их конституции, на словах декларирующие права и свободы граждан, в реальности — не что иное, как фикция. Кроме того, в странах избавляющихся от тоталитаризма, где подавление личности было нормой жизни в течение десятилетий, существует тенденция упрощенного подхода к сущности демократии, истолкование ее лишь как гарантия личной свободы, а не сложное взаимодействие идей, институтов, свободностей, прав и социальных поступков.

Итак, демократия — это система самоуправления, при которой все граждане равны, а политические решения принимаются большинством, однако всегда с учетом мнения и защитой интересов меньшинства. В своих наиболее «чистых формах» демократия представляет гражданам возможность прямого участия в процессе обсуждения и принятия решений. Это называется прямой демократией. Основа представительной демократии — это регулярные, честные и состязательные выборы, где избираются законодательные органы (парламент) и правительство. В условиях демократии правительство существует для того, чтобы верно служить народу, а не наоборот. Но если народ теряет доверие к правительству, он имеет возможность сменить его мирным путем и при этом ничего не опасаясь.

При избирательной системе, когда победившим считается тот кандидат, который набрал больше всех голосов, существует также мажоритарная система, которая защищает права меньшинств и ограничивает власть правительства. Эта система является основополагающим принципом демократии. Другим ключевым принципом

демократического правления является система «сдержек и противовесов», которая не допускает, чтобы у какого-либо органа управления, политического института, группы людей или отдельной личности оказалась чрезмерная власть. Важным также является наличие независимой судебной системы, которая не позволяет исполнительной и законодательной власти выходить за рамки своих полномочий. Таким образом, ни личность, ни отдельная ветвь власти не может сконцентрировать в своих руках столько власти, чтобы представлять угрозу правам граждан или нарушать эти права.

Демократия — это не просто сумма институтов. Демократия зависит также от развития демократической гражданской культуры. В данном случае под культурой понимается не искусство, литература или музыка, но манера поведения, практика и нормы, определяющие способность людей к самоуправлению.

Диана Ревич пишет: «Тоталитарная политическая система способствует культуре пассивности и апатии. Режим пытается создать послушных и покорных граждан». В противовес этому гражданская культура демократического общества формируется свободно избранной деятельностью отдельных личностей и групп. Граждане в свободном обществе стремятся к удовлетворению собственных интересов, используют свои права и берут на себя ответственность за свою жизнь. Они принимают собственные решения о том, где работать, где жить, вступать ли в политическую партию, что читать, что говорить и т.д. Подтверждением этому являются слова Томаса Джефферсона, которые он высказал в американской Декларации независимости: «Мы считаем самоочевидной истиной, что все люди созданы равными, что они наделены творцом определенными неотъемлемыми правами, среди которых право на жизнь, свободу и стремление к счастью. Что ради гарантии этих прав среди людей образованы правительства, черпающие власть из согласия тех, кем они управляют».

